

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Муқимий номли Қўқон Давлат педагогика институти

Носиржон Охунов

**ЎЗБЕКИСТОН
ТОПОНИМИЯСИ**

(илмий-услугий қўлланма)

Қўқон – 2005

Ушбу илмий-услубий қўлланма педагогика институтларида ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларга талаба танлови фани сифатида ўтилиши учун мўлжалланган. Ундан жой номлари билан қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори, профессор Э.Бегматов

Тақризчи: филология фанлари номзоди, доцент И.Пўлатов

Қўлланма Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти илмий-техник кенгашининг 5-йиғилишида (2005 йил 19 январь) нашрга тавсия этилган.

ТОПОНИМИКА — ЖОЙ НОМЛАРИНИ ЎРГАНУВЧИ СОҲА. ТОПОНИМИКАНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ

РЕЖА:

1. *Топонимика — жой номларининг яратилиши, маъноси, ясалиши, грамматик хусусиятлари, номланиш тамойилларини тадқиқ этувчи алоҳида соҳа сифатида.*
2. *Топонимиканинг тилшунослик фанларига бўлган муносабати.*
3. *Топонимиканинг география фани билан алоқадорлиги.*
4. *Топонимларни ўрганишнинг тарих ва этнография фанлари учун аҳамияти.*
5. *Топонимиканинг тармоқлари.*
6. *Топонимиканинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқилиши, унинг илмий аспектда ўрганилиши.*

Топонимика (юнонча *topos* - жой ва *онума* - исм, ном) — ономастиканинг жой номлари (географик атоқли номлар) ни, уларнинг пайдо бўлиши ёки яратилиш қонуниятларини, ривожланиши ва ўзгаришини, тарихий этимологик манбалари ва грамматик хусусиятларини, уларнинг тузилишини, тарқалиш ҳудудлари ҳамда аталиш сабабларини ўрганувчи бўлими. Муайян бир ҳудуддаги жой номлари мажмуи — топонимия, алоҳида олинган жой номи эса топоним деб аталади. Топонимлар ҳам тил лексикасининг бир қисми сифатида бошқа ҳамма сўзлар сингари тил қонуниятларига бўйсунди, лекин ўзининг пайдо бўлиши ва баъзи ички хусусиятлари жиҳатидан жамиятнинг кундалик моддий ва маънавий ҳолати, иқтисодий турмуши, орзу ва интилишларига алоқадор бўлиб, маълум даражада бошқа гуруҳ сўзлардан фарқ қилади. Шу билан бирга топонимларда миллий тилимизга хос бўлган қадимий фонетик, лексик ва морфологик элементлар кўпроқ сақланган бўлади. Жойнинг табиий географик шароити, аҳолининг этник таркиби, кишиларнинг касби ва машғулоти, қазилма бойликлар, тарихий шахслар ва воқеалар топонимлар вужудга келишининг асосий манбалари ҳисобланади.

Топонимика тилшунослик фани билан узвий равишда алоқададир. Дарҳақиқат, жой номлари тил тарихи (тарихий лексикология, тарихий фонетика, тарихий морфология), диалектология, этимология учун катта аҳамият касб этади. Бу соҳага

оид тадқиқот ишларини олиб боришда муҳим манба ҳисобланади. Айтайлик, баъзи топонимлар бугунги кун нуқтаи назаридан архаизм ёки историзмга айланган сўзлар билан аталган бўлади. Чунончи, Фарғона водийсида Оқёзи, Сариёзи, Қизилёзи деган топонимлар мавжуд. Бу номлар таркибидаги ёзи лексемаси қадимги туркий ва эски ўзбек тилида фаол ишлатилиб, "чўл, дашт, текислик" маъносини билдирган, ҳозир эса истеъмождан чиқиб кетган, лекин юқоридаги топонимларда сақланиб қолган. Оқёзи—"оқ чўл, оқ дашт", Сариёзи — "кенг дашт", Қизилёзи — "қизил чўл, қизил дашт" маъносини ифода қилади. Марказий Фарғонада жойлашган Ёзёвон туманининг номи ёзи ва ёбон сўзларидан ташкил топган; бундаги ёбон сўзи ҳам "чўл" деган тушунчани билдирган. Вақтлар ўтиши билан номда фонетик ўзгариш рўй берган ва натижада Ёзёвон шаклига келиб қолган. Ёзёвон айнан: "чўли биёбон", "текис чўл" демақдир.

Қашқадарё вилоятидаги Аёқчи, Туясингир, Каттасингир, Кичиксингир, Етимсингир, Сурхондарё вилоятидаги Кирпич, Хоразм вилоятидаги Кирпичли топонимларида ҳам тилимизга хос қадимги хусусиятларни кўриш мумкин. Қадимда мазкур номлар асосидаги аёқ сўзи — коса, товоқ, идиш; сингир лексемаси — кичик, ёлғиз баландлик, дўнглик; кирпич — ғишт маъносини билдирган. Аёқчи — коса, товоқ сингари буюмларни тайёрловчи шахсни ифода қилган. Касб-корга нисбат бериш асосида қишлоқ номи вужудга келган. Каттасингир, Кичиксингир оронимларининг номланишида баландликнинг ҳажм хусусияти эътиборга олинган. Кирпич, Кирпичли топонимлари — ғишт пишириладиган жой маъносини ифода қилади.

Номшунос олим Т.Нафасовнинг ёзишича, Жанубий Ўзбекистонда қиз сўзи воситасида шаклланган 30 га яқин топоним бор. Қизбулоқ, Қизтош, Етимқиз, Учқиз, Бешқиз, Қирққиз, Қизтоғ, Қизмозор, Қизтепа, Қизқўрғон сингарилар шулар жумласидандир. Мазкур номлар таркибидаги қиз сўзи қадимий қуз сўзининг ўзгарган шаклидир. Қуз сўзи ёлғиз баландлик, кичик чўққи, тоғ ёнбағирларидаги дўнгликларга нисбатан қўлланган. Қизбулоқ — тоғ бағрида юқори жойдан чиққан сув; Қизтоғ — баланд тоғ бағридаги кичик чўққи; Етимқиз — ёлғиз дўнглик; Учқиз — ёнма-ён учта баландлиги бўлган адир маъноларини билдиради.

Топонимлар халқ сўзлашув нутқидаги лексемалар асосида ҳам юзага келади. Бу топонимиканинг ўзбек шевашунослиги билан узвий алоқадорлигини кўрсатади. Республикамиз топонимиясида шевага хос сўзлар билан аталган жой номлари бирмунча. Буларга

Хоразм шеваларида учровчи арна (дарёдан сув олувчи канал), ёп (катта ариқ), солма, ёрмиш (кичик ариқ), соқа (ариқнинг бошланиш жойи), ўзак (дарё ирмоғи, тармоғи), қайир (юмшоқ, қумлоқ ер), отиз (экин майдони); Қашқа - Сурхон воҳасидаги шеваларга оид ҳовар (текис жой), қалоқ (тошдан қилинган тўсиқ, девор), зов (тик жарлик), човра (паст-баландликлардан иборат жой, адир), жовуз (бўз, ўзлаштирилмаган ер), қовоқ (бўртиб чиққан чўзиқ баландлик), жорма (ёрилган жой, ўйиқ); Бухоро шевасига мансуб рўд (катта ариқ), тал (тепа, баландлик); Фарғона шеваларида қайд этилган олиш (сувнинг бўлинган жойи), жўга (сизот, зах сув оқадиган ариқ) сингари лексик диалектизмлар билан аталган топонимларни киритиш мумкин. Манғитарна, Пахтаарна, Шовотарна, Тошёп, Полвонёп, Уйғурёп, Найманёп, Узунсолма, Тўқайсолма, Улуғёрмиш, Кичикёрмиш, Тошсоқа, Арнасоқа, Қораўзак, Кўкўзак, Тикўзак, Орқақайир, Қиблақайир, Тариқотиз, Қовунотиз, Каттаховар, Кичикховар, Тошховар, Каттақалоқ, Қўшқалоқ, Яккақалоқ, Оқзов, Каттазов, Қоразов, Тошлизов, Каттачовра, Тошчовра, Жовуз, Каттақовоқ, Ҳусанқовоқ, Тошқовоқ, Арчалиқовоқ, Жорма, Лабирўд, Кўҳнарўд, Шаҳррўд, Тагитал, Талисафед, Учолиш, Бешолиш, Сарижўга, Қоражўга каби жойлар номлари бунинг мисолидир.

Топонимлар истеъмолдан чиққан айрим қўшимчаларни аниқлашда ҳам ёрдам беради. Чунончи, қадимги туркий тилда -т, -от, -ат қўшимчаси кўплик, жамлик маъноларини ифода этган. Ушбу морфема ҳозирда айрим номлар таркибидагина учрайди. Боғот — боғлар, боғ - роғли жой (Хоразм вилояти), Кўлот — кўли кўп жой (Қарши тумани), Булоқот — булоқлар (Жарқўрғон тумани), Коризот — коризлари кўп бўлган жойдаги қишлоқ (Шеробод тумани), Бекат —беклар (Қува, Фарғона тумани), Теват (тепа + т > теват) — тепалари кўп бўлган жой (Мўғлон тумани) топонимлари шундай номлар жумласига киради.

Топонимикани тадқиқ этишда география фани алоҳида аҳамиятга эга. С.Қораев ёзганидек, топонимиканинг географиядан ажралган ҳолда ўрганиб бўлмайди. Энг аввало, топоним — географик объектнинг аниқ адреси. Номлар жойнинг географик ўрнини аниқлаш учун ҳам, географик тушунчаларни ифодалаш учун ҳам зарурдир. Географик картада келтирилган бой ва хилма-хил маълумотлар орасида номлар муҳим ўрин тутуди. Географик номларнинг "калити"ни кўпинча географик қонуниятлардан топиш мумкин. Географик қонуниятларни билмасдан туриб, топонимларнинг келиб чиқиши ҳақида фикр билдириш кўпинча хатоликларга олиб келади.

Топонимларни тарихий география аспектларида ўрганиш

муайян худуднинг ўтмишдаги табиий шароити ҳақида муҳим маълумотлар олишга кўмаклашади. Дарҳақиқат, жойнинг рельеф хусусияти, ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами, ер бойлигини ўзида акс эттирувчи номлар тарихий география учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Вақт ўтиши билан объектнинг рельефи ўзгариши мумкин, лекин ўша рельефни англатувчи сўзлар билан аталган жой номлари сақланиб қолаверади. Масалан, "тепа", "жар", "дўнг", "чуқур" сўзлари асосида шаклланган Тепақишлоқ, Тепагузар, Ясситепа, Қумтепа, Жарқишлоқ, Жарқўрғон, Жармаҳалла, Жарбоши, Дўнгқишлоқ, Дўнгқўрғон, Чуқурқишлоқ, Чуқурмаҳалла топонимлари ҳозирги вақтда ўша рельефни айнан англатмаслиги мумкин. Дарҳақиқат, бу номлар жойнинг ўтмишдаги рельефидан "эсдалик" бўлиб қолмоқда.

Топонимларда маълум худуднинг ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами ҳам ўз аксини топади. Топонимик маълумотларга асосланган ҳолда шу атрофларда қадимда қандай ўсимликлар ўсганини, қандай ҳайвонлар яшаганлигини билиб олса бўлади. Юлғунзор, Ёнғоқлик, Шувозор, Олмазор, Себзор, Мингтут, Тўптол, Тиконли, Гўмайли, Қулонқоқ, Дўлтакамар, Жайронхона, Каптархона, Балиқликўл, Лайлакқўл сингари топонимларда шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Республикамиз жой номлари тизимида объектнинг ер бойлигига алоқадор ҳолда вужудга келган топонимлар ҳам учрайди. Бу номларга қараб қайси жойда қандай ер ости бойликлари қазиб олинганлигини билиб олиш мумкин. Олтинтоғ, Олтинтопган, Олтинқазган топонимлари шу ерларда олтин борлигига ишора этади. Мискон, Кумушкон, Қўрғошинкон, Тузкон, Кўмиркон, Мойлисув, Мойлисой, Газли топонимлари ҳам ўзларида жойнинг табиий бойлигини акс эттиргандир. Келтирилган ашёвий далиллар топонимиканинг тарихий география билан узвий алоқадор эканлигидан дарак беради.

Топонимиканинг тарих, этнография фанлари билан ҳам алоқаси кучлидир. Топонимлар жуда қадимдан яратилган ва халқ тилида ишлатилган. Улар юзлаб, ҳатто минглаб йиллар яшайди, асрдан-асрга, авлоддан-авлодга ўтади. Буни қадимги ёзув ёдгорликларида тилга олинган ва ҳозиргача сақланиб қолган кўплаб шаҳар, дарё, денгизларнинг номлари кўрсатиб туради. Самарқанд, Фарғона, Ахсикат топонимлари VIII асрга оид сўғд ҳужжатларида тилга олинган. Андигон (Андижон), Боб (Поп), Ғиждувон, Сўх, Исфара, Хўканд (Кўкон), Ҳузор (Ғузор), Нахшаб (Қарши), Кармана, Кеш (Шахрисабз), Марғинон (Марғилон), Кубо (Қува), Нарпай каби топонимлар X аср манбаларида учрайди. Бу топонимларнинг ўтмиш даврлар даракчиси, тарих ёдгорлиги сифатида узоқ даврлар яшай олишлигидан далолат беради.

Топонимлар аҳоли миграцияси (бир жойдан иккинчи жойга кўчиши) хусусида муҳим маълумотлар бера олади. Марказий Осиёда 10 дан ортиқ Самарқанд деб аталувчи қишлоқлар бор. Буларнинг ҳаммаси Самарқанд шаҳрига нисбат бериб қўйилган номлардир. Қўқон шаҳридаги Исфарагузар, Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги Қўқонқишлоқ, Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги Қўқонтўпи, Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманидаги Тошкентлик, Жиззах шаҳри ва унинг атрофларидаги Оққўрғонлик, Ховослик, Ўратепалик, Равотлик, Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги Фарғонагузар, Қумқўрғон туманидаги Бандихонлик топонимлари аҳолининг кўчиши асосида пайдо бўлган номлардир. Бир объектдан иккинчи объектга бориб ўрнашиб қолган аҳолининг янги жойи уларнинг аввалги жойи номи билан атала бошлаган. Бир объект номи иккинчи объект учун ҳам ном бўлиб ўтган.

Ўлкамизда Жалойир, Қурама, Қотағон, Манғит, Қангли, Кенагас, Найман, Дўрмон, Урганжи, Қўнғирот, Қиёт, Қовчин, Чимбой сингари қишлоқ номлари бир неча жойда учрайди. Булар ўзбек халқи таркибига кирган уруғ-қабилалар номлари билан аталган этнотопонимлардир. Бу хил жой номларига қараб шу номли аҳоли масканларида қадимда шундай қабила, уруғ вакиллари истиқомат қилган деб бемалол айтиш мумкин.

Топонимларда турли даврларда рўй берган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этган бўлади. Кишилиқ жамияти тарихида турли воқеалар кўплаб содир бўлган. Уларнинг баъзилари воқеа-ҳодиса бўлиб ўтган жойга ном бўлиб қолган. Қумбосди, Қумбоскан, Қизкетган, Серқақирилди, Қўйқирилганқалъа, Қўйботган, Ўғузўлганқўл, Аликетганқўл, Қўзиқирилганжар, Туркманучди, Қалмоққочди, Айиқучди, Такайиқилди, Мирўлди, Илонбузган, Сувбузган, Илонқувди, Чопонқуйди қабилар шундай топонимлар жумласидандир. Булар рўй берган ҳодисалар тўғрисида "микроғувоҳлик" бера олади.

Ерга бўлган хусусий мулкчилик муносабатлари, турли даврларда қўлланилган ижтимоий-сиёсий атамалар ҳам топонимияда ўз изини қолдирган. Масалан, Фарғона водийсида чек сўзи орқали шаклланган топонимлар жуда кўп учрайди. Ўтмишда чек дейилганда кўпинча хон ва оила аъзоларининг, амалдорлар, рухонийларнинг, умуман, ҳар қандай кишининг хусусий ерлари тушунилган. Бу хил хусусий ерларда ташкил топган қишлоқ, маҳаллалар кейинчалик чек сўзи билан юритилиб кетган. Исмоилчек, Маҳмудчек, Шеразимчек, Дўснатчек, Фармончек, Бобочек, Чек Насриддин, Шераличек, Офтобачичек, Чек Шариф, Чек Жўрабек, Сарикмирзачек, Чек Қозикалон, Чек Дастурхончи топонимлари шу тариқа пайдо бўлган.

Юқоридагилардан англашиладики, топонимика тарих, этнография фанлари учун кўп масалаларни ҳал этишда қўшимча манба вазифасини ўтайди.

Энди топонимика турлари, тармоқларига тўхталамиз. Топонимлар йирик ёки майда объектларнинг номлари эканлигига қараб макротопонимлар ва макротопонимларга ажратилади: макротопонимлар — кенг ҳудудлар, катта объектлар (материклар, океанлар, тоғлар, чўллар, дарёлар, шаҳарлар ва шу кабилар) нинг атоқли отлари, макротопонимлар — кичик объектлар (жарликлар, тепаликлар, кудуқлар, кўчалар, кўрғонлар ва шу кабилар)нинг атоқли отлари. Лекин топонимларни бундай тасниф қилиш шартли, чунки кўпинча макротопоним билан макротопонимни фарқлаш қийин,

Турли хил географик объектларни атовчи номларнинг категорияларига мувофиқ равишда топонимиканинг қуйидаги бўлимлари ажратилади: гидронимика — сув ҳавзалари: дарё, канал, сой, ариқ, булоқ, кўл кабиларнинг номларини ўрганувчи соҳа; ойконимика — аҳоли яшаш масканлари ва уларнинг қисмлари: қишлоқ, маҳалла, гузар, кўча, овул, кўрғон номларини ўрганувчи соҳа. Оронимика — ер юзасининг рельеф шакллари: тоғ, чўққи, қоя, қир, тепа, қия номларини текширадиган соҳа. Урбанонимика — шаҳар ичидаги ҳар қандай объектлар номларини ўрганувчи соҳа. Космонимика — Ердан ташқаридаги объектлар (осмон жисмлари) номларини ўрганувчи соҳа ва бошқалар.

Сўнги 40-45 йил ичида топонимиканинг назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилди, топонимика соҳасида бир қанча тадқиқотлар майдонга келди. Бунда рус олимларидан В.А.Никонов, А.В.Суперанская, А.П.Дульзон, Э.М.Мурзаев, В.Н.Топоров, О.Н.Трубачев, ўзбек номшуносларидан Ҳ.Ҳасанов, Э.Бегматов, Т.Нафасов, С.Қораев, З.Дўсимов ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлди. Ўзбекистон топонимияси XX асрнинг 60-йилларидан илмий асосда ўрганила бошланди. Қашқадарё, Хоразм, Тошкент, Сурхондарё, Самарқанд, Марғилон, Қўқон, Бухоро, Бойсун, Мирзачўл, Шаҳрисабз, Нурота, Шофиркон ҳудудларидаги жой номлари тадқиқ этилди. Топонимикага оид бир неча луғатлар, рисола ва монографиялар нашр этилди. Ҳ.Ҳасановнинг "Ер тили" (1977), С.Қораевнинг "Географик номлар маъноси" (1978), З.Дўсимовнинг "Хоразм топонимлари" (1980), Т.Нафасовнинг "Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати" (1988), Н.Охуновнинг "Жой номлари таъбири" (1994) ва бошқалар шулар жумласидандир.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Топонимика нима? Ономастиканинг бу соҳаси қандай масалалар билан шуғулланади?
2. Топонимиканинг тилшунослик фанлари билан алоқаси

ҳақида сўзланг.

3. Топонимика билан географиянинг узвий боғлиқлигини ашёвий далиллар асосида тушунтиринг.
4. Тарих ва этнографияни ўрганишда топонимиканинг ўрни хусусида маълумот беринг.
5. Объектларнинг ҳажмига кўра топонимлар қандай турларга бўлинади?
6. Топонимиканинг қандай тармоқлари бор? Шулар хусусида сўзланг.

АДАБИЁТЛАР

1. Никонов В.А. Введение в топонимику. М., 1965.
2. Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. М, 1974.
3. Суперанская А.В. Что такое топонимика? М., 1985.
4. Қораев С. Топонимика. Т., 1970.
5. Қораев С. Топонимика— географик номлар ҳақидаги фан. Т., 1980.
6. Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимларининг этнолингвистик таҳлили. Т., 1985.
7. Охунов Н. Жойлар ва номлар. Т., 1986.

ЎЗБЕКИСТОН ТОПОНИМИЯСИНING ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

РЕЖА:

1. Қадимги манбаларда Ўзбекистон топонимиясига оид маълумотлар.
2. Наршахий, Беруний, М.Қошғарий, Бобур, А.Баҳодирхон асарларида топонимик маълумотлар.
3. "Бобурнома"да топонимлар маъносининг изоҳланиши.
4. Рус олимлари асарларида ўлкамиздаги жой номларининг ўрганилиши.
5. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб Ўзбекистон топонимиясининг монографик тарзда тадқиқ этилиши
6. Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, Т.Нафасов, З.Дўсимов, Н.Охуновларнинг топонимикага оид илмий-назарий, илмий-амалий тадқиқотлари.
7. Нашр этилган топонимик луғатлар тўғрисида.
8. Ўзбекистон топонимикаси фани олдида турган вазифалар.

Топонимлар қадим замонлардан бери инсонларнинг ижтимоий фаолиятида муҳим аҳамият касб этиб келган. Ўтмиш даврлар даракчиси бўлган жой номларини ўрганиш жуда қадимдан бошланган. Олимлар Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистондаги топонимлар тўғрисида муҳим маълумотларни ёзиб қолдирганлар. IX-XI асрлардаги араб географлари ибн Хордадбех, Истаҳрий, Муқаддасий, ал-Масъудий, XIII асрда яшаган Ёқут Ҳамавийнинг асарларида Марказий Осиё топонимияси ҳақида бой материаллар мавжуддир. Буюк аجدодларимиздан Наршахий, Беруний, Маҳмуд Қошғарий асарлари ҳам топонимика учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

X асрнинг биринчи ярмида Бухорода яшаган тарихчи олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асари жой номларини ўрганишда муҳим манбадир. Унда Бухоро атрофидаги шаҳар, қишлоқлар, уларнинг маънолари ҳақида маълумотлар келтириб ўтилади. Наршахий Бухоро шаҳрининг Нумужкат, Мадинат ус-Сафия ("Мис шаҳар"), Мадинат ут-Тужор ("Савдогарлар шаҳри"), Фохира деган номлари бўлганлигини айтиб, "Хуросонда ҳеч бир шаҳарга бунча кўп ном берилмаган" дейди. Муаллиф Шопурком (ҳозирги Шофиркон) топонимини "Шопур ариғи, Шопур қаздирган ариқ" тарзида изоҳлайди (Шопур — киши исми, ком — ариқ). Асарда Зарафшон дарёси Рудизар ва Ҳарамком деб тилга олинади. Эътиборли томони шундаки, Наршахий қайд этган Кармана, Миёнкол, Ромитон, Қоракўл, Афшона, Жўйи Мўлиён сингари топонимлар ҳозирда ҳам мавжуддир.

Номаълум муаллиф томонидан ёзилган "Ҳудуд ул-олам" (X аср) асарида ҳозирги Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ерлари мукаммал тасвирланган. Мовароуннаҳр ва унинг шаҳарлари, чунончи, Бухоро, Фароб, Пайкенд, Самарқанд, Кеш, Кармина, Термиз, Чағониён, Зомин, Жиззах, Фарғона, Ахсикат, Сўх, Қубо (Қува), Шош, Исбижоб (Сайрам), Кот, Гурганж, Хива, Ўш, Ўзганд ҳақида ажойиб маълумотлар келтирилади. Хусусан, Фарғона, Ахсикат, Сўх хусусида шундай фикрлар бор: "Фарғона — улуғ, обод ва жуда кўркам вилоятдир. Унинг тоғлари, текис жойлари, оқар сувлари ва шаҳарлари кўп. Бу—Туркистоннинг дарвозасидир. Тоғларида мис, симоб каби дори тошлар кўп". "Ахсикат — Фарғонанинг пойтахти, амирнинг қароргоҳи. Бу катта шаҳардир. Қасарт (Сир) дарёси лабида". "Сўх - тоғлар орасида, Буттамон билан Фарғона чегарасидаги жой, 60 та қишлоғи бор".

Абу Райҳон Берунийнинг деярли барча асарларида Марказий Осиё шаҳарлари тилга олиб ўтилган, уларнинг тарихи, аҳолиси,

иклими таърифланган. Профессор Ҳ.Ҳасановнинг қайд этишича, Берунийнинг "Қонуни Масъудий" китобидаги географик жадвалда кўрсатилган 603 жойнинг 85 таси Ўрта Осиё ва Хуросонга тегишлидир. Ҳирот, Балх, Маймана, Журжония, Кот, Тавовис, Барсхон, Байканд, Хасарт, Янгикент, Бинкат, Илоқ каби топонимлар шулар жумласидандир. Беруний жадвалида муҳим тарихий - географик, топонимик маълумотлар ҳам бор. Жумладан, Тошкент тўғрисида бундай дейилган: "Бинкат — Шош шаҳарларидан бири, туркча Тошкент. Бу — юнон муаллифларининг Бурж ал-Ҳижра қалъасидир". Сирдарё этакларидаги Янгикент номи ҳам топонимикага оид қизиқарли мисолдир. Турли халқлар бу номнинг маъносини таржима қилганлар. Маҳаллий туркларда Янгикент ва Жаникент деб юритилган номни араблар "Қарият ал-Ҳадиса" (қарият — "қишлоқ", ҳадиса — "янги", яъни "янги қишлоқ") ва "Мадинат ал -Жадида" (мадина — "шаҳар", жадида — "янги", яъни "янги шаҳар"), тожиклар эса Деҳинав (деҳ — "қишлоқ", нав — "янги", яъни "янги қишлоқ") деб ёзганлар. Берунийнинг бошқа бир асари — "Геодезия" китобида Амударё ва Қорақум тарихи баён қилиб берилган.

Машҳур тилшунос олим Маҳмуд Қошғарий яратган "Девону луғотит турк" асарининг топонимия фани учун аҳамияти бениҳоя каттадир. Асарнинг матнида ва картасида жуда кўплаб жой номлари – мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, доvon, денгиз, кўл, дарё ва бошқаларнинг номлари тилга олиб ўтилган. "Девону луғотит турк" асари шарқшунос С.Муталлибов томонидан араб тилидан ўзбекчага таржима қилиниб, 1960-1963 йилларда чоп этилган. Кейинчалик шу асосда "Девон" учун индекс луғат тузилган. Индекс луғатда асарда қайд қилинган атоқли отларнинг кўрсаткичи берилган. Жумладан, унда 82 та шаҳар ва қишлоқ номи, 68 та мамлакат, вилоят, водий, яйлов, жарлик, тепалик, доvon ва йўл номлари, 25 та денгиз, кўл, дарё, сой номлари келтирилган. Ўч, Ўрду, Кашмир, Қорачуқ, Манканд, Хузор, Қарноқ, Сайрам, Самарқанд, Хўжанд, Қубо, Косон, Ёркенд, Марғинон сингари шаҳарлар номлари; Азизлиғ тоғ, Уларлиғ тоғ, Суғурлуғ тоғ, Сўқоқлиғ тоғ, Бақирлиғ тоғ каби тоғлар номи; Иссиғ кўл, Юлдуз кўл, Ойкўл, Таринг кўл, Ўкўз, Қош ўкўз, Этил, Ила, Ябақу суви сингари кўл ва дарёлар номи; Оқ сой, Балиқлиғ ўкўз, Товушқон ўкуз каби сой, анҳор номлари; Алуш, Азиғ, Абул, Қизил уз, Яғмо (қишлоқ номлари) Ола, Чакла, Тайиз, Тайзанг тайиз (яйловлар номи) буларга мисол бўла олади.

"Девону луғотит турк"да айрим топонимларнинг маъноси изоҳланган, этимологияси очиб берилган. Тошкент, Самарқанд,

Арғу, Бағрам қуми, Қош ўкўз, Бешбалиқ, Янгибалиқ топонимларига берилган изоҳлар шулар жумласидандир. Асарда булар хусусида қуйидагиларни ўқиймиз: "Шош асли Тошканд бўлиб, тошдан қурилган шаҳар демақдир" (1, 414). "Самарқандни катталиги учун семиз канд — семиз шаҳар дейдилар. Буни форсийлар Самарқанд тарзида қўллайдилар" (1, 330). "Арғу — икки тоғ ораси. Тироз ва Балосоғун орасидаги шаҳарларга ҳам Арғу дейдилар. Чунки у икки тоғ орасидадир" (1, 138). "Бағрам қум — эланган қум, майин қум. Қашқар билан Ёркент ўртасидаги қумликка Бағрам қуми дейилади" (1, 447). "Қош ўкуз — Хўтан шаҳрининг икки томонидан оқадиган икки наҳр, уларнинг бирини Урунқош ўкуз дейилади. Оқ тоза тош шу ерда бўлади. Бу ном ҳам шу тошга нисбатан берилгандир. Яна бири Қорақош ўкуз дейилади. Қора тоза тош шу ерда бўлади. Бу тошлар дунёда бирор ерда топилмайди. Фақат шу ердагина бўлади" (III, 166). "Балиқ — жоҳилия давридаги турклар ва уйғурлар тилида шаҳар. Уйғурларнинг энг катта шаҳарларига Беш балиқ дейилиши шундандир. Беш балиқ — беш шаҳар демақдир. Уйғурлар бошқа бир шаҳарларига Янги балиқ — янги шаҳар дейдилар" (I, 360).

"Девон" да 78 та уруғ, қабила, халқ номлари — этнонимлар қайд этилган. Булар этнонимлар асосида вужудга келган топонимларни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Чунончи, асарда учровчи ўғузларнинг 22 уруғидан баъзилари, хусусан, афшар, баёт, жуводдор, бажанак этнонимлари бугунги кунда Хоразм воҳасида топонимлар сифатида сақланиб қолган. Авшар (Боғот ва Ҳазорасп туманлари), Баёт (Ҳазорасп ва Янгиариқ туманлари), Жуводдор (Ҳазорасп тумани), Бажанак (Боғот ва Янгиариқ туманлари) деб аталувчи қишлоқ номлари бунга ёрқин мисолдир.

"Девону луғотит турк" асарида географияга оид турли хил халқ атамаларини учратиш мумкин. Уларнинг баъзилари ҳозирда айрим топонимлар таркибида сақланиб қолган. Орт (тоғ тепаси, доvon), ўзук (ердан сирқиб чиқиб, ҳовузга айланган сув, сизот сув), туз (тўғри, текис ер), ёр (сув ўйиб кетган чуқур ер, жар), ёзи (бўшлиқ, очиклик), сирт (кичик тепа, кичик водий), қайир (юмшоқ тупроқли ер, қумлоқ) атамалари асосида вужудга келган Музорт, Айқорт, Оғочорт, Оқорт, Қораорт, Қизилорт, Қайинорт, Жангиорт (Қирғизистонда), Қораўзак, Кўкўзак, Тикўзак, Есимўзак, Кичикўзак (Хоразм ва Қорақалпоғистонда), Тузқир (Хоразмда), Тузбел (Самарқанд вилоятида), Тузошув (Қирғизистонда), Ёртепа, Ёрқўрғон, Ёртаги, Ёркўча, Ёрбоши, Куйганёр, Оқёр, Ёрқишлоқ (Наманган ва Андижон вилоятларида), Оқёзи, Сариези (Фарғона вилоятида), Қорасирт, Каттасирт (Қашқадарё вилоятида),

Орқақайир, Туманқайир, Қиблақайир (Хоразм вилоятида) топонимлари шулар жумласига киради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур "Бобурнома" асари жой номлари ва уларнинг тарихини ўрганишда ноёб манбалардан ҳисобланади. Унда мингдан ортиқ географик ном келтирилиб, таъриф ва тавсиф бериб ўтилган.

"Бобурнома"да учрайдиган топонимлар улар ифодалаган объектларнинг турига кўра бир неча гуруҳга бўлинади. Буларнинг бир қисми мамлакатлар номини — Афғонистон, Ҳиндистон, Арабистон, Мўғулистон, Ироқ; шаҳарларнинг номларини — Деҳли, Ғазни, Кобул, Машҳад, Банорас, Лоҳур, Урганч, Кеш, Бухоро, Тошканд, Сайрам; қишлоқ ва кент номларини — Муҳаммад оға кенти, Арчакент, Худак кенти, Деҳи Афғон, Деҳи Якуб, Деҳи Ғуломон; работ ва даштлар номини — Тошработ, Работи Заврақ, Работи Сарҳанг, Работи Султонбегим, Сурхработ, Қораработ, Дашти Шайх; сарой ва кўшк номларини — Бўстонсарой, Кўксарой, Оғасарой, Чағонсарой; қалъа ва қўрғонлар номини — Қалъаи Дабуси, Қалъаи Зафар, Қалъаи Ихтиёриддин, Олақўрғон, Тошқўрғон; дарвозаларнинг номларини — Шайхулислом дарвозаси, Чорраҳа дарвозаси, Чармгарон дарвозаси; кўприклар номини — Мирзо кўприги, Мулло бобо кўприги, Чўпон кўприк, Пули Салор, Пули Равон сингариларни ифода қилади.

"Бобурнома"да қайд этилган жой номларининг маълум қисмини оронимлар ташкил этади. Оронимлар ўз таркибига тоғ, доvon, дара, кўтал, ғор номларини бирлаштиради. Олатоғ, Сарвтоғ, Шунқорхона тоғи, Меҳтар Сулаймон тоғи, Итмак довони, Кандирлик довони, Обдара, Дараи Занг, Дараи Нур, Оқкўтал, Қипчоқ кўтали, Ғори Ошиқон кабилар шундай номлар жумласига киради.

Бобур асаридаги топонимларнинг бир гуруҳи гидронимлардан иборатдир. Булар дарё номлари — Амударё, Сирдарё, Ганг дарёси, Синд дарёси; сой номлари — Оласой, Қуруқсой; булоқ ва чашма номлари — Ёнбулоқ, Қарғабулоқ, Қорабулоқ, Бодомчашма, Гармчашма; кўл номлари — Қорақўл, Кўлигил, Кўли Малик; ариқ ва ҳовуз номлари — Қирқариқ, Хокон ариғи, Маллухон ҳовузи ва шу кабиларни ўз ичига олади.

"Бобурнома"да 30 га яқин боғлар номи тилга олинган. Уларнинг аксарияти соҳибқирон Амир Темур томонидан бунёд этилган боғлардир. Боғи Бўлду, Боғи Дилкушо, Боғи Нақшижаҳон, Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Беҳишт кабилар шулар жумласидандир.

Асарда баъзи жойларнинг икки ёки уч ном билан аталиши, уларнинг параллел равишда қўлланилишлиги мисоллар орқали баён қилинган. Тошканд – Шош – Чоч ; Ахси – Ахсикат; Уратепа –

Усрушна – Усруш; Кеш – Шаҳрисабз; Қарши – Насаф – Нахшаб; Работак ўрчини – Икки сув ораси; Қалъаи Зафар – Шофтевар; Қаҳлуғ – Дарбанди Оҳанин номлари бунга далил бўла олади. Уларни дублет топонимлар деб аташ мумкин. Буларнинг баъзиларига асарнинг ўзидан айнан кўчирмалар келтирамиз: "Тошканд вилояти ... китобларда Шош битирлар; баъзи Чоч битирлар..." (63-бет), "... Қарши вилоятидурким, Насаф ва Нахшаб ҳам дерлар" (108-бет), "... Работак ўрчинидаким, бу Работак ўрчинини Икки сув ораси ҳам дерлар" (128-бет), "Қалъаи Зафарким, бурун Шофтевараға машҳур экандур" (212-бет), "Қаҳлуғдинким Дарбанди Оҳанин ҳам дерлар" (181- бет).

"Бобурнома" да қайд этилган топонимларнинг баъзилари ўзбекча ҳамда тожикча вариантларда берилган. Жой номларининг бу тарзда ишлатилиши икки халқ ва уларнинг тиллари орасидаги ўзаро алоқадан далолат беради. Мирзо кўприги — Пули Мирзо, Дилкушо боғи — Боғи Дилкушо, Меҳтар Сулаймон тоғи — Кўҳи Меҳтар Сулаймон, Муҳаммад Чап кўприги — Пули Муҳаммад Чап, Жуд тоғи — Кўҳи Жуд, Қорасув — Сиёҳоб сингарилар шундай топонимларга ёрқин мисолдир.

"Бобурнома"да зикр қилинган ойконимларнинг кўпчилик қисми муаллиф томонидан қандай ифодаланган бўлса, ҳозирда ҳам ўша ҳолатича сақланган, шу шаклда қўлланилади. Андижон, Бухоро, Пискент, Зомин, Исфара, Ворух, Хўжанд, Сўх, Ҳушёр, Кобул, Деҳли, Машҳад сингарилар бунинг ёрқин мисолидир. Асардаги айрим ойконимлар бизгача турли фонетик ўзгаришлар билан етиб келган. Чунончи, Дизак шаҳри номи ҳозир Жиззах, Кандибодом – Конибодом , Марғинон – Марғилон, Ўзганд – Ўзган, Тошканд – Тошкент, Қубо – Қува, Хўқон – Қўқон, Тирмиз – Термиз, Хузор – Ғузор, Кармина – Кармана, Рушдон – Риштон, Сиёҳоб – Сиёб, Ғаво – Ғова бўлиб ўзгариб кетган.

"Бобурнома"ни ўқир эканмиз, унда кўплаб ойконимларнинг этимологияси, келиб чиқиши, маъносига доир фикр-мулоҳазалар баён қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, Бобур Кандибодом топоними ҳусусида қуйидагиларни баён этади: "Мунинг тавобиидин Кандибодомдур. Агарчи қасаба эмас, яхшигина қасабадур. Бодоми яхши бўлур. Бу жиҳатдин бу исмға мавсумдур. Хурмуз ва Ҳиндистонға тамом мунинг бодоми борур" (62-бет). Келтирилган парчадан маълум бўладики, Кандибодомнинг маъноси "бодомли шаҳар" демакдир. Асарда яна Шаҳрисабз шаҳрининг номланиши шундай изоҳланади: "Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ... дерлар" (108-бет). Дарҳақиқат, Шаҳрисабз — "кўкаламзор шаҳар", "яшил —

боғ-роғларга бой шаҳар" маъносидадир.

"Бобурнома"да Ҳиндистон ҳудудидаги Кашмир ойконимиға тубандагича изоҳ берилган: "... бу тоғ элини кас дерлар... Ҳиндистон эли "шин"ни "син" талаффуз қилур. Чун бу тоғда мўътабар шаҳр Кашмирдур. ... Бу жиҳаттин бўла олурким, Кашмир демиш бўлғайлар" (342-бет). Бинобарин, географ олим, профессор Ҳамидулла Ҳасанов тўғри таъкидлаганидек, "кас" аслида "каш" бўлиб чиқади ва Кашмир шу тоғдаги қабила номи билан боғлиқ ойконим ҳисобланади.

Бобур Афғонистондаги вилоятлардан бири Ламғон (кўплик шакли - Ламғонот) тўғрисида ёзар экан, унинг беш туман ва икки бўлуқдан иборатлигини таъкидлайди. Ойконимнинг келиб чиқиши хусусида мана бу фикрларни баён қилади: "Ҳазрати Нух пайғамбарнинг отаси Меҳтар Ломнинг қабри Алишанг туманидадур. Баъзи тарихта Меҳтар Ломни Ломак Ламкон дебтурлар. Ул элни хийли мулоҳаза қилибдурким, баъзи маҳал "коф" ўрунға "ғайн" талаффуз қилурлар, бу жиҳаттин ғолибо бу вилоятни Ламғон дебтурлар" (191-бет). Демак, муаллифнинг тушунтиришича, Ламкон номи "к" ҳарфининг "ғ" деб айтилиши туфайли Ламғон шаклиға келиб қолган.

Булардан ташқари, "Бобурнома"да Исфарадаги Санги ойина, Ҳиндикуш тоғидаги кўталлардан бири - Тул, Афғонистондаги Кўҳи сафид, Кобул вилоятидаги Ғурбанд оронимларига изоҳ бериб ўтилган, маънолари тушунтирилган. Уларға асарнинг ўзидан айнан кўчирмалар келтирамиз: "Исфаранинг бир шаръисида жануб сори пушталарнинг орасида бир парча тош тушубтур, "Санги ойина" дерлар, узунлиғи тахминан ўн қари бўлғай, баландлиги баъзи ери киши бўйи, пастлиғи баъзи ери кишининг белича бўлғай, ойнадек ҳар нима мунъакис бўлур" (61-бет). "Бу уч кўталдин яхшироғи Тулдур. Вале йўли бир нима узунроқдур. Ғолибо, бу жиҳаттин Тул дерлар" (188-бет). "... бу тоғдин қор ҳаргиз ўксумас. Бу жиҳаттин ,ғолибо, Кўҳи сафид дерлар" (190-бет). "Яна бир Ғурбанд туманидур. Ул вилоятларда кўталларни банд дерлар. Ғур (тоғ номи) сари бу кўтал била борурлар, ғолибо ул жиҳаттин Ғурбанд дебтурлар" (193-бет). Бинобарин, Бобурнинг изоҳлашича, Санги ойина — ойна тош, ойнадек текис, силлиқ тош; Тул — узун, олис йўл; Кўҳи сафид — оқ тоғ, доимо қор билан қопланиб ётган тоғ; Ғурбанд — Ғур тоғиға олиб борувчи, элтувчи кўтал маъносини билдиради. Бобур яна Ҳиндистондаги Кўҳи Жуд, Саво лак парбат, Афғонистондаги Шоҳи Кобул тоғлари ҳақида тўхталганда уларнинг маъносига эътибор беради. Кўҳи Жуд тоғида эллардан бири жуд қабиласи яшаганлигини аниқлайди ва бу тоғ шу қабила номи билан

аталганлигини эътироф этади: "Бу тоғни жудқа мансуб қилиб, Кўҳи Жуд дебтурлар" (289-бет). Саво лак парбат номининг маъносини бундай изоҳлайди: "Бу тоғни ҳинд эли Саво лак парбат дерлар, ҳинд тили била "саво" - рубъ, "лак" - юз минг, "парбат" - тоғ, яъни рубъ ва юз минг тоғким, юз йигирма беш минг тоғ бўлғай" (342-343-бетлар). Саволак Парбат деган ном ҳозир ҳам географик адабиётда қўлланилади. Бу Ҳимолайнинг шимолдан жанубгача узундан-узоқ чўзилган пастроқ тоғларидир (юз йигирма беш минг тепалик деганича бордир). Шоҳи Кобул оронимининг келиб чиқишини шундай тушунтиради: "Қалъанинг ғарб-жануб тарафи кичикрак парча тоғ тушубдур. Ул тоғнинг қулласида Шоҳи Кобул иморат қилгани учун бу тоғни Шоҳи Кобул дерлар" (185-бет). Англашиладики, Шоҳи Кобул тоғи Кобул шоҳи номи билан аталган.

Асарда бир қатор гидронимларнинг маъноси тўғрисида эътиборга сазовор фикрлар билдирилган. Такасекретку, Хожа Сеёрон номларига берилган изоҳлар бунинг далилидир: "Андижоннинг шимол тарафида Сайхун дарёсининг ёқасида Такасекретку деган ерда, бу жиҳатдин ул мавзеъ бу исмға мавсумдурким, тоғ доманаси жиҳатидин бу дарё андоқ тор оқарким, ривоят қилурларким, ул ердин така секригандир, мағлуб бўлиб иликка тушти" (65-бет). Дарҳақиқат, Такасекретку — "дарёнинг тор, қисик жойи, така сакраши мумкин бўлган ери" маъносидадир. Такасекретку ўткили Андижондан 60-70 километр шимолда, ҳозирги Норин дарёси (Сайхуннинг катта ирмоғи)нинг Учқўрғондан юқоридаги қирғоқларида бўлган. Ҳақиқатан ҳам бу томонларда дарё тор тоғ оралиғидан оқиб ўтади. Жой номи ҳозирда истеъмолдан чиқиб кетган, тарих-хотирага айланган.

Афғонистондаги Хожа Сеёрон чашмаси (булоғининг) номланиши ҳақида қуйидаги мазмундаги ривоят келтирилади. Бобурнинг ёзишича, бу чашманинг атрофи уч нав дарахтлар билан ўралган. Чашманинг ўртасида кўплаб чинор дарахтлари, икки тарафда балут дарахтлари, олд томонида эса арғувонзор бўлган. "Дерларким, бу уч жинс дарахт уч азизнинг кароматидур. Сеёронға важҳи тасмия муни дерлар" (194-бет). Бундан маълум бўладики, Сеёрон — "уч дўст, уч азиз" маъносини ифода этар экан.

"Бобурнома"да, шунингдек, Агра ёнидаги Гуволёрнинг Ҳотийпул дарвозаси, Ҳиндикуш тоғидаги Ҳафтбача кўтали, Афғонистондаги Гўспандлиёр (йўл оти) номларига ҳам тушунтиришлар бериб ўтилган: "Шарқ сойиғи зилъининг буржида Ҳотийпулдур. Филни "ҳотий" дерлар, дарвозани "пул". Бу дарвозанинг чиқишида бир филнинг суратини мужассам қилибтурлар, устида икки филбон ҳам қилибтурлар. ... Бу жиҳаттин

"Ҳотийпул" дерлар" (413-бет). "... улуғ кўтал билан Парвон орасида яна етти кўтал бор учун Ҳафтбача дерлар" (188-бет). "Омма йўл ўнг қўлимизда бир-икки курух экандир, бу йўл отлик йўли эмас экандур. Қўйчи ва чўпон гоҳи гала ва рамани бу йўл ва танги била индирур учун бу йўлни Гўспандлиёр дер эмишлар. Йўлни афгон тили била лиёр дерлар" (207-бет). Бундан кўринадики, Ҳотийпул — фил дарвоза, Ҳафтбача — етти доvon маъноларини ифода қилади. Гўспандлиёр — қўй йўли (гўспанд -қўй, лиёр - йўл) ёки бошқача қилиб айтганда "пода йўл" деганидир.

Абулғози Баҳодирхоннинг "Шажарайи турк", "Шажарайи тарокима", Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Ҳафиз Таниш Бухорийнинг "Абдуллонома" асарларидан ҳам жой номларининг тарихи, келиб чиқиши, маъноси ҳақида кўплаб маълумотлар олиш мумкин. Тадқиқотчи М.Турдибековнинг ёзишича, Абулғозийнинг "Шажарайи турк" асари матнида 1357 та атоқли от қўлланилган. Улардан 880 таси антропонимлар, 286 таси топонимлар, 118 таси этнонимлар, 51 таси гидронимлар, 22 таси оронимлардир. Асарда Эрон, Турон, Арабистон, Миср, Озарбайжон, Гуржистон, Курдистон сингари мамлакат, давлат, юрт номлари; Хонбалиқ, Бешбалиқ, Тошканд, Самарқанд, Бухоро, Туркистон, Андижон, Балх, Қарши каби шаҳарлар номи; Қумкент, Карваккенд, Гандумкон сингари қишлоқ номлари; Итил суви, Ёйиқ суви, Сир суви, Аму суви, Иртиш суви, Чу суви каби дарёлар номлари зикр этилган. Кўплаб ойконим, этнонимларнинг маъноси изоҳлаб берилган.

Ўзбекистон топонимиясига доир айрим фикр ва мулоҳазалар XIX аср охири ва XX аср бошларида бу ўлкани текширган рус шарқшунос, тарихчиларининг асарларида ҳам учрайди. В.В.Радлов, Л.Будагов, Н.А.Аристов, Л.Н.Соболев, Н.М.Мелиоранский, Н.Хаников, Д.Н.Логофет, Н.Ф.Ситняковский, А.П.Хорошхин, Н.И.Веселовский, А.Д.Гребенкин, В.Л.Вяткин сингари тадқиқотчиларнинг бу соҳадаги фаолиятлари эътиборга моликдир. Уларнинг асарларида республикамиз топонимиясига оид кўплаб маълумотларни учратиш мумкин.

Академик В.В.Бартольд, С.П.Толстов, П.П.Иванов, Е.Д.Поливанов, А.А.Семёнов, В.А.Шишкин, М.Е.Массон, И.И.Умняков, Н.Г.Маллицкий, О.А.Сухарева, О.Д.Чехович, О.И.Смирнова кабилар Ўзбекистон топонимиясини ўрганишга муносиб ҳисса қўшдилар. В.А.Шишкиннинг 1925 йилда ёзган "Тошкент маҳаллаларининг номлари ҳақида" ("О названиях Ташкентских махалля"), Н.Г.Маллицкийнинг 1927 йилда яратган "Тошкентнинг маҳалла ва мавзелари" ("Ташкентские махалля и

мауза") деб номланган тадқиқотлари илмий далилларга бойлиги билан ажралиб туради. Н.Г.Маллицкий ўз тадқиқотида Тошкентдаги 200 та маҳалла ва 170 га яқин мавзеларнинг номларини ёзиб қолдирган. Бу, табиийки, топонимия учун муҳим манбадир.

Республикаимиз жой номларини ўрганишда ўзбек олимларининг қўшган ҳиссалари ҳам улкандир. Я.Ф.Ғуломов, Р.Н.Набиев, А.Р.Муҳаммаджонов, Ҳ.Ҳасанов, Ф.Абдуллаев, С.Иброҳимов, Э.Бегматов, А.Ишаев, С.Қораев, Т.Нафасов, З.Дўсимов, Р.Қўнғуров, Б. Ўринбоев каби олимларнинг бу соҳадаги ишлари мақтовга лойиқдир.

Ўзбекистон топонимларини кенг кўламда ўрганиш ишлари, асосан, ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланди. Кейинги ўн йилликлар ичида бу соҳада катта ишлар қилинди.

60-йилларга келиб ўзбек тилшунослигида атоқли от материаллари монографик тарзда ўрганила бошланди. 1965 йилда тилшунос Э.Бегматов "Ўзбек тили антропонимикаси" мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бу асар ўзбек тилшунослигида кўлга киритилган йирик ономастик тадқиқот бўлди. Иш ўзбек антропонимиясигина эмас, балки ўзбек топонимиясининг назарий масалаларини қамраб олганлиги билан ҳам характерлидир.

1968-80 йиллар давомида Ўзбекистон топонимларини регионал ўрганишга бағишланган қатор тадқиқотлар майдонга келди. Т.Нафасов "Қашқадарё вилояти топонимлари" (1968), С.Қораев "Ўзбекистон топонимиясини ўрганиш тажрибасидан" (1969), З.Дўсимов "Шимолий Хоразм топонимлари" (1970), Ш.Қодирова "Тошкент микропонимлари" (1970), Л.Каримова "Шимолий ўзбек шевалари топонимлари" (1971), Т.Раҳматов "Самарқанд шаҳри ва унинг атрофлари топонимияси" (1973), С.Губаева "Фарғона водийси топонимиясида этнонимлар" (1973), Ё.Хўжамбердиев "Сурхондарё вилояти топонимларининг тарихий-этимологик тадқиқи" (1973), Ж.Латипов "Марғилон шаҳари ва унинг атрофлари топонимияси" (1975), Н.Охунов "Қўқон гуруҳи туманлари топонимияси" (1978), С.Найимов "Бухоро вилояти ойконимлари" (1984), Н.Мингбоев "Мирзачўл топонимлари" (1988) мавзуларида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

Сўнги 10-15 йил давомида яна бир қанча топонимик тадқиқотлар амалга оширилди. А.Зокиров, Х.Холмўминов, Т.Эрназаров, Ў.Ориповлар томонидан Жиззах, Бойсун, Шаҳрисабз, Нурота ҳудудларидаги жой номлари ўрганилди. Н.Бегалиев Самарқанд вилояти гидронимларини лисоний жиҳатдан тадқиқ этди (1994). А.Отажонова "Хоразм этнопонимларининг луғавий

асослари", А. Туробов "Самарқанд вилояти этноним ва этноойконимларининг таҳлили" мавзуларида монографик тадқиқот олиб бордилар.

Ўзбекистон топонимларини ўрганишга жуда катта ҳисса қўшган олимлардан бири география фанлари доктори, профессор Ҳ.Ҳасановдир. Муаллифнинг "Ўрта Осиё жой номлари тарихидан" (1965), "Ер тили" (1977), "Географик номлар сири" (1985) сингари асарлари босилиб чиққан. Буларда республикамиздаги жуда кўплаб жой номларининг тарихи, келиб чиқиши, семантик хусусиятлари баён этилган. Топонимларнинг эски ва янги шакллари таҳлил қилинган. Ушбу асарларга илова қилинган қисқача топонимик луғатлар ишнинг қимматини янада оширган.

Республикамиз жой номларини ўрганишда география фанлари доктори С.Қораевнинг илмий ишлари алоҳида ўрин тутди, Олимнинг "Топонимика" (1970), "Этнонимика" (1979). "Топонимика - географик номлар ҳақидаги фан" (1980), "Тошкент топонимлари" (1991) рисолалари ҳамда рус тилида "Ўзбекистон топонимияси" (1990) монографияси чоп этилган. "Географик номлар маъносини биласизми?" (1970), "Географик номлар маъноси" (1978) изоҳли луғатлари нашр қилинган. Биринчи луғатда 2100 га яқин жой номларининг маъноси изоҳланган. Иккинчи луғат аввалги луғатнинг давоми сифатида майдонга келган.

Ўзбекистон топонимикаси фанининг ривожланишида таниқли номшунос олим, профессор Т.Нафасовнинг беҳад кўп хизматлари бор. Унинг "Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи" (1985), "Қишлоғингиз нега шундай аталган?" (1989), "Ўзбек номномаси" (1993) асарлари катта илмий аҳамиятга эгадир. Бу асарларда Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик қатламлари кенг ёритиб берилган. Генезиси турли тилларга мансуб топонимларнинг луғавий маъноси, грамматик ва фонетик тузилиши таҳлил қилинган. Кўплаб қишлоқ номларининг этимологияси, келиб чиқиши баён этилган. Олимнинг "Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати" (1988) ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унда топонимлар лисоний асосда изоҳланган. Топоним асосидаги сўзнинг қайси тилга оидлиги, қандай ўзак ва аффикс морфемалардан иборатлиги, уларнинг апеллятив лексика ва топонимика сатҳидаги маъно хусусияти, номланиш тамойиллари кўрсатиб берилган. Луғат 5 мингдан ортиқ топонимларни ўз ичига қамраб олган, ҳажми 18 босма табоқдан иборатдир.

Филология фанлари доктори, профессор З.Дўсимов томонидан Хоразм топонимлари батафсил тадқиқ этиб келинмоқда. Унинг "Хоразм топонимлари" (1985) монографиясида бу воҳа

топонимларининг шаклланиши ва унинг тараққиёт босқичлари тадқиқ қилинган. Кўпгина жой номларининг тарихи ва этимологияси ҳақида фикр юритилган. Топонимларнинг аталиш мотивларига кўра типлари, ясалиш моделлари, морфологик тузилиши чуқур текширилган. Олимнинг Х.Эгамов билан ҳамкорликда яратган "Жой номларининг қисқача изоҳли луғати" (1977) да кўплаб топонимларга тарихий, лингвистик, географик нуқтаи назардан тавсиф берилган.

Н.Охунов тадқиқотларида ҳам жой номларига алоҳида эътибор бериб келинаётир. Унинг "Ўзбекистон" нашриёти томонидан чоп этилган "Антропотопонимика нима?" (1984), "Жойлар ва номлар" (1986), "Тил ва жой номлари" (1988), "Фан" нашриётидан чиқарилган "Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари" (1989) рисолалари республикамиз топонимларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. "Жой номлари таъбири" (1994) луғатида ўлкамиздаги кўплаб аҳоли яшаш масканлари номлари — ойконимларнинг келиб чиқиши, маъноси изоҳлаб берилган. Кейинги йилларда ёзган "Жой номларининг грамматик тузилиши ва ясалиши" (2004), "Муқаддас қадамжойлар" (2005) рисолаларида топонимлар грамматик тузилиши ва ясалиши жиҳатидан таҳлил этилган. Сўз туркумларининг топонимлар яратилишидаги иштироки тўғрисида фикр юритилган. Қўшма топонимларнинг ясалишида индикаторларнинг роли ҳақида муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилган. Республикамиз ҳудудидаги азиз-авлиёлар, шайхлар, пирлар, дин арбоблари каби мўътабар зотларнинг номлари билан аталган муқаддас қадамжойлар хусусида маълумотлар келтириб ўтилган.

Ўзбек топонимларини ўрганиш муаммоси ва масаласи халқаро ва минтақавий илмий анжуманларда ҳам қизғин муҳокама этиб келинмоқда. 1985 йилда Жиззах, 1987 йилда Гулистон, 1989 йилда Қарши, 1991 йилда Урганч шаҳарларида "Ўзбекистон ономастикаси" мавзусида махсус илмий-амалий анжуман ўтказилди. 1988 йилда Навоий шаҳрида "Жой номлари — халқ маънавиятининг нодир мероси" мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди. Жиззахдаги анжуманда топонимикага даҳлдор 27 маъруза, Гулистонда 49 та, Қаршида 75 та, Навоий шаҳрида ўтказилган конференцияда эса 77 та маъруза тингланди ва муҳокама қилинди. Анжуман материаллари алоҳида тўплам ҳолида чоп этилди.

Яна шуни айтиш зарурки, кейинги пайтларда топонимикага оид бир қанча китоблар босилиб чиқди. Э.Бегматовнинг "Жой номлари — маънавият кўзгуси" (1998), Б.Ўринбоевнинг "Самарқанд вилоят топонимларининг изоҳи" (1997), А.Отажонованинг "Хоразм

этнотопонимлари" (1997), Т.Эрназаровнинг "Туркий содда топонимларнинг этимологик тадқиқи" (2002), З.Дўсимов, М.Тиллаеваларнинг "Топонимика асослари" асарлари шулар жумласидандир.

Хуллас, юқорида айтилганлардан англашиладики, ўзбек топонимикаси ономастиканинг бир тармоғи сифатида сўнги йилларда анча ривожланди. Лекин шунга қарамасдан, ўзбек топонимиясини тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлган баъзи долзарб муаммолар мавжуддир. Булар қуйидагилар:

—Ўзбек тилининг бой топонимик материалларини бутун ҳудудлар, минтақалар бўйича тўплаш, уларнинг картотекасини тузиш.Топонимик картотекани яратиш принципларини ишлаб чиқиш;

— Турли ҳудудлар топонимларини қиёслаб, чоғиштириб ўрганиш;

—Ўзбекистон топонимларини тадқиқ этишдан келиб чиқадиган назарий хулосалар асосида дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш;

—Ўзбек халқ дostonларида учровчи топонимларни тўплаб, уларни лисоний нуқтаи назардан таҳлил этиш;

—Ўзбекистон топонимиясининг лексик таркибини белгилаш, ундаги ўз ва ўзлашган номларнинг миқдорини, мавқеини аниқлаш;

—Ўрганилмаган минтақалар топонимияси юзасидан махсус тадқиқотлар олиб бориш;

—Турли ҳудудлар топонимиясидаги умумий ва хусусий белгиларни аниқлаш;

—Тарихий ёзма манбалар тилидаги номларни, аниқроғи, бирор ёзувчи асари ёки асарларидаги жой номларини махсус тадқиқ этиш;

—Топонимларни архив ҳужжатлари (чунончи, Хива давлат ҳужжатлари, Қўқон хонлиги архиви ҳужжатлари) ва бошқа шу каби манбалар асосида ўрганиш;

—Ўзбек топонимикаси соҳасида қўлга киритилган ашёвий-далилий материаллар асосида жой номларининг этимологик, имло, орфоэпик, чаппа (терс) луғатларини яратиш.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ўзбекистон топонимларини тўплаш ва илмий асосда ўрганиш қачондан бошланган?
2. М.Қошғарий асарида қайд қилинган топонимик маълумотлар ҳақида сўзланг.
3. "Бобурнома"да маъноси изоҳланган топонимлар қайсилар?
4. Ўзбекистон топонимларини ўрганиш билан шуғулланган рус шарқшунос олимларининг фаолияти ҳақида маълумот беринг.

5. Ўтган асрнинг 60-йилларидан кейин ўзбек топонимиясининг тадқиқ этилиши, ҳимоя қилинган диссертациялар хусусида гапиринг.
6. Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, Т.Нафасов, З.Дўсимовларнинг топонимикага оид тадқиқотлари ҳақида нималарни биласиз?
7. Республикамиздаги жой номларини ўрганишга бағишланган қандай топонимик луғатлар нашр қилинган?
8. Ўзбекистон топонимиясини тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлган қандай долзарб муаммолар мавжуд?

АДАБИЁТЛАР

1. Қораев С. Топонимика. Тошкент, 1970.
2. Қораев С. Топонимика — географик номлар ҳақидаги фан. Тошкент, 1980.
3. Латипов Ж. Ўзбекистон топонимикасининг ўрганилишига доир. Ўзбек тили ва адабиёти, 1974, 3-сон, 65-69-бетлар.
4. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимикаси. Махсус курс программаси. Тошкент, 1988.
5. Ўринбоев Б., Бегматов Э., Қораев С. Топонимика Узбекистана (состояние и проблемы). Материалы конференции по ономастики Узбекистана. Джизак, 1985, стр. 3-5.
6. Караев С, Мамедов М. Топонимика в Узбекистане (состояние и проблемы). Ономастика Узбекистана. Ташкент, 1987, стр. 3-6.
7. Нафасов Т., Шерматов А. Из истории развития, формирования узбекской ономастики и ее перспективы. Ономастика Узбекистана. Ташкент, 1989, стр. 59-64.

ТОПОНИМЛАР ТАСНИФИ

Таянч тушунчалар: макротопонимлар — йирик объектлар номлари; микротопонимлар — кичик ҳажмдаги объектлар номлари; оронимлар — ер юза тузилиши шакллари номлари; ойконимлар — аҳоли масканлари номлари; гидронимлар — сувликлар номлари; агроонимлар — ер, дала, дашт номлари; драмонимлар — йўл номлари.

РЕЖА:

1. *Объектнинг ҳажм белгисига кўра топонимларнинг турлари*
2. *Қандай объект номи эканлигига кўра топонимлар турлари*
3. *Топоним асосидаги сўзнинг маъно ва мазмунига кўра жой номлари турлари*
4. *Грамматик тузилиши ва ясалишига кўра топонимлар турлари*

5. *Топоним асосидаги сўзнинг қайси тилларга мансублигига кўра жой номлари турлари*

6. *Топонимларнинг этимологик маъносига кўра турлари*

7. *Топонимларнинг хронологик жиҳатдан турлари*

Топонимлар таснифи турли-тумандир. Сўнги йилларда жой номларини тасниф қилишнинг янги-янги усуллари ишлаб чиқилмоқда. Жой номлари қуйидаги хусусиятларга кўра тасниф қилинмоқда.

1. Топоним ифодалаган объектнинг ҳажмий хусусиятига кўра.
2. Топоним қандай ва қайси типдаги объектнинг атоқли оти эканлигини англатишига кўра.
3. Топоним асосидаги сўзнинг маъно ва мазмунига кўра.
4. Топонимларнинг грамматик тузилиши ва ясалишига кўра.
5. Топонимга асос бўлган сўзнинг тарихан қайси тилга мансублигига кўра.
6. Топонимларнинг этимологик маъноси, тушунилиш даражасига кўра.
7. Топонимларнинг тарихий жиҳатдан пайдо бўлиш даврига кўра.

Топонимлар ном ифодалаган объектнинг ҳажмий хусусиятига кўра иккига бўлинади: макротопоним ва микротопонимлар. Макротопонимларга йирик объектлар – қитъа, мамлакат, денгиз, дарё, республика, вилоят, шаҳарларнинг номлари киради. Масалан, Европа, Осиё, Америка, Хитой, Туркия, Мўғулистон, Каспий денгизи, Орол денгизи, Сирдарё, Амударё, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Фарғона, Қўқон қабилар.

Қишлоқ, маҳалла, кўча, гузар, қудуқ, булоқ, ҳовуз, дала, дашт, тепа сингари майда, кичик объект номлари микротопонимлар дейилади: Қумқишлоқ, Шўрқишлоқ, Соймаҳалла, Юқорикўча, Исфарагузар, Қаймоқлигузар, Сумалакгузар, Шўрқудуқ, Ойдинбулоқ, Қайнарбулоқ, Гулҳовуз, Қумдала, Шўрдала, Ғанидашт, Баққолдашт, Олимтўқай, Оқтепа, Қумтепа ва бошқалар.

Топонимлар қандай ва қайси типдаги объектнинг атоқли оти эканлигини англатиши жиҳатидан бир неча турга бўлинади: 1) ойконимлар, 2) гидронимлар, 3) оронимлар, 4) агроонимлар, 5) некронимлар, 6) драмонимлар.

Ойконимларга қишлоқ, қўрғон, овул, маҳалла, гузар, кўча номлари киради. Ойконимлар аҳоли яшаш масканлари номларини ўзида мужассамлаштиради. Мисоллар: Жарқишлоқ, Тошқишлоқ, Толқишлоқ, Янгиқишлоқ, Янгиқўрғон, Учқўрғон, Тепақўрғон, Юсуфқўрғонча, Ҳасанқўрғонча, Бешовул, Қозоқовул, Янгиовул,

Соймаҳалла, Юқоримаҳалла, Мошмаҳалла, Янгигузар, Тошкентлигузар, Нонвойликгузар, Қирғизгузар, Толкўча, Қумкўча, Пасткўча ва бошқалар.

Гидронимлар топонимлар тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Сув объектларининг, чунончи, денгиз, дарё, кўл, сой, ариқ, булоқ, қудуқ, чашма, анҳорларнинг номи гидронимлар деб аталади: Орол денгизи, Норин дарёси, Оқдарё, Қорадарё, Қумдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, Аччиқкўл, Шўркўл, Балиқликкўл, Даҳанасой, Наймансой, Қиялисой, Мойлисой, Қумариқ, Тошариқ, Қайнарбулоқ, Тошбулоқ, Жуманқудуқ, Шўрқудуқ кабилар.

Оронимлар тоғ, чўққи, қир, тепа, довон, қоя, қия, адир, дўнг, дара, жар, камар, кўтал номларини ўз таркибига бирлаштиради: Олатов, Оқтоғ, Қоратоғ, Сувсизтоғ, Оқтепа, Қоратепа, Қизилтепа, Оқчўққи, Қорачўққи, Қорақир, Қумқир, Ҳасанқоя, Қамчиқ довони, Оқжар, Қизилжар, Айланмажар, Қоракамар, Яккақум сингарилар.

Агроонимлар ер, дала, дашт, марза, тўқай, экин майдонларининг атоқли отларидир: Шўрдала, Ваҳмдала, Қумер, Закашдала. Райҳонмарза, Ҳилолмарза, Баққолдашт, Пасттўқай, Шокиртўқай, Қумбўлак, Мулламайдон ва шу сингарилар.

Некронимларга мазор, қабристон, зиёратгоҳ жойларнинг номлари киради: Охунбува, Ғойиббува, Хўжа Абутороб бува, Валипирим, Йигитпирим, Пошшопирим, Хўжа Исмоил, Оқмазор, Умматбува, Хўжапистабува, Хизирбува, Қизилмазор, Садкакмазор кабилар.

Драмонимлар ердаги, ер остидаги, тоғдаги, умуман ҳар қандай йўлнинг атоқли отларидир: Жийдайўли, Равотйўли, Тошйўлак, Қумсўқмоқ сингари.

Топонимларни маъносига кўра таҳлил этганда уларни қандай сўзлар асосида яратилганлигини аниқлаш ва номланиш тамойилларини белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир. Топонимлар топоним учун асос бўлган сўзларнинг маъно ва мазмунига кўра тубандаги турларга бўлинади:

1. Этнотопонимлар. Уруғ, қабила, қавм, миллат, халқ номлари асосида яратилган жой номлари этнотопонимлар деб юритилади. Республикамизда бу хил жой номлари жуда кўп. Турли ҳудудларда учровчи Қипчоқ, Жалойир, Найман, Дўрмон, Манғит, Қангли, Чимбой, Қурама, Қирғизқишлоқ, Тожикқишлоқ, Қозоққўрғон сингари топонимлар шулар жумласидандир.

2. Антропотопонимлар. Киши исмлари, лақаблари, фамилияларидан вужудга келган жой номлари антропотопонимлардир. Абдусамад, Раҳматулло, Ҳасанқора, Сулаймон, Каримдемона, Ўрозмерган, Қурбонқашқар, Дашт Ҳасан,

Дашт Чўлпон, Йўлдошобод, Ғаниобод, Ҳайитқишлоқ, Комилчўли, Авазчўл, Мулла Бошмон, Мулла Зоир, Валихонтўра, Шералимингбоши кабилар бунга ёрқин мисолдир.

3. Фитотопонимлар. Ўсимлик ва дарахт номлари асосида яратилган жой номлари фитотопонимлар номи билан аталади: Жийдақишлоқ, Яккатут, Қатортол, Ғўмайли, Юлғунзор, Ёнғоқлик, Толзор, Узумзор, Қамишқўрғон, Толқудуқ, Ҳилолқўл, Чинортепа, Толқишлоқ, Олмазор, Қайрағоч, Тўпсада сингарилар.

4. Зоотопонимлар. Буларга ҳайвон, қуш, парранда ва шу каби бошқа жониворларнинг номлари билан аталган топонимлар киради: Каптархона, Чумчуқорол, Балиқликўл, Лайлакқўл, Қашқалдоққўл, Лаққалиёп, Беданажой, Жайрахона, Дўлтакамар, Лайлақуя, Тулкиуя, Тулкихона сингарилар.

5. Профтопонимлар. Касб-хунар номлари билан аталган жой номлари профтопонимлардир: Мисгарлик, Эгарчилик, Дегрезлик, Бахмалбоф, Пўстиндўз, Сўзангарон, Чиннигарон, Пичоқчи, Чармгарон, Қошиқчилик, Маҳсидўзон ва бошқалар.

Топонимлар грамматик тузилишига кўра иккига бўлинади: содда ва қўшма топонимлар. Содда номлар бир сўздан ташкил топган бўлади. Буларга Сада, Чашма, Булоқ, Камар, Ислом, Сулаймон, Қақир каби топонимлар мисол бўла олади.

Қўшма топонимлар икки ёки ундан ортиқ сўзлардан иборат бўлади: Ғишткўприк, Учкўприк, Бешариқ, Каттақўрғон, Тошҳовуз, Қўштепа, Шўрсув, Бешкапа, Пахтақайнар, Оқер, Қумқияли, Қолгандарё, Дехқонтўдасой, Қўштепасарой ва бошқалар.

Топонимлар топонимга асос бўлган сўзнинг тарихан қайси тилга мансублигига кўра икки қатламга бўлиб ўрганилади: 1) ўз қатламга мансуб топонимлар, 2) ўзлашган қатламга мансуб топонимлар. Ўз қатламга умумтуркий ва ўзбекча сўзлардан ясалган топонимлар киради: Қумқишлоқ, Тоштепа, Янгиқишлоқ, Оқтепа, Сувлиариқ, Сойбўйи, Юқориқишлоқ, Ариқбоши, Учариқ, Жарариқ кабилар.

Ўзлашма қатламга генетик жиҳатдан бошқа тилларга, жумладан, тожикча, арабча, русча сўзларга алоқадорлик асосида яратилган топонимлар киради. Мисоллар: Сиёб, Денов, Сардоба, Шўроб, Сариосиё, Сангистон, Себистон, Себзор, Тахтапул, Регистон, Регзор, Дуоб, Вақф, Анҳор, Мовароуннаҳр, Ванновск, Горчаково, Серово, Михайловка, Горск ва бошқалар.

Топонимлар этимологик маъносига кўра тасниф қилинганда топоним лексик маъносининг ҳозирги давр кишиси учун қанчалик тушунарли ва тушунарли эмаслиги ҳисобга олинади. Мана шу тамойилга кўра топонимлар қуйидаги турларга бўлинади: 1) маъноси аниқ (тушунарли) топонимлар: Қумариқ, Шўрсув,

Жарқўрғон, Оқтепа, Қуммаҳалла, Толқишлоқ, Яккатут, Қўштепа, Янгиқўрғон, Учариқ; 2) маъноси ноаниқ (тушунарсиз) топонимлар: Сиёб, Денов, Жиззах, Зарафшон, Поп, Сарипул, Қўқон, Самарқанд кабилар. Бу гуруҳга мансуб бўлган топонимлар маъноси этимологик кузатишлар орқали аниқланади.

Топонимлар хронологик жиҳатдан, яъни тарихий жиҳатдан пайдо бўлиш даврига кўра тубандаги турларга бўлинади: 1) энг қадимий номлар: Хоразм, Бухоро, Амударё, Тошкент, Самарқанд; 2) қадимий номлар: Қашқадарё, Ўзган, Фарғона, Қўқон, Чирчиқ; 3) тарихий топонимлар: Тўйтепа, Олмалиқ, Оҳангарон, Ҳисор, Туямўйин; 4) янги топонимлар: Гулистон, Нуристон, Халқобод, Меҳнатобод, Янги ҳаёт, Янгиобод, Исломобод, Зафаробод, Ёшларобод, Истиқлол, Мустақиллик кўчаси ва бошқалар.

Хуллас, топонимлар таснифи турличадир. Жой номларини турли аспектларда тасниф қилиш ва ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Топонимлар объектнинг ҳажмий хусусиятига кўра қандай турларга бўлинади?
2. Жой номлари ном ифодалаган объектнинг тури бўйича қайси гуруҳларга ажратилиб ўрганилади?
3. Гидронимлар нима? Уларга қандай объектларнинг номлари киради?
4. Топонимлар грамматик тузилишга кўра неча турга бўлинади?
5. Этнотопонимлар билан антропотопонимларнинг бир-биридан қандай фарқли томонлари бор?
6. Яшаб турган ҳудудингиздан ойконимларга мисоллар келтиринг.
7. Топонимлар тарихан қайси тилга мансублиги жиҳатидан қандай қатламларга бўлиб тадқиқ қилинади?
8. Гидронимлар билан аталган ойконимларга мисоллар топинг.
9. Тожикча топонимлар қайси ҳудудларда кўп учрайди. Фикрингизни ашёвий далиллар асосида тушунтиринг.

10. Туманингиз худудидан содда ва кўшма топонимларга мисоллар келтиринг.

АДАБИЁТЛАР

1. Дўсимов З. Топонимлар таснифи масаласига доир. Ўзбек тили ва адабиёти, 1978, 1-сон, 17-20-бетлар.
2. Бегматов Э., Найимов С. О классификация топонимов. Тюркское языкознание. Материалы III всесоюзной тюркологической конференции. Ташкент, 1985. С. 375-379.
3. Черняховская Е.М. История разработки топонимических классификаций. В сб: Развитие методов топонимических исследований. М., 1970. С. 55-65.
4. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимикаси. Махсус курс программаси. Тошкент, 1988.
5. Охунов Н. Антропотопонимика нима? Тошкент, 1984. 4-5-бетлар.
6. Бегматов Э., Орипов Ў. Микротопоним тушунчаси ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти, 2000, 3-сон, 25-28-бетлар.

ЭТНОТОПОНИМЛАР

Таянч тушунчалар: этноним — уруғ, қабила, қавм, халқ номлари; этнотопоним — этноним билан аталган жой номлари; этноойконим — этноним асосида яратилган аҳоли яшаш масканлари номлари; этногидроним — этноним билан юритилган сув ҳавзалари номи; этноороним — этнонимга боғлиқ ҳолда вужудга келган тоғ, тепа, қир, доvon, чўққи сингарилар номлари.

РЕЖА:

1. Аҳолининг этник таркиби ва жой номлари.
2. Ўзбек халқининг уруғ, қабилалари номлари билан аталган топонимлар.
3. Қирғиз халқининг уруғ, қабилалари номлари билан юритилган жой номлари.
4. Тожик этнонимига алоқадор топонимлар.
5. Бошқа турли хил халқлар номлари асосида яратилган топонимлар.

Топонимларнинг вужудга келишида аҳолининг этник таркиби — маълум ҳудудда истиқомат қилган турли халқ, қабила, уруғлар муҳим роль ўйнаган. Жуғрофий жойларнинг кўпчилиги кишиларнинг ижтимоий гуруҳига — қайси қабила ва уруғ, қавмга мансублигига

нисбатан ном ола бошлаган. Этнонимлардан ясалган топонимлар— этнотопонимлар, одатда, турли қабила, уруғ вакиллари қўшни, аралаш яшаган ҳудудларда, этнонимлар фарқ этувчи белги вазифасини бажарадиган жойларда юзага келган. Бундай номлар ўша қабила, уруғ вакилларининг ўзлари томонидан берилмаган, балки қўшни, иккинчи қабила кишилари томонидан қўйилган. Этнотопонимларни ўрганиш орқали айрим этносларни ўтмишда яшаган жойларини аниқлаш мумкин.

Республикамиз ҳудудидаги жойларнинг салмоқли қисми ўтмишдаги уруғ, қабила, қавм номлари — этнонимлар билан аталган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бошқа кўпгина туркий халқлар каби ўзбек халқи ҳам бир қанча уруғ-қабилалардан таркиб топган. Одатда 92 ўзбек уруғи бўлган, деб ҳисоблайдилар. Қипчоқлар, қўнғиротлар, манғитлар, кенагаслар, жалойирлар, қурамалар, саройлар, найманлар, дўрмонлар, қанғиллар, минглар, юзлар, қотағонлар, барлослар, қовчинлар энг йирик қабилалардан саналганлар. Бу уруғ, қабилаларнинг ҳар бири бир неча майда узвлар, бўлаклар, тўпларга бўлинганлар. Даврлар ўтиши билан уларнинг бир қисми унутилиб кетган. Аммо уруғ номларининг аксарияти жой номлари сифатида сақланиб қолган. Қуйида шундай этнотопонимларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Қипчоқ қабиласи ўзбек халқининг энг катта ва нуфузли қабилаларидан биридир. Республикамиз ҳудудида қипчоқлар Фарғона водийсида, Зарафшон воҳасида, Хоразмда яшаганлар. Бухоро, Қашқадарё, Тошкент томонларда ҳам уларнинг айрим гуруҳлари ўтроқлашиб қолганлар. Профессор Карим Шониёзовнинг ёзишича, XIX аср охирларида Фарғона водийсидаги қипчоқлар 70 минг кишини ташкил этганлар. 1917 йилги аҳоли рўйхатига кўра водийда 84 та қипчоқ қишлоқлари мавжуд бўлган. Бинобарин водий ҳудудида қипчоқ этнонимига алоқадор бўлган ойконимлар бир неча жойда учрайди. Қипчоқ, Қипчоққўрғон, Қипчоқовул, Қипчоқариқ, Қипчоқмаҳалла деб аталувчи топонимлар бунга ёрқин мисолдир. Шунингдек, водийда Яшиқ, Еттиқашқа, Пучуқой, Элатон, Ўлмас, Тумор, Оқтумор, Сирмоқ, Қўғай, Қўғайўлмас, Бачқир, Қорабўйин, Товул, Товулди, Довул, Чанғароқчи, Оқбўйра, Сўзоқ, Буғач, Тўрайғир, Қоратикон, Оқтикон, Қизилмуш, Узунқишлоқ, Тозмаҳалла, Каттаяйдоқ топонимлари учрайдики, булар шу номдаги қипчоқ уруғлари номлари билан аталгандир.

Ўзбек халқи таркибига кирган йирик этник гуруҳлардан яна бири қўнғиротлардир. Уларнинг кўпчилиги Сурхондарё ва Қашқадарёда яшаганлар ва ҳозир ҳам бу ерларда истиқомат қиладилар. Элшунос олима, профессор Б.Х.Кармишевнинг ёзишича, Жанубий

Ўзбекистонда яшовчи кўнғирот қабиласи, аввало вахтамғали, кўштамғали, қонжиғали, ойинни, тортувли деган бешта катта бўлакка бўлинган. Буларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир неча уруғларга ажралган. Вахтамғали — 18 уруғдан, кўштамғали — 16, қонжиғали — 14, ойинни — 12, тортувли эса 6 уруғдан иборат бўлган. Кўнғирот қабиласи таркибига кирувчи бу уруғлар, шубҳасиз, ўша ҳудуд топонимиясида маълум даражада из қолдирган. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги Қорақўнғирот, Вахтамғали, Ойинни, Мўнка, Баймоқли, Тароқли, Тортувли, Тўпқора, Тўғиз, Чўмичли, Ўтроқи, Бўгажили, Қорақасмоқ, Қўлдовли, Кўштамғали, Арслонбўйи, Оқпичоқ деб аталувчи аҳоли масканлари кўнғирот қабиласининг уруғлари номи билан юритилгандир.

Республикамиздаги бир неча қишлоқларнинг номланишига 92 бовли ўзбек элати таркибига кирган юз қабиласи номи асос бўлиб хизмат қилган. Фарғона водийсидаги Юзлар, Юзия, Юзмаҳалла, Самарқанд вилоятидаги Юзовул, Жуз, Тошкент вилоятидаги Юқориюз топонимлари шу этноним орқали ясалган. Таъкидлаш жоизки, юз қабиласининг ўтмишда бир неча уруғлари бўлган. Профессор Х.Дониёровнинг қайд этишича, юз, аввало, учта катта бўлакка бўлинган: марқа боласи. қаропчи, ражаб боласи. Марқа ўз навбатида иккига ажралган: уяс-солин ва хитой юзи. Уяс олтига, солин ҳам шунча гуруҳга, хитой юзи эса 12 отага бўлинган. Юзнинг қаропчи, ражаб боласи бўлаклари ҳам бир неча тармоқларга бўлиниб кетган. Юз қабиласи таркибига кирувчи уруғ номларининг кўпчилиги ҳозирда топонимларга айланган. Буларга Қаропчи (Шаҳрихон, Бахмал, Зомин туманлари), Қаропчиюз (Шаҳрихон тумани), Марқаюз (Асака тумани), Хитойюз (Самарқанд тумани), Парчаюз (Бекобод, Гулистон туманлари), Уяз (Зомин, Бекобод, Боёвут туманлари), Солин Уяз (Бахмал тумани), Қўқониқаропчи (Ховос тумани), Қуриқозон (Зомин, Булунғур, Жомбой туманлари), Бешкуби, Небўса, Бешжуз, Мўғол (Зомин тумани), Ўювли (Ховос, Боёвут туманлари) топонимларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўлкамиздаги Манғит, Манғитлар, Манғитёп, Манғитобод, Манғитон, Тўқманғит, Қораманғит қишлоқлари манғит этнонимидан ном олган. Манғитлар ўтмишда йирик қабилалардан ҳисобланган. Тарихчи олим Н.Норқуловнинг ёзма манбаларга суяниб ёзишича, XVIII асрга келиб, Мовароуннаҳрда манғитлар 12 минг уйликни ташкил қилган. 1923-1926 йиллар маълумотиغا кўра, Ўзбекистонда яшовчи манғитларнинг умумий сони 130 мингдан ошиқроқ бўлган. Яна шунини айтиш ўринлики, манғит қабиласининг кўплаб кичик тармоқлари номи ҳам топонимларга айланган. Фарғона

вилоятидаги Бўриманғит, Кўрманғит, Сорманғит, Қашқадарё вилоятидаги Бойғунди, Чолманғит, Эсавой, Қўзиқўчқор, Бақирчи, Шимолий Хоразмдаги Эсабийманғит, Кескичманғит, Тамғалиманғит сингари жой номлари бунга ёрқин мисолдир.

Жалойир — бир неча туркий халқлар, жумладан, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ халқларининг таркибига кирган йирик қабилалардан бирининг номидир. Манбаларда кўрсатилишича, ўзбеклар таркибига кирган жалойирлар ўтмишда Тошкент ва Бухоро воҳаларида, Нурота тоғ этакларида, Жиззах, Каттақўрғон томонларда, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийсида яшаганлар. 1920 ва 1926 йиллардаги аҳоли рўйхатида Ўзбекистонда яшовчи жалойирларнинг сони 25 минг кишига яқин эканлиги аниқланган. Ҳозирда республикада жалойир қабиласи номи қишлоқ номлари тарзида кўп учрайди. Фарғона вилоятининг Бувайда, Бағдод, Учкўприк, Риштон, Қува, Фурқат, Наманган вилоятининг Норин, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Нарпай, Тошкент вилоятининг Қибрай, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон, Қизириқ, Жиззах вилоятининг Зомин туманларидаги Жалойир топонимлари шулар жумласига киради.

Фарғона водийси ҳудудида 15 дан зиёд қишлоқ Қурама деб юритилади. Бу аҳоли масканлари Уйчи, Учқўрғон, Норин, Наманган, Тўрақўрғон, Косонсой, Избоскан, Хўжаобод, Асака, Андижон, Бешариқ туманларида жойлашган. Мазкур топонимлар бевосита қурама этноними билан боғлиқдир. 1926 йилги аҳоли рўйхатига кўра республикада яшовчи қурамаларнинг сони 50 мингга яқин бўлган. Бу этник гуруҳга мансуб кишилар, асосан, Оҳангарон водийсида яшаганлар. Фарғона водийсидаги қурамалар XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Оҳангарон ва унинг атрофидаги қишлоқлардан кўчиб келганлар ва секин-аста ўтроқлашиб, маҳаллий аҳолига аралашиб кетганлар.

Қанғли ҳам қадимги ва нуфузли қабилалардан биридир. Қанғиларнинг кўпчилик қисми XVI-XVIII асрларда Дашти Қипчоқдан Ўзбекистонга келиб ўрнашиб қолганлар. Улар XIX аср охири ва XX аср бошларида Тошкент, Мирзачўл, Фарғона ва Зарафшон воҳаларида яшаганлар. Бу ҳудудларда ўз этник номларини сақлаб қолган қанғилар 24 минг кишидан иборат бўлган. Қанғилар ўтмишда 42 та уруғга бўлинган. Улар тарқалган жойларнинг баъзилари шу этник гуруҳ номи билан аталиб кетган. Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ, Қибрай, Янгийўл, Паркент, Хоразм вилоятининг Гурлан, Урганч, Шовот, Самарқанд вилоятининг Жомбой, Иштихон, Оқдарё, Навоий вилоятининг Хатирчи, Жиззах вилоятининг Зомин, Ғаллаорол туманларида Қанғли деб ном олган

қишлоқлар мавжуд.

Булардан ташқари, республикамизда яна Кенагас, Дўрмон, Найман, Қовчин, Барлос, Олчин, Уйшун, Керайит, Минглар, Қирқлар, Қиёт, Уйрот, Хитой, Телов, Арғин, Унгут, Калтатой, Қушчи, Қотағон, Балиқчи, Ёбу, Урганжи, Чуваланчи, Баҳрин, Чимбой, Уймовут, Боёвут, Келачи, Тувадоқ, Сарой, Тома, Олот, Сулдуз, Ромадон, Қорақўйли, Мусобозори, Овчи, Чиноз, Қалмоқ, Қияли, Турғоқ сингари топонимлар учрайдики, булар бевосита шу номдаги этнонимлар асосида шаклландир.

Этнотопонимларнинг маълум бир қисми қирғизлар ва уларнинг уруғлари номлари билан аталган. Қирғизқишлоқ, Қирғизқўрғонча, Қирғизқўрғон, Қирғизобод, Қирғизовул, Қирғизлар, Қирғизгузар, Чўнғирғиз, Қирғизмаҳалла, Қирғизшўра топонимлари шулар жумласидандир. Шунингдек, Фарғона водийсининг турли жойларида қирғиз уруғларининг номи асосида вужудга келган Бағиш, Чўмбағиш, Қорабағиш, Ариқбағиш, Мундуз, Хидирча, Манақ, Бўстон, Тейит, Қоратейит, Ёвкесак, Бўжай, Нўйғут, Ямбарак, Ботмўнка, Қанди, Ёртибош, Бўтқачи, Кўкалан, Туялас, Хўжамшукур, Чопқилиқ, Япағи, Ўрғу топонимлари ҳам мавжуддир.

Ўзбеклар билан тожиклар қадим замонлардан бери ёнма-ён яшаб, ўзаро иқтисодий, ижтимоий, маданий алоқада бўлиб келганлар. Бундай муносабатлар икки халқ тарқалган ҳудуднинг жой номлари тизимида ҳам ўз аксини топган. Ўзбекистон ҳудудида тожиклар билан ўзбеклар аралаш яшаган жойларнинг кўпчилиги қисмида тожик этноними жой номи шаклида қайд қилинган. Хусусан, Фарғона вилоятининг Қува, Тошлоқ, Учқўприк, Охунбобоев, Андижон вилоятининг Олтинкўл, Пахтаобод, Андижон, Жалолқудуқ туманлари ҳудудида Тожикқишлоқлар бор. Тошкент вилоятининг Бекобод, Зангиота, Наманган вилоятининг Косонсой, Учқўрғон, Фарғона вилоятининг Қува, Бувайда, Андижон вилоятининг Хўжаобод, Олтинкўл, Асака, Балиқчи туманларида Тожикмаҳалла деб аталувчи турар жой номлари мавжуд. Шунингдек, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида Тожиклар, Самарқанд туманида Тожикравот, Қўшработ туманида Тожиковул, Андижон вилоятининг Асака туманида Тожикобод, Катта Тожик номли қишлоқлар учрайди.

Этнотопонимлар орасида яна республикамиз ҳудудида юқорида қайд этилган халқлардан ташқари бошқа турли халқлар тарқалганлигини, яшаганлигини ифодаловчи топонимлар ҳам бирмунча. Буларга араб этнонимига алоқадор бўлган Араблар, Арабқишлоқ, Арабовул, Арабқўрғонча, Арабмозор, Янги Араб, Эски Араб, Арабхона, Арабчек, Катта Араб, Кичик Араб, Арабмаҳалла,

Арабон; қорақалпоқ этноними билан юритилган Қорақалпоқ, Қорақалпоққўрғонча, Қорақалпоқмахалла; қозоқ этнонимидан ясалган Қозоқовул, Қозоққўрғон, Қозоқариқ, Қозоқтўпи; уйғур, қашқар этнонимлари билан аталган Уйғур, Уйғуробод, Уйғурсой, Қашқарқишлоқ, Қашқаргузар, Катта Қашқар, Кичик Қашқар, Қашқарён, Қашқармахалла, Қашқаркўча; татар ва нўғай этнонимларидан ном олган Татарқишлоқ, Татартўпи, Нўғайқўрғон, Нўғайтепа; лўли ва мазанг этнонимларига дахлдор Лўлимахалла, Лўличек, Лўлигузар, Лўликўприк, Лўликўча, Мазанглик; афғон этноними билан юритилувчи Авғонқишлоқ, Авғонбоғ, Авғонмахалла, Авғони, Авғонгузар, Авғонтўпор, Авғонйўл топонимлари ёрқин мисол бўла олади.

Диёримизда этнонимлар асосида ном олган гидронимлар – этногидронимлар ҳам учрайди. Фарғона водийсидаги Қипчоқариқ, Ғалчасой, Уйғурсой, Қирғизариқ, Қозоқариқ, Наймансой, Жанубий Ўзбекистондаги Арабсой, Балхариқ, Балхиқудуқ, Батошариқ, Баҳринариқ, Баҳринқулоқ, Нўғойшоҳ (шоҳ - кичик ариқ), Очамойшоҳ, Қотағоншоҳ, Ойиннишоҳ, Чашмиқипчоқ, Чашмикенагас, Хоразмдаги Манғитарна, Ёвмутёп, Уйғурёп, Қирғизёп, Арабкўл, Бошқирткўл, Корейсёп, Чувашкўл, Кўсасолма гидронимлари шулар жумласига киради.

Республикамиздаги Қурама тоғи, Мўғултоғ номлари этнооронимлар ҳисобланади. Чунки булар қурама, мўғул этнонимлари асосида яралгандир.

Хуллас, Ўзбекистон жой номлари тизимида этнотопонимлар катта бир гуруҳни ташкил этади. Улар маълум ҳудудда яшаб келган турли қабилалар, уруғлар, қавмлар, халқларга оид кўплаб маълумотлар беради. Бу хил этнотопонимлар ўзбек халқининг шаклланиш тарихини, этногенезиси масаласини ёритишда қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Этноним нима? Қандай этнонимларни биласиз?
2. Этнотопонимлар деб нимага айтилади? Фарғона водийсида қипчоқ қабиласи уруғлари номлари билан аталувчи қандай қишлоқ ва маҳаллалар бор?
3. Республикамиздаги қайси туман номлари этнонимлар билан аталган?
4. Қайси этнотопонимлар ўлкамиз ҳудудида 10 мартадан кўпроқ учрайди?
5. Қўқон гуруҳи туманларидаги этноойконимларга мисоллар

- келтиринг.
6. Республикамиздаги топонимларнинг неча фойизини этнотопонимлар ташкил этади?
 7. Халқ, миллат номлари билан юритилувчи этноойконимлар ҳақида сўзланг.
 8. Этнотопонимлар қандай усуллар билан ясалади?
 9. Қирғиз, тожик этнонимларига алоқадор ҳолда яратилган жой номлари тўғрисида гапиринг.
 10. Этнотопонимларнинг қандай аҳамияти бор?

АДАБИЁТЛАР

1. Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, 1974.
2. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Тошкент, 1968.
3. Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? Тошкент, 1970.
4. Қораев С. Этнонимика. Тошкент, 1979.
5. Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи. Тошкент, 1985.
6. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1988.
7. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М., 1976.
8. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. Тошкент, 1985.
9. Губаева С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX-начале XX в. Ташкент, 1983.
10. Охунов Н. Этнотопонимы – важный исторический источник. Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана XV-XIX вв. Ташкент, 1987, с. 85-98.
11. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. Тошкент, 1989.
12. Охунов Н. Фарғона водийси этноойконимлари. Ўзбек тили ва адабиёти, 2000, 1-сон, 20-23-бетлар.
13. Охунов Н. Номларда эл тарихи. Соғлом авлод учун, 1999, 6-7-сон, 42-45-бетлар.
14. Отажонова А. Хоразм этнотопонимлари. Тошкент, 1997.

АНТРОПОТОПОНИМЛАР

Таянч тушунчалар: антропотопоним – киши исми билан аталган жой номи; антропооним – шахс исми билан юритилган аҳоли яшаш маскани номи; антропогидроним – киши исми асосида шаклланган сув объекти номи; антропоороним; антропонекроним; антропоагрооним.

РЕЖА:

1. *Азиз-авлиёлар номи билан аталган жой номлари.*
2. *Хонлар, уларнинг фарзандлари, қариндош-уруғлари номи билан юритилган топонимлар.*
3. *Ўтмишдаги йирик амалдорлар, юқори мансаб эгалари номи асосида шаклланган топонимлар.*
4. *Жой (объект) га биринчи бор кўчиб келган кишилар исми билан аталган жой номлари.*
5. *Хулоса.*

Жойларни киши исмлари билан аташ қадим замонлардан бошланган. Хусусий мулкчиликка асосланган жамиятнинг ривожланиши бундай номларнинг янада кўпайишига олиб келган. Даҳа, мавзе, қишлоқ, маҳалла, кўрғон, гузар, овул, кўча-куйлар ўз даврида ўша ерга асос солган, уни барпо этган мўътабар шахслар – авлиёлар, эшонлар, шайхлар, хон ва амирлар, заминдорлар, амалдорлар, арбоблар номлари билан атала бошлаган. Республикамиз ҳудудида киши исмларига боғлиқ ҳолда яратилган жой номларининг кўплаб учраши ва алоҳида ўринни ишғол этиши бунинг ёрқин далилидир.

Азиз-авлиёлар номи билан аталувчи жойлардан бири Зангиотадир. Бу манзилгоҳ Тошкентдан 17 чақирим жанубда, қадимий Тошкент – Самарқанд карвон йўлининг ёқасида жойлашган.

Манбаларда қайд этилишича, Занги ота сўфийлик таълимотининг машҳур намояндаси Тож Хўжанинг фарзандларидир. Бу зоти киромнинг асл номлари Ойхўжа бўлиб, Занги ота лақабларидир. Занги ота лақабининг берилишига сабаб - ул кишининг қора танли эканлигидир. Ойхўжа дадалари ҳаётликлари даврида ота ҳимояларида, ул зот вафотларидан сўнг падар ишоратларига кўра Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота) хизматларида бўлганлар, айтиш чоғда Аҳмад Яссавийни ўзларига пир деб билганлар, бу мўътабар машойихга мурид бўлганлар.

Айтишларича, Занги ота бутун ҳаётлари давомида ҳалол меҳнат

қилиб тирикчилик қилганлар. Маҳаллий аҳолининг молларини боқиб кун кечирганлар. Занги ота чорвани бало-офатлардан сақлайдиган муҳофазачи, унинг кўпайишига ёрдам берувчи улкан ҳомий бўлганлар. Занги отанинг назари тушган чўпонларнинг ишлари юришиб, моллари кўпайган, уларга қут- барака кирган.

Занги ота турк авлиёларининг энг мўътабарларидан бири ҳисобланганлар. Буюк шоиримиз Алишер Навоий ўзларининг "Насоимул-муҳаббат" асарларида бу ҳақда шундай деб ёзганлар: "Занги ота –Туркистон машойихидиндур ва кўп машойих суҳбат ва хизматига етиб ва турк улусида машоҳирларидандур. Анинг бобида ҳам кўп сўзлар манқулдур".

Занги ота ҳижрий 656, милодий 1258 йилда ҳаётдан кўз юмганлар. Бу буюк инсон вафотидан кейин соҳибқирон Амир Темур XIV асрнинг ўрталарида авлиё қабри устига мақбара қурдирган. Занги ота дафн этилган жой бора-бора халқнинг жуда катта зиёратгоҳ маконига айланган. Бу ерни тавоф қилиш учун бутун Марказий Осиёдан кўплаб кишилар ҳамма вақт келиб турганлар. Ҳар хил диний маросимлар, халқ сайиллари шу ерда ўтказилган.

Шундай қилиб, бобокалонимиз абадий макон топган ушбу муқаддас гўша ва атрофидаги қишлоқ валийнинг номлари билан Занигота деб атала бошлаган. Зангиота муқаддас жой ва қишлоқ номини ифода қилиш билан бир қаторда ҳозир туман номини ҳам билдиради. Зангиота Тошкент вилоятидаги қишлоқ хўжалиги ва саноати ривожланган, тараққий этган энг илғор туманлардан биридир.

Мусулмон оламидаги йирик шайхлар номи билан юритилувчи жойлардан яна бири – Тошкент шаҳри ҳудудидаги Шайхонтоҳурдир. Шайхонтоҳур машҳур ва нуфузли шахс Шайх Хованд Тоҳур исмининг товуш ўзгариши натижасида қисқарган ҳолатига келиб қолган кўринишидир. Олимларимиздан Абдужаббор Яҳеевнинг тарихий манбаларга суяниб ёзишича, Шайх Хованд Тоҳур XIV асрда Тошкентда яшаб ўтган. Ул мўътабар шахс асли ҳозирги Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг тоғли Боғистон қишлоғидан бўлиб, Шайх Умарнинг ўғлидир. Шайх Хованд Тоҳур ўша вақтларда Шош шаҳрида энг мўътабар, ўз даврининг ўқимишли шахсларидан, кўзга кўринган дин уламоларидан бири бўлганлар. Урф-одат, одоб-ахлоқ мавзусига оид китоблар ёзганлар. Нақшбандийлик тариқатининг тепасида турган машҳур дин арбоби айни вақтда шу тариқатнинг талабидан келиб чиқиб деҳқончилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланганлар. Шайх Хованд Тоҳур 1355 йили (756 йили ҳижрий) вафот этганлар. Вафотларидан бир оз вақт ўтгач, у киши дафн этилган мазор мурид ва шогирдлари томонидан ободонлаштирилиб

кенгайтирилади ва турли ҳажмдаги бинолар қурилиб, шаҳарнинг энг катта қабристонига айлантирилади. XIV асрнинг охирларида бу ерга Шайхонтоҳур номи берилади.

Шайхонтоҳур мозори атрофидаги маҳалла кейинчалик мана шу қабристон номи билан атала бошланади. Қабристоннинг шимолий томонидан оқиб ўтадиган зилол сувли ариқ Шайхонтоҳур ариғи деб ном олади. XVIII асрга келиб Тошкент шаҳри тўрт қисмга, яъни тўрт даҳага бўлинганда уларнинг бири Шайхонтоҳур номи билан юритиладиган бўлади. Шайхонтоҳур даҳаси шаҳарнинг шарқий қисмини эгаллаган эди. Баъзи манбаларда эътироф этилишича, даҳада 52 та маҳалла бўлган. Аҳолиси асосан ҳунармандчилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Бу даҳа шаҳарнинг нуфузли диний, маданий, илмий марказларидан ҳисобланган. Кўплаб мактаблар, масжидлар, мадрасалар, муқаддас жойлар шу даҳада жойлашган эди. Тарихчи Муҳаммад Солиҳнинг "Тарихи жадидаи Тошканд" ("Тошкентнинг янги тарихи") асарида баён қилинишича, Шайхонтоҳур бошқа даҳаларга нисбатан боғлар, экинзорлар ва ўсимликларга бой даҳа бўлган.

Тошкент шаҳрининг ўтмишдаги тарихий қисмларидан бирининг номини ифодалаган Шайхонтоҳур эндиликда ҳозирги маъмурий - ҳудудий бўлинишга кўра туман номи сифатида қўлланилмоқда. Бугунги кунда Шайхонтоҳур тумани шаҳарнинг йирик sanoat ва маданият марказларидан бирига айланган.

Фарғона вилоятининг Бувайда туманидаги Бостонбува қишлоғи машҳур тасаввуф шайхларидан бири бўлмиш IX асрда яшаган Султон Боязид Бистомий номи билан аталгандир. Боязид Бистомий муслмон оламида катта шуҳрат қозонган шахс бўлиб, тасаввуфни йирик таълимотга айланишида жуда улкан хизматлар қилган. Алишер Навоий "Насоимул-муҳаббат"да у киши ҳақида: "Боязид Бистомий - аввалқи табақадиндур. Оти Тайфур бинни Исо Аҳмад Хизравия... Тарих икки юз олтмиш бирда оламдин ўтди", деб ёзади. XVIII асрда яратилган "Тазкиратул авлиёи туркий"да Бистомийга шундай таъриф берилади: "Ул султон ул орифин, ул бурҳонил муттақин, пири вақт шайх Боязид Бистомий ул вақтнинг авлиёлари ва машойихларининг улуғи эрди. Ва ҳалифаи барҳақ ва қутби олам эрди. Тўла риёзатлар тортқон ва бисёр кароматлари бордур".

Шундай бир далил диққатга сазоворки, юқорида қайд этилган Бостонбува қишлоғининг номи Қўқон хонлиги архиви ҳужжатларида Султон Бояз Бастомий шаклида учрайди. Асримизнинг биринчи чораги ичида тузилган аҳоли масканларининг рўйхатларида баъзан Султон Баёз, баъзан Султон Баёз Бастомий тарзида ёзилган. Англашиладики, вақтлар ўтиши билан Султон Боязид Бастомий

топоними қисқаришга учраган, анча ихчамлашган. Номнинг сўнги қисми – Бастом сўзига бобо сўзи қўшилиб, Бастомбува, сўнгра Бостонбува шаклида айтиладиган бўлган.

Қорақалпоғистон ҳудудида Султон Увайс деб аталувчи улкан тоғ бор. Бу тоғ бутун мусулмон оламида шуҳрат топган машҳур авлиё Султон Увайс Қараний номи билан юритилгандир. Султон Увайс – улуғ аждодимиз, Увайсия тариқатининг асосчидир. Ҳазрат Алишер Навоий "Насоимул муҳаббат" асарида бу мўътабар зотга ярим саҳифалик матн бағишлаганлар ва жумладан шундай деб ёзганлар: "...Увайс Қараний эҳсон ва меҳрибонлиги билан тобиинларнинг яхшисидир".

Султон Увайс тоғи кўкида бу зоти шарифга ўрнатилган ёдгорлик мақбараси қад кўтарган. Журналист Мурод Парпихўжаевнинг ёзишича, эл ичра машҳур бўлган авлиёга ўз ҳурмат эътиқодларини изҳор қилиб Хоразм шоҳлари турли даврларда ёдгорлик мақбарасини бунёд қилишган. Султон Увайс Қараний қабри неча асрлар давомида зиёратгоҳ, мусулмонларнинг қадамжоси бўлган. Бу ерга ташриф буюрган араблар, эронлар, турклар зиёратгоҳда ҳатто йиллаб қолиб кетишган. Инқилобгача мақбара ёнида Хива хонлигининг қорихонаси бўлиб, қорилар кечаю кундуз Султон Увайс бобо руҳларига қуръон тиловат қилиб туришган. Ҳозирда динимизнинг тикланиши натижасида уни зиёрат қилувчилар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Мақбара атрофи обод гўшага айлантирилмоқда.

Тошкент шаҳридаги Шивли, Шайх Зайниддин, Сузукота, Иброҳимота, Исломота, Хастиимом маҳалла - мавзелари ҳам машҳур авлиёлар, шайхлар, пирлар номи билан аталгандир. Булардан Шивли топоними 861-945-йилларда яшаб ўтган машҳур шайх Абу Бакр Муҳаммад Жаъфар ибн Юнус – Шиблий номи асосида вужудга келгандир.

Кези келганда яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, республикамизда, хусусан Фарғона водийсида, ўтмишда ўтган хонлар ва уларнинг фарзандлари, қариндош-уруғлари, саройда муҳим мавқега эга бўлган амалдорлар, уламолар, ҳарбий саркардалар номлари билан боғлиқ ҳолда яратилган топонимлар ҳам алоҳида ўринни эгаллайди.

Хонлар номлари билан аталувчи аҳоли масканлардан бири Андижон вилоятининг Балиқчи туманида жойлашган бўлиб, бу қишлоқ Шераличек деб аталади. Шералихон – Қўқон хони Норбўтабийнинг иниси Ҳожибийнинг ўғлидир. У 1842-1845 йилларда хонликда ҳукмронлик қилган. Қишлоқнинг хонга қарашли чек ерларда барпо этилганлиги унинг шундай деб аталишига сабаб

бўлган.

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида Худоёрхон номини олган аҳоли маскани мавжуд. Жойга номини қолдирган тарихий шахс Худоёрхон Қўқон хони Шералихоннинг ўғли бўлиб, унинг Жарқиной номли хотинидан дунёга келган. Жуда ёшлигидан тахтга ўтирган. Қарийб 25 йил Қўқон хонлигини бошқарган. Унинг хонлик даври 1845-1858, 1862-1863, 1865-1875 йилларга тўғри келади. Худоёрхоннинг кўплаб чек ерлари бўлган. Мана шундай чек ерларнинг бирида ташкил топган қишлоқ Чеки Худоёрхон номи билан аталган. Чеки Худоёрхон – Худоёрхоннинг чеки, унга қарашли бўлган ерлар маъносини ифода этади.

Худоёрхон қишлоғи ёнида Маллахон деб юритилувчи аҳоли маскани бор. Маллахон – Худоёрхоннинг ўғай (ота бир, она бошқа) акаси, Шералихоннинг ўғлидир. Маллахон 1850-йилларнинг бошларида Тошкент ҳокими бўлган. 1858-1862-йилларда ҳаммаси бўлиб уч йилу тўрт ой Қўқон хонлиги тахтида ўтирган. Маллахон қишлоғининг номи тарихий ҳужжатларда Чеки Маллахон, Чеки Маллабек шаклларида қайд қилинган. Бинобарин, қишлоқ Маллахон қарамоғидаги хусусий ерлар ўрнида вужудга келганлиги учун унинг эгаси номи билан аталиб кетган. Тарихий шахслар исмлари билан аталган топонимлар орасида Худоёрхоннинг ўғиллари номлари ҳам учрайди. Чунончи, Андижон вилоятининг Балиқчи тумани қишлоқларидан бири Насриддинобод атамаси билан юритилади. Насриддинбек – Қўқон хони Худоёрхоннинг катта ўғли, 1850-йилда туғилган, узоқ вақт Андижон ҳокими бўлган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Насриддинбекнинг Балиқчи туманида ўз шахсий ери бўлган. Бу ерда ташкил топган қишлоқ унинг номи билан Насриддинобод деб аталган. Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Чек Насриддин қишлоғи ҳам шу тарихий шахс исми асосида номланган. Бундан ташқари, яна Андижон вилоятининг Балиқчи туманида Ўрмонбек қишлоғи бўлиб, бу ўрин-жой ҳам Худоёрхон ўғилларидан бирининг номи билан юритилган. Мазкур қишлоқ ўрнидаги ерлар Худоёрхон томонидан ўғли Ўрмонбекка чек қилиб берилган. Ўрмонбек эгалигида бўлган бу хусусий ерлар ўзлаштирилгач, ана шу ерда аста-секин қишлоқ пайдо бўлган. Бу жараён Ўрмонбек исмининг жой номида муҳрланиб қолишига олиб келган. Қўқон шаҳридаги маҳаллалардан бири ҳам Ўрмонбек деб аталган.

Султонмуродбек (Андижон вилояти, Балиқчи тумани) топоними Худоёрхоннинг қариндош-уруғлари, авлод-аждодлари номларига боғлиқ ҳолда яратилган жой номларидан саналади. Қишлоқ XIX асрнинг 60-йилларида Худоёрхоннинг укаси Султон Муродбекнинг

чек ерларида ташкил топган. Шу боис аҳоли маскани унинг номи билан юритила бошлаган. Манбаларда қайд этилишича, Худоёрхон ўз иниси Султонмурод билан яхши муносабатда бўлган. Султонмурод айрим узилишларни ҳисобга олмаганда 1853-йилдан деярли то хонлик тугатилгунга қадар Марғилон ҳокими вазифасида фаолият кўрсатган.

Хонлар авлодлари номи билан аталган жой номлари сирасига Қўқон шаҳридаги Ҳожибек гузари ва Бешариқ туманидаги Ҳожибек топонимларини киритиш мумкин. Ушбу гузар ва қишлоқ 1763-1799 йилларда Қўқон хонлигини бошқарган Норбўтахоннинг укаси, минг уруғи вакили Ҳожибий номига қўйилган. Манбаларда Ҳожибийнинг хонликка қарашли бўлган Ўратепа шаҳри ва Тўрақўрғонда ҳокимлик қилганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Шахс билдирувчи топонимларнинг айримлари хонлик давридаги давлат хизматчилари – йирик амалдорлар, юқори мансабга эга бўлган улуғ мартабали кишилар, ҳарбий саркардалар номлари асосида вужудга келгандир. Буларга Мусулмонқуларик, Рисқулибек гузари, Холматдодхо, Офтобачичек, Шералимингбоши топонимлари яққол мисол бўла олади. Мусулмонқуларик – Андижон вилоятининг Балиқчи тумани ҳудудидадир. Ариқнинг бундай тарзда аталиши XIX асрнинг 40-ва 50-йиллари бошларида Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган, қипчоқларнинг қулон уруғидан етишиб чиққан машҳур шахс – Мусулмонқул номи билан бевосита алоқадордир. Мусулмонқул хонлик салтанатида бош вазир – мингбоши даражасига кўтарилган. У XIX асрнинг ўрталарида Қорадарёнинг чап қирғоғидан ариқ қаздириб чиқарган. Бу ариқ унинг номи асосида Мусулмонқуларик деб атала бошлаган.

Қўқон шаҳридаги Рисқулибек гузари номли жой йирик ҳарбий саркарда Ирисқулибек номи билан юритилган. Шаҳар ўлкашунослик музейининг илмий ходими Я.Дадабоевнинг тарихий манбаларга суяниб ёзишига қараганда, Ирисқулибек Норбўтабийнинг хотини Минг ойимга ўгай (ота бир, она бошқа) ука бўлган ва Қўқон хонлари Олимхон ва Умархонга тоға ҳисобланган. У ҳарбий хизматни Олимхон қўшинида туғчибоши (ҳарбий қисм байроғини олиб юривчи ва қўриқловчи даста бошлиғи) вазифасида бошлаган ва ҳаётининг охирида олий ҳарбий унвон – мингбоши даражасига етган. Рисқулибек хонликни мустаҳкамлаш ва марказлаштириш учун олиб борилган жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган. Шунинг билан биргалиқда ўзи истиқомат қилган маҳалланинг ободончилиги, ривожланиши йўлида талай ишларни амалга оширган. Маҳаллада масжид, мактаб ва бозорча солдирган. Шу сабаб маҳалла гузари

унга бўлган ҳурмат юзасидан Рисқулибек гузари номи билан аталадиган бўлган.

Холматдодҳо қишлоғи Андижон вилоятининг Асака тумани ўрамида жойлашган. Жой оти хонлик салтанатидаги лавозимлардан бири – додҳо мансабини эгаллаган Ҳолмуҳаммад исмли шахс номи асосида вужудга келган. Қўқон хонлиги тарихига оид манбаларда қайд этилишича, Асака ҳудудидаги ер майдонларининг талай қисми Муҳаммад Назар кушбегининг ўғли катта мансабдор Ҳолмуҳаммад додҳо ихтиёрида бўлган. Холмуҳаммад додҳо эгалигидаги ерларда бунёд этилган қишлоқ унинг номи билан атала бошлаган. 1909 йил Скобелев (ҳозирги Фарғона)да нашр этилган аҳоли масканларининг рўйхатида мазкур қишлоқ номи Чек Холмат додҳо тарзида учрайди.

Офтобачичек – Андижон вилоятининг Олтинкўл туманига қарашли аҳоли масканларидан бирининг номидир. Қишлоқ Қўқон хонларидан Шералихон ва Худоёрхон ҳукмронлиги даврида катта нуфузга эга бўлган тарихий шахс – Мусулмонқулнинг ўғли Абдурахмон офтобачи номи билан юритилган. Абдурахмонни Худоёрхон офтобачи мансабига тайинлаган, шу сабабли унинг исми ёнига офтобачи сўзи қўшиб ишлатилган. Худоёрхон Абдурахмон офтобачининг хизматларини инобатга олиб, унга Андижон ҳудудидан бир неча юз таноб ерни чек қилиб ажратиб берган. Тарихий ҳужжатларда Абдурахмон офтобачининг чеки шаклида ифода этилган бу жой даврлар ўтиши билан қисқаришга учраб Офтобачичек шаклига келиб қолган.

Хуллас, шахс номлари билан аталган топонимларнинг юзага келишида кишиларнинг жамиятда тутган ўрни муҳим белги бўлиб хизмат қилган. Бундай атамалар шахснинг объект (жой) билан алоқадорлиги, боғлиқлиги асосида пайдо бўлган.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Тариқат илмининг билимдонлари – дин арбоблари, шайхлар, пирлар номи билан аталган қайси туман, даҳа, қишлоқ, маҳалла, гузар номларини биласиз?
2. Ўтмишдаги давлат хизматчилари, амалдорлар, мансабдорлар номи билан юритилган топонимларга мисоллар келтиринг.
3. Ўзингиз яшаётган ҳудудда шахс исмларига алоқадор ҳолда вужудга келган қишлоқ, маҳалла, ер, дала, дашт, сой, ариқ, булоқ номлари борми? Шулар ҳақида сўзланг.

4. Қўқон шаҳри топонимиясидан киши исмлари билан аталган маҳалла, гузар номларига мисоллар топинг.
5. Истиқлол йилларида вужудга келган антропотопонимлар хусусида нималар биласиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1988.
2. Қораев С. Географик номлар маъноси. Тошкент, 1978.
3. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. Тошкент, 1985.
4. Охунов Н. Антропотопонимика нима? Тошкент, 1984.
5. Охунов Н. Фарғона водийси антропоонимлари. Ўзбек тили ва адабиёти, 1997, 2-сон, 26-29-бетлар.
6. Охунов Н. Антропотопонимлар ва уларнинг ясалиши. Тил ва адабиёт таълими. 2005, 1-сон, 92-96-бетлар.
7. Охунов Н. Муқаддас қадамжойлар. Қўқон, 2005.

ФИТОТОПОНИМ, ЗООТОПОНИМ **ВА ГЕОТОПОНИМЛАР**

Таянч тушунчалар: фитотопоним – ўсимлик номи билан аталган жой оти; зоотопоним – ҳайвонот дунёсига алоқадор ҳолда вужудга келган жой номи; геотопоним – ернинг рельеф хусусиятини акс эттирувчи жой номи.

РЕЖА:

1. *Жой номларида табиий географик шароитнинг акс этиши.*
2. *Ўсимликлар олами ва жой номлари.*
3. *Топонимларда ҳайвонот дунёсининг акс этиши.*
4. *Ернинг геоморфологик хусусияти асосида ном олган топонимлар.*

Топонимларнинг вужудга келишида жойнинг табиий географик шароити муҳим роль ўйнайди. Ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами, жойнинг рельеф хусусиятини акс эттирувчи номлар шундай топонимлар жумласига киради.

Ўсимлик ва дарахт номлари билан аталган жой номлари фитотопонимлар деб юритилади. Бу хил топонимлар маълум ҳудуддаги ўсимликлар дунёсининг муҳим хусусиятларини ўзида акс

эттиради. Ушбу турдаги жой номларининг вужудга келиши қадимги даврларга бориб тақалади. М.Қошғарийнинг ¹"Девону луғотит турк" асарида қайд этилган Оқтерак, Олайғоч, Қорайғоч сингари топонимлар бунинг ёрқин далилидир.

Фитотопонимлар республикамиз ҳудудида кўп ва хилма-хилдир. Фитотопонимларни дарахт ёки ўсимликнинг турига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1) мевали дарахт номлари асосида яратилган топонимлар: Узумзор, Ўрикзор, Шафтолизор, Бодомзор, Ёнғоқлик, Себзор, Ўрикли, Жийдазор, Тутли, Олмамаҳалла, Анжирбоғ, Пистамозор, Ғайнолизор, Бодомистон, Пистали, Мингтут кабилар;

2) мевасиз дарахт номлари асосида вужудга келган топонимлар: Теракзор, Толзор, Тўптўранғи, Чорвоқтўранғи, Сада, Тўпсада, Чинор, Тўпқайрағоч, Қўшқайрағоч, Арча сингарилар;

3) ўт номлари билан аталган топонимлар: Қуроқзор, Миязор, Ғўмайли, Бетагали, Шувоқзор, Тиконли, Ажириқли, Қўғаликўл, Ҳилолмарза, Қовғали, Шўразор;

4) полиз экинлари ва донли ўсимликлар номи билан юритилувчи топонимлар: Қовунпоя, Тарвузпоя, Маккапоя, Арпапоя, Шолипоя ва бошқалар.

Фитотопонимлар таркибида қуйидаги сўзлар фаол иштирок этади: 1) тут сўзи: Яккатут, Тутзор, Сертут, Қатортут, Қоратут, Шотут, Мингтут, Чортут, Учтут; 2) жийда сўзи: Жийдақишлоқ, Жийдамаҳалла, Жийдали, Жийдазор, Жийдалик, Қоражийда, Жийдакапа, Жийдамозор; 3) тол сўзи: Толқишлоқ, Яккатол, Қоратол, Тўптол, Толкўча, Толмозор, Каттатол, Толли, Бештол, Қатортол, Мингтол, Учтол, Толзор, Толмаҳалла; 4) терак сўзи: Теракмозор, Терактаги, Кўктерак, Теракзор, Қатортерак, Тўптерак; 5) қайрағоч сўзи: Қайрағоч, Тўпқайрағоч, Қуруққайрағоч, Қўшқайрағоч, Бешқайрағоч сингарилар.

Фитотопонимлар ўсимлик ёки дарахтнинг маълум бир жойда кўп ёки камлигидан дарак беради. Ўсимликнинг кўп эканлигини билдирувчи топонимлар таркибида "минг", "тўп", "қатор", "гала" сингари сўзлар мавжуд бўлади: Мингўрик, Мингчинор, Тўптол, Тўптерак, Қатортол, Галатут сингари. Шунингдек, грамматик жиҳатдан -ли, -лик, -лиқ, -зор, -истон қўшимчалари орқали шаклланган топонимлар ҳам ўсимлик турининг маълум ерда бошқа объектларга нисбатан кўпроқ учрашлигини билдиради: Ўрикли, Толли, Ёнғоқли, Олмали, Узумзор, Ўрикзор, Найистон, Бодомистон каби.

Ўсимликнинг камлиги ёки саноқли экани маъносини билдирувчи топонимлар таркибида "якка", "қўш", "уч", "тўрт" сўзлари иштирок

этади: Яккатол, Яккатут, Қўшчинор, Чорчинор, Чортут ва бошқалар.

Кўпгина географик номларда маълум ҳудуднинг ҳайвонот дунёси ҳам ўз аксини топади. Бу турдаги жой номларининг вужудга келишида ҳайвонлар, қушлар, паррандалар ва бошқа жониворлар номлари асос бўлади. Улар бизга сув объектларида, ўрмон ва чўлларда, дала-даштларда ҳаёт кечирувчи турли хил жониворлар тўғрисида қимматли маълумотлар беради.

Зоотопонимларни ҳайвон ва жониворларнинг турига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) уй ҳайвонларининг номи билан аталган топонимлар: Отхона, Отқўра, Откамар, Чўчқабулоқ, Эшакбулоқ, Қўйботган, Серқақирилди, Такайиқилди; 2) ёввойи ҳайвонлар номи асосида вужудга келган топонимлар: Бўриин, Бўрихона, Тулкиуя, Палангдара (паланг-йўлбарс), Дўлтакамар, Жайрахона; 3) сувда яшовчи жониворлар номи асосида вужудга келган топонимлар: Балиққўл, Қундузбулоқ, Чавоқликўл, Лаққалиёп; 4) қуш ва паррандалар номи билан аталувчи топонимлар: Каптархона, Лайлакуя, Қашқалдоққўл, Ғозбосган, Зағчахона, Зарғалдоққўл, Даштиғоз, Боғизоғон, Лайлакқўл, Чумчуқорол ва бошқалар.

Топонимларнинг маълум бир қисми ернинг геоморфологик хусусиятлари асосида ном олган бўлади. Ер тузилиши, сатҳи билан боғлиқ бўлган бундай топонимлар геотопонимлар дейилади. Геотопонимлар ернинг рельефи шакллари ни ўзида акс эттиради. Ер юзаси шакллари ҳар хил: текислик, тоғлик, қир, жарлик, сойлик, чуқурликлардан иборат бўлиши мумкин. Мана шу хусусият топонимларнинг номланишига асос бўлиб хизмат қилади. Вақт ўтиши билан объектнинг рельефи ўзгариши мумкин, лекин ўша рельефни ифода қилган ном сақланиб қолаверади. Чунончи, "тепа", "жар" маъносини сақлаган топонимларнинг айримлари ҳозирги вақтда ўша рельеф хусусиятини айнан англатмаслиги мумкин. Бироқ шундай бўлса-да, бу хил топонимлар ҳозирги кунгача сақланиб, ҳудуднинг ўтмишдаги рельефидан "эсдалик" бўлиб қолмоқда.

Геотопонимлар рельефни билдирувчи қуйидаги сўзлар воситасида шаклланади: 1) тепа сўзи ёрдамида: Тепақишлоқ, Тепалик, Тепатаги, Тепагузар, Ертепа, Фортепа, Шўртепа, Ясситепа, Қумтепа; 2) жар сўзи орқали: Жарқишлоқ, Жарқўрғон, Жармаҳалла, Оқжар, Қизилжар, Жармачит, Айланмажар, Жарбоши, Тагижар, Ержар, Жаркўча; 3) чуқур сўзи билан: Чуқурқишлоқ, Чуқуркўча, Чуқурмасжид, Чуқурмаҳалла, Чуқурбекат, Чуқурак; 4) дўнг сўзи воситасида: Дўнгқишлоқ, Дўнгқўрғон, Дўнгмаҳалла; 5) дашт сўзи иштирокида: Даштқишлоқ, Даштмаҳалла, Дашткўча ва бошқалар.

Ўзбекистон топонимиясида қадимги туркий ва эски ўзбек тилида фаол қўлланган, ҳозир эса истеъмолдан чиқиб кетган ёзи, ёр каби рельефни билдирувчи сўзлардан юзага келган топонимлар ҳам учрайди. Буларга Ёзёвон, Оқёзи, Қизилёзи, Сариези, Ёрқишлоқ, Ёрмаҳалла, Ёртепа, Ёрқўрғон, Ёркўча, Ёрмозор, Куйганёр, Ёртаги, Оқёр, Кўкёр, Ёрбоши топонимлари мисол бўла олади.

Ёр қатламининг устки тузилиши, тупроқнинг характерли хусусияти ҳам геотопонимларнинг вужудга келишида муҳим роль ўйнайди. Бу турдаги топонимларни маъно жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) тупроқнинг таркибига кўра яратилган жой номлари. Бу хил топонимлар таркиби "тош", "қум" сўзлари ёрдами билан ифода қилинади: Тошқишлоқ, Тошлоқ, Тоштепа, Тошариқ, Қумқишлоқ, Қуммаҳалла, Қумдала, Қумариқ; 2) тупроқ таркибидаги туз миқдорига кўра вужудга келган топонимлар. Бундай жой номлари таркиби "шўр" сўзи орқали шаклланади: Шўрқишлоқ, Шўрмаҳалла, Шўртепа, Шўрдала, Шўрмозор, Шўроқер ва бошқалар.

Шундай қилиб, топонимларининг вужудга келишида объектнинг табиий географик шароити муҳим аҳамият касб этади. Бундай топонимлар тилшунослик фани учунгина эмас, балки тарихий география, ботаника, геология фанлари учун ҳам жуда муҳимдир.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Табиий географик шароит деганда нимани тушунасиш?
2. Фитотопонимлар деб нимага айтилади? Бундай жой номларига яшаб турган ҳудудингиздан мисоллар келтиринг.
3. Фитоним атамаси асосида бир қанча терминлар ҳосил қилинг. Булар топоним турларини ифода қилсин. Масалан: фитоойконим. фитогидроним сингари.
4. Зоотопонимлар нима? Уларга мисоллар топинг.
5. Зооойконим, зоогидроним, зооороним деганда нималарни тушунасиш? Бу атамаларнинг маъносини изоҳланг, уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиринг.
6. Геотопонимларга қандай жой номлари киради? Бу хил жой номларига ўз туманингиздан мисоллар келтиринг.
7. Тупроқнинг хусусиятини билдирувчи қандай жой номларини биласиз?
8. Жойнинг табиий географик шароитига боғлиқ ҳолда яратилган топонимларнинг аҳамияти ҳақида сўзланг.

АДАБИЁТЛАР

1. Қораев С. Географик номлар маъноси. Тошкент, 1978.
2. Ҳасанов Ҳ. Ер тили. Тошкент, 1977.
3. Охунов Н. Жойлар ва номлар. Тошкент, 1986, 12-19-бетлар.
4. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. Тошкент, 1989, 21-26-бетлар.
5. Охунов Н. Фарғона области фитотопонимларини ўрганишга доир. Ўзбек тили ва адабиёти, 1982, № 4, 32-35-бетлар.
6. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1988.
7. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. Тошкент, 1985.

КИШИЛАРНИНГ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ АКС ЭТТИРУВЧИ ТОПОНИМЛАР

РЕЖА:

1. *Металлсозлик касбига алоқадор топонимлар.*
2. *Кулолчиликка боғлиқ жой номлари.*
3. *Тўқувчилик ҳунарига боғлиқ топонимлар.*
4. *Тикувчилик касби асосида яратилган топонимлар.*
5. *Кўнчиликка алоқадор жой номлари*
6. *Савдо-сотиқни акс эттирувчи жой номлари.*

Аҳоли масканлари номланишида халқнинг иқтисодий турмуш тарзи – шуғулланувчи касби-кори, хўжалик фаолияти муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистоннинг географик номлари тизимида касб-ҳунар ва машғулот номларини ифодаловчи топонимлар алоҳида ўринни эгаллайди. Бу турдаги ойконимлар қадимий касб-ҳунармандчиликнинг, савдо-сотиқнинг характери, белгисини билдиради.

Маълумки, халқимиз кўп замонлардан бери турли касб-ҳунарлар билан шуғулланиб келган. Айниқса, металл қуроллар ва металл буюмлар ишлаб чиқариш алоҳида ўринни эгаллаган. Марҳум профессор Собиржон Иброҳимов қайд этганидек, металлдан қўлда буюм ясовчи усталар бир неча соҳага бўлиниб, улар темирчи, қулфсоз, наққош, заргар деб аталган. Ўтмишдаги бу тур касбларнинг аксари ҳозирги кунда йўқ бўлиб кетган, лекин айримлари жой номлари сифатида сақланиб қолган.

Республикамизнинг турли жойларида учровчи, чунончи, Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Пичоқчи, Наманган вилоятининг Норин, Андижон вилоятининг Шаҳрихон, Асака туманлари ҳамда Косон шаҳридаги Темирчи, Темирчи кўча, Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманидаги Мисгарон, Наққоши, Каттақўрғон туманидаги Чўянчи, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги Заргар, Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги Тақачи деб аталган жой номлари шулар жумласига киради.

Тошкент ва Қўқон шаҳарларидаги **Дегрезлик** маҳалласидагилар ҳамда Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги Дегрез қишлоғи аҳолиси ўтмишда чўяндан қишлоқ хўжалиги ва рўзғор буюмлари яшаш, жумладан қозон қуйиш билан шуғулланишган. Маҳалла ва қишлоққа берилган ном ана шу касбга ишорадир. Дегрезлик атамаси форсча-тожикча сўз бўлиб, “дег” – қозон, “рез” - рехтан (қуймоқ) феълининг ҳозирги замон ўзаги бўлиб, “қозон қуювчи” демакдир.

Тошкент вилоятидаги **Оҳангарон** туманининг номи “оҳан” – темир, “гар” – касбни билдирувчи қўшимча ҳамда кўплик кўрсаткичи “он” (лар) қисмларидан тузилган бўлиб, у айнан олганда “темирчилар” деган маънони билдиради ва шу ҳудуд аҳолисининг ўтмиш касб-корига ишора қилади. Худди шу каби Самарқанд шаҳридаги **Сўзангарон** маҳалласи аҳлининг асосий машғулоти игна тайёрлаш бўлган. Шунинг учун ҳам маҳалланинг номи Сўзангарон, яъни игна тайёрловчилар, игна усталари деб юритилади.

Ўлкамиз тарихига назар ташласак, ҳамма касб-ҳунарлар қатори кулолчилик ҳам анча ривож топганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу касб эгалари лойдан турли-туман сопол идишлар – коса, товоқ, пиёла, лаган, кўза, тандир ва шу кабиларни тайёрлаш, уларга сир бериш билан шуғулланиб келганлар. Кулолчилик, айниқса, ўзбеклар билан тожиклар ёнма-ён яшайдиган жойларда кенг тараққий этган. Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Кулолон (кулоллар), Наманган вилоятининг Норин туманидаги Кулолчи, Марғилон шаҳридаги Косагарон (косачилар), Андижон вилоятининг Асака, Фарғона вилоятининг Фарғона, Ўзбекистон туманларидаги Тovoқчи, Марҳамат туманидаги Тандирчи деб юритилувчи қишлоқ ва маҳалла номлари буларга ёрқин мисолдир.

Тўқувчилик ҳунари халқ амалий санъатининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, бу соҳа мутахассислари ҳар хил иплардан газламалар тўқиш иши билан машғул бўлиб келганлар. Тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш тарихи жуда қадимги даврларга бориб тақалади. Республикамизда тўқувчилик касбига алоқадор қатор

географик номлар учрайди. Жумладан, Қўқон шаҳридаги маҳаллалардан бири **Бахмалбоф** номи билан аталади. "Бахмал" ва "боф" сўзларидан ташкил топган мазкур атамадаги "боф" сўзи тожик тилидаги "бофтан" – тўқимоқ феълнинг ҳозирги замон ўзаги ҳисобланиб, тўқувчи маъносини билдиради. Демак, шу маҳалла аҳолиси бахмал тўқиш билан шуғулланган.

Шунингдек, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида Бўзчи (бўз тўқувчилар), Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида **Бўйрабоф** (бўйра тўқувчи), Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида **Гидамбоф** (гидам тўқувчи) ойконимлари учрайдики, уларда ҳам тўқувчилик касбининг "из"лари сақланиб қолган.

Тикувчилик касби ҳам халқимиз орасида кенг тарқалган соҳалардан бири бўлган. Унинг каштадўзлик, йўрмадўзлик, этикдўзлик, дўппидўзлик, зардўзлик каби тармоқларидаги ишлар қўл меҳнати билан бажарилган. Тикувчилик касби тармоқларининг баъзи бир номлари айрим жойларга атама бўлиб хизмат қилган. Марғилон шаҳридаги Йўрмадўз маҳалласининг номи шундай атамалар жумласидандир. Маҳалла аҳли ўтмишда каштачиликда қўлланиладиган чок турларидан бири – йўрма тикиш иши билан шуғулланган. Халқнинг касбига нисбатан маҳалла Йўрмадўз (йўрма тикувчи) номини олган. Бухоро шаҳридаги маҳси тикувчилар маҳалласи ҳам шу йўсинда **Маҳсидўзон** деб юритилган. Чуст шаҳридаги маҳаллалардан бири эса Дўзанда номи билан аталган. Бу атама "тикувчи" маъносини билдиради.

Тери ошлаб, ундан чарм тайёрлаш билан шуғулланувчи касб эгалари кўнчи номи билан аталган. "Кўнчилик Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларида ривож топган. Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда, Хоразм, Фарғона водийсида XX асрнинг бошларида юзларча кўнчилик дўконлари мавжуд бўлган. Уларда қорамол, қўй, эчки, туя терисидан турли навлардаги кўн тайёрланган. Пойафзал, телпак, от-улов абзаллари, қайиш, қин кабилар тайёрлашда кўн асосий материал бўлган" (ЎзСЭ, 6-том, 222-бет). Марғилон шаҳридаги **Кўнчилик**, Чуст шаҳридаги **Чармгарон**, Сурхондарё вилояти Денов туманидаги **Чармгаргузар** маҳаллалари шу касб номлари билан аталган.

Кигизчилик (Фарғона вилоятининг Тошлоқ тумани), **Кигизчи** (Андижон вилоятининг Асака тумани), **Наматгарон** (Бухоро вилоятининг Ёиждувон тумани) номлари кигиз (намат) босиш касбини ифодаловчи топонимлардир.

Географик номлар тизимида деҳқончиликка тааллуқли топонимлар ҳам мавжуд. Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги Пиёзчилик, Сўкчилик (сўк – тозаланган тариқ), Олтиариқ туманидаги Буғдойчи,

Қува туманидаги Гуручфуруш, Бувайда туманидаги Таррачи (тарра – полиз экини) жой номлари шулар жумласидандир. **Новвойликгузар** (Қўқон шаҳри), **Ширмонпаз** (Марғилон шаҳри) маҳаллаларининг номлари эса новвойлик касбига боғлиқ.

Бағдод тумани Қўштегирмон қишлоғидаги бир неча хонадон ўтмишда арава ғилдирагининг ташқи гардиши – тўғин тайёрлаш касби билан шуғулланган. Шу сабабли маҳалла **Тўғинчи** номи билан юритилган. Шаҳрихон туманида ҳам Тўғинчи қишлоғи бор.

Булардан ташқари, республикада Кўмирчи, Узумчи (Олтиариқ тумани), Чиннигарон, Носгар (Риштон тумани), Сандиқчи, Қамчифуруш (Тошлоқ тумани), Бўйрачиовул (Норин тумани), Оҳакчи, Йигчимаҳалла (Бағдод тумани), Ўроқчи, Сомсапаз (Учкўприк тумани), Карнайчи (Шаҳрихон тумани), Ўқчи (Ўзбекистон, Охунбобоев, Марҳамат туманлари), Эгарчи (Иштихон тумани), Қайишфуруш (Пахтачи тумани), Тошкесар (Марғилон шаҳри), Тароқчилик (Қўқон шаҳри), Бордончи (Охунбобоев тумани), Устамаҳалла, Қалампирсотар (Косонсой тумани), Қассобмаҳалла (Асака тумани) каби жой номлари ҳам бўлиб, бу атамаларда халқимиз ўтмишда шуғулланиб келган турли касб-хунарлар ўз аксини топган.

Халқнинг иқтисодий турмушида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган турли хил қурилмалар ҳам муҳим роль ўйнаган. Чунончи, ғаллани майдалаб унга айлантириб берадиган тегирмон, шолини оқлашда ишлатиладиган обжувоз, ўсимликлар уруғидан ёғ чиқарадиган мойжувозлар кишилар ҳаётида катта аҳамият касб этган. Ойконимия фактлари мазкур қурилма номларининг айрим қишлоқ ва маҳаллаларнинг номланиши учун асос бўлиб хизмат қилганлигини кўрсатади. Буларга Норин туманидаги Обжувозтўп, Эски Обжувоз, Андижон туманидаги Тўпжувоз, Сувжувоз, Қува туманидаги Ёғжувоз, Охунбобоев туманидаги Обжувозбоши, Пахтаобод тумандаги Тўпобжувоз, Пойариқ туманидаги Жувозхона, Асака, Тўрақўрғон, Избоскан туманларидаги Обжувоз, Бағдод туманидаги Қўштегирмон, Қўшработ туманидаги Тегирмоновул каби аҳоли масканлари киради. Бу турдаги жой номларига яна Бухоро, Самарқанд вилоятларидаги Галаосиё, Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё, Қўшосиё, Фарғона вилоятидаги Тагиосиё ойконимларини ҳам киритиш мумкин. Мазкур атоқли отлар таркибидаги "осиё" сўзи "тегирмон" маъносида қўлланилган бўлиб, Галаосиё – "гала тегирмон, бир неча тегирмон", Сариосиё – "тегирмон боши", Қўшосиё – "қўш тегирмон, икки тегирмон", Тагиосиё – "тегирмон таги" маъноларини билдиради.

Халқнинг иқтисодий турмушида савдо-сотик катта аҳамиятга эга бўлган. Савдо-сотик қилинадиган жойлар – бозор ва расталар

кўпинча маълум бир маҳсулотни сотишга ихтисослаштирилган бўлиб, улар шу маҳсулотнинг, товарнинг номи билан аталган. Булар секин-аста маҳалла номини ҳам ифода қила бошлаган. Қўқон шаҳридаги Ёғбозори, Ходабозори, Марғилон шаҳридаги Товуқбозор, Бўйрабозор маҳаллаларининг номи шу йўсинда вужудга келган. Ш.Қодированинг ёзишича, Тошкент шаҳридаги маҳалла номларининг эски рўйхатларида Бедабозор, Эгарбозор, Кўрпабозор, Тузбозор, Читбозор, Кетмонбозор, Наматбозор, Пичоқбозор, Ипакбозор сингари атоқли отлар қайд этиб ўтилган.

Галабаққоллик (Қўқон шаҳри), Қўшбаққоли (Самарқанд тумани), Баққолхона (Когон) ойконимлари ҳам савдо-сотиққа алоқадор бўлган номлардан ҳисобланади. Ўтмишда турли хил рўзғор буюмлари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини сотувчи киши баққол, баққол дўкони жойлашган жой эса баққоллик деб юритилган.

Шаҳрисабз туманидаги Чоршанба, Каттақўрғон туманидаги Пайшанба, Пастдарғом туманидаги Жума, Қоракўл, Самарқанд туманларидаги Жумабозор деб юритилувчи аҳоли масканлари бозор кунларидан далолат беради. Мазкур топонимлар шу қишлоқларда ҳафтанинг чоршанба, пайшанба, жума кунлари бозор бўлганлиги муносабати билан вужудга келган.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Касб-ҳунар лексикаси деганда нимани тушунасиз? Шу хусусда сўзланг.
2. Ўзбек тилининг касб-ҳунар лексикаси бўйича нашр этилган қандай монография ва рисоаларни биласиз?
3. Касб-ҳунар номлари билан юритилган топонимлар республикамизнинг қайси ҳудудларида кўп учрайди?
4. Металлсозлик касбига боғлиқ ҳолда яратилган жой номлари ҳақида маълумот беринг.
5. Ўзингиз яшаётган ҳудуддан тўқувчилик, тикувчилик, деҳқончилик, чорвачиликка оид бўлган топонимларга мисоллар келтиринг.
6. Қўқон шаҳридаги касб-ҳунарга алоқадор бўлган маҳалла, кўча, гузар номлари хусусида гапиринг.

АДАБИЁТЛАР

1. Қораев С. Географик номлар маъноси. Тошкент, 1978.
2. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1988.
3. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш

- хусусиятлари. Тошкент, 1989.
4. Охунов Н. Жой номлари таъбири. Тошкент, 1994.
 5. Охунов Н. Ўтмишга айланган номлар. Фан ва турмуш. 1986, 4-сон.
 6. Умархаджаева О. Отражение профессиональной лексики в топонимах Узбекистана. Ономастика Узбекистана. Ташкент, 1987.

ТОПОНИМИЯДА ЎЗ ВА ЎЗЛАШГАН ҚАТЛАМ

Таянч тушунчалар: ўз қатлам топонимлари – умумтуркий ва ўзбекча сўзлардан вужудга келган жой номлари; ўзлашма қатлам топонимлари – генетик жиҳатдан бошқа тилларга мансуб сўзлардан ясалган жой номлари; тожикча топонимлар; арабча топонимлар; русча топонимлар.

РЕЖА:

1. *Топонимияда ўз ва ўзлашган қатлам масаласи.*
2. *Ўз қатламга мансуб топонимлар.*
3. *Ўзбекча топонимларнинг мавзуй гуруҳлари.*
4. *Ўзлашган қатламга мансуб топонимлар.*
5. *Тожикча топонимлар.*
6. *Арабча ва русча топонимлар.*

Жой номларини ўрганишда топоним учун асос бўлган сўзнинг тарихий-генетик нуқтаи назардан қайси тилга мансублигини аниқлаш ва унинг маъносини очиб бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, республикаимиз географик номлари тизимига назар ташласак, уларнинг турли тиллар лексикасига оид сўзлардан ташкил топганлигининг гувоҳи бўламиз. Умумтуркий ва ўзбекча сўзлар билан бир қаторда бошқа тиллардан кирган ўзлашмалар орқали ҳам жой номлари шаклланганлигини кўрамиз.

Топонимларни қайси тилларга мансуб сўзлардан ташкил топганлигига кўра икки қатламга бўлиб ўрганиш мумкин: 1. Ўз қатламга мансуб топонимлар. 2. Ўзлашган қатламга оид

топонимлар.

Ўз қатлам. Ўз қатламга умумтуркий ва ўзбекча сўзлардан вужудга келган топонимлар киради. Республикамизда ўз қатламга мансуб сўзлар билан аталган топонимлар асосий ва муҳим ўринни эгаллайди. Бу хил топонимлар ўзида ўзбек тилининг тарихий ҳамда ҳозирги лексикасининг тараққиётини акс эттиради.

Ўз қатлам гуруҳидаги топонимлар турли даврларда яратилган бўлиб, улар асосидаги сўзлар ҳар хил қимматга эгадир. Кўплаб жой номлари ҳозирги ўзбек тилида фаол ишлатилувчи сўз ва грамматик шакллар орқали ифода қилинган: Янгиқишлоқ, Оқтепа, Сувлиариқ, Тошлоқ, Сойбўйи, Юқориқишлоқ, Ариқбоши, Учариқ, Каттақўрғон, Тошқўприк, Жарариқ сингари.

Ўзбекча топонимларни мавзуй жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Жойнинг рельеф хусусиятини ифодаловчи жар, қир, дўнг, тўқай, тепа сўзлари асосида яратилган топонимлар: Жарқишлоқ, Жарқўрғон, Жарбоши, Жартепа, Қирлик, Қирбоши, Тўқай, Тўқайтепа, Тепалик, Тепақишлоқ, Тепатаги, Тепақўрғон ва бошқалар.
2. Гидрографик атамалар, яъни сой, ариқ, булоқ, кўл, сув, қудуқ, кўприк, кечик сўзлари билан алоқадор топонимлар: Сойбўйи, Сувлисой, Қудуқлик, Қудуқча, Кўприкбоши, Тошкечик кабилар.
3. Айрим ўсимлик, дарахт номлари (арча, ёнғоқ, олма, терак, тол, тут, узум, ўрик, қамиш, қайрағоч, арпа) билан аталган ўзбекча топонимлар: Арча, Ёнғоқлик, Олмалик, Терактаги, Толқишлоқ, Тутқишлоқ, Узумчи, Ўрикли, Қамиштепа, Қайрағочовул, Арпапоя сингарилар.
4. Касб-хунарни ифодаловчи сўзлар билан аталган ўзбекча топонимлар: Ўқчи, Кўмирчи, Пичоқчи, Тароқчилик, Кўнчилик, Бўзчи, Тошкесар, Кигизчи, Кигизчилик, Темирчи, Бўёқчи кабилар.
5. Ер ости бойликларининг ўзбекча номлари – кумуш, кўмир, олтин, қўрғошин, темир сўзлари билан боғлиқ топонимлар: Кумушкон, Қўрғошинкон, Олтинтопан, Кўмирсой, Олтинқазган, Темиртов сингарилар.
6. Ранг-тус билдирувчи ўзбекча оқ, қора, қизил, сариқ, кўк сўзларига алоқадор топонимлар: Оққўрғон, Оқариқ, Оқсув, Оқтош, Оқжар, Оққўл, Оқер, Оққудуқ, Оқбулоқ, Қоратепа, Қорасув, Қорақум, Қоракўл, Қоратоғ, Қорақамиш, Қизилсув, Қизилкечув, Сариксув, Сариктепа, Сарикучма, Кўкбулоқ,

Кўктош, Кўкорол, Кўкусув, Кўктерак, Кўкдала ва бошқалар.

7. Ҳажм, шакл, масофа, юза, ўлчов, ўрин маъносини билдирувчи ўзбекча сўзлар иштироки билан номланган топонимлар: Каттаариқ, Каттақишлоқ, Каттатол, Узунқир, Узунариқ, Узунқудуқ, Узунбулоқ, Узунсой, Чуқурқишлоқ, Чуқуркўл, Кенгкўл, Торжилға, Торариқ, Юқориқишлоқ, Юқориовул, Ўртақишлоқ, Ўртақўрғон, Ўртатўқай, Қуйиқишлоқ, Четсув, Четариқ, Четкўпир ва бошқалар.
8. Сонни, микдорни ифодаловчи сўзлар ёрдамида ҳосил қилинган ўзбекча топонимлар: Иккитут, Учкўприк, Учариқ, Учқўрғон, Учтут, Учтепа, Учуй, Учқудуқ, Бешариқ, Бешкапа, Бешовул, Қирққиз, Мингбулоқ, Мингтут, Мингжилғасой, Мингтол сингарилар.

Ўзлашма қатлам. Ўзбекистон топонимиясида генетик жиҳатдан бошқа тилларга мансуб бўлган сўзлардан таркиб топган топонимлар бирмунча учрайди. Ана шундай ўзга тил сўзлари асосидаяратилган ўзлашма қатламга форс-тожик тили, араб тили, рус тили лексикасига алоқадор сўзлар воситаларида ясалган топонимлар киради.

Форсча-тожикча қатлам. Ўзбекистон топонимиясида форсча-тожикча топонимлар анчагина қисмни ташкил этади. Бу табиий ҳолдир, чунки ўзбеклар билан тожиклар қадим замонлардан бери ёнма-ён яшаб, ўзаро иқтисодий, сиёсий, маданий алоқада бўлиб келганлар. Бундай муносабатлар икки халқ тарқалган ҳудуднинг жой номлари тизимида ҳам ўз аксини топган. Бинобарин, Ўзбекистон ҳудудининг тожиклар билан ўзбеклар аралаш яшайдиган Бухоро ва Самарқанд вилоятларида, шунингдек, Фарғона водийси ҳамда Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг айрим туманларида форсча-тожикча топонимлар салмоқли ўринни эгаллайди. Қуйида уларнинг баъзилари ҳақида фикр юритамиз:

"Об" компонентли топонимлар. "Об" сўзи тожик тилида "сув" деган маънони билдиради ва бир қанча топонимлар таркибида иштирок этади. Мисоллар: Сиёб (Самарқанд шаҳри ва Чуст тумани), Обисиё (Тошлоқ тумани), Дуоб (Поп ва Деҳқонобод туманлари), Дуғоб (Фарғона тумани), Дуоба (Шўрчи тумани), Дуғоба (Олтинсой тумани), Сардоба (Оқолтин, Пахтачи туманлари), Шўроб, Сайроб, Зардоб, Лабиоб, Обканда, Обиравон ва бошқалар.

"Жўй" сўзли топонимлар. "Жўй" сўзининг луғавий маъноси "ариқ" демакдир. Жўйдам, Жўйитик, Жўйнав, Чоржўй, Жўйшаҳар, Сарижўй, Жўйсафед топонимлари шу сўз воситасида вужудга келган.

"Деҳ" сўзига алоқадор номлар. "Деҳ" сўзи "қишлоқ" маъносини

билдиради ва жой номлари таркибида фаол қатнашади. Мисоллар: Денов, Дебаланд, Дебодом, Деболо. Бу топонимлар аслида Деҳинав, Деҳибодом, Деҳиболо кўринишларида шаклланган, кейинчалик шу ҳолатга келиб қолган.

"Осиё" сўзли топонимлар. Осиё "тегирмон" маъносида қўлланилади. Сариосиё, Галаосиё, Тагиосиё, Қўшосиё топонимлари шу сўз воситасида юзага келган.

"Рўд" сўзли номлар. Рўд "катта ариқ" маъносини ифода қилади: Шаҳррўд (шаҳар ариғи), Лабирўд (ариқ лаби) кабилар.

Булардан ташқари, ўлкамизда санг (тош), рег (қум), пул (кўприк), себ (олма), кўҳ (тоғ), хор (тикон), най (қамиш) сўзлари билан аталган бир қанча тожикча топонимлар мавжуддир: Санг, Сангистон, Сангисафед, Сангзор, Регзор, Регистон, Тахтапул, Сарипул, Себзор, Себистон, Хористон, Найистон кабилар.

Тожикча топонимларнинг маълум бир қисми касб-ҳунарни ифодаловчи сўзлар билан аталган. Мисоллар: Оҳангарон, Дўзанда, Бофанда, Косагарон, Сўзангарон, Кулолон, Мисгарон, Маҳсидўзон, Тоқи Заргарон, Аспжаллоб, Говжаллоб, Гўспанджаллоб, Парпашабоф, Дегрез кабилар.

Арабча қатлам. Республикамизда арабча қатламга мансуб сўзлар билан аталган топонимлар ҳам бирмунчадир. Қашқадарё вилоятидаги Майманақ топоними арабча бўлиб, "ўнг томон, ўнг қўл" деган маънони билдиради. Поп топоними арабча боб сўзидан олингандир, маъноси "дарвоза" демакдир. Вақф атамаси топонимлар таркибида ваҳим шаклида учрайди. Риштон ва Шаҳрихон туманларида Ваҳим деган қишлоқлар мавжуд.

Арабча сўзлар билан аталган топонимларга яна Ҳисор, Қалъа, Ҳисорак, Равот, Анҳор кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Русча қатлам. Ўзбекистон топонимиясида русча сўзлар билан аталган топонимлар истиқлолдан олдин анчагина миқдорни ташкил этарди. Ҳозир бу тип топонимлар анчагина камайган. Русча топонимларнинг кўпчилиги фамилиялар (антропонимлар) билан аталган: Соколовка, Рузаевка, Комаровка, Михайловка, Димитровское, Надеждинское, Орловское кабилар. Темир йўл станцияларининг аввалги номлари Чор Россиясининг амалдорлари, министрлари, ҳарбий бошлиқлари номлари билан аталган эди. Горчаково, Куропаткино, Серово, Ванновск, Кауфманская, Вревская, Мельниково кабилар шулар жумласидандир. Ҳозир бу номлар истеъмолдан чиқиб кетган.

Шундай қилиб, республикамиз топонимлари икки қатлам: ўз ва ўзлашган қатлам негизида вужудга келган. Ўз қатламга мансуб топонимлар асосий ўринни эгаллайди. Ўзлашма қатлам форсча-

тожикча, арабча, русча сўзлардан ташкил топган топонимлардан иборатдир. Ўзлашма қатлам тиллар орасидаги ўзаро алоқалар натижасидир.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Топонимлар генетик нуқтаи назардан қайси тилга мансублигига кўра неча қатламга бўлиб ўрганилади?
2. Ўз қатлам деганда нимани тушунасиз?
3. Ўз қатламга мансуб топонимларга яшаб турган ҳудудингиздан мисоллар келтиринг.
4. Ўзбекча топонимлар мавзуйи жиҳатдан қандай турларга бўлинади?
5. Тожикча топонимлар таркибида қайси сўзлар кўпроқ қатнашади?
6. Тожикча сўзлар билан аталган топонимлар қайси ҳудудларда кўпчиликни ташкил этади?
7. Арабча сўзлар билан юритилган жой номларига мисоллар келтиринг.

АДАБИЁТЛАР

1. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент, 1986.
2. Бегматов Э. Топонимияда ўз ва ўзлашган қатлам масаласи. Ўзбек тилининг лексик-семантик хусусиятлари. Тошкент, 1981. 65-72-бетлар.
3. Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи. Тошкент, 1985, 12-33-бетлар.
4. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. Тошкент, 1985, 9-34-бетлар.
5. Охунов Н. Тил ва жой номлари. Тошкент, 1988, 5-23-бетлар.
6. Хўжамбердиев Я. Историко-этимологическое исследование топонимии Сурхандарьинской области. АҚД. Ташкент, 1973.

ГИДРОНИМЛАР

Таянч тушунчалар: гидроним – ҳар қандай сув ҳавзасининг атоқли оти; гидронимия – гидронимлар мажмуаси; пелагоним–океан, денгиз номи; потамоним – сой, ариқ, канал, дарё номлари; лимноним – кўл, булоқ, қудуқ, ҳовуз номлари; гидроойконим – гидроним билан аталган аҳоли яшаш масканлари номлари;

гидронимик индикатор – гидронимлар яшашда фаол иштирок этувчи ва уларнинг турини ифода қилувчи махсус атамалар.

РЕЖА:

1. *Гидронимлар ҳақида умумий маълумот.*
2. *Гидронимлар турлари.*
3. *Гидронимлар маънолари.*
4. *Гидронимларнинг номланиш хусусиятлари.*
5. *Гидронимик индикаторлар.*

Гидронимлар сув иншоотларининг атоқли отлари бўлиб, республикамиз топонимияси тизимида салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистон гидронимлари физик-географик жиҳатдан пайдо бўлишига қараб табиий ва сунъий объект номлари тарзида икки гуруҳга бўлинади. Табиий гидрообъект номларига кўл, дарё, сой, булоқ, шаршара, шовва кабилар киради. Сунъий гидрообъектлар ўз таркибига кўл кучи ёки техника воситаси билан махсус қазилган, очилган қудуқ, ҳовуз, канал, зовур, ариқ, тўғон номларини бирлаштиради.

Гидронимлар қуйидаги турларга бўлинади: 1) дарё номлари: Амударё, Сирдарё, Қорадарё, Оқдарё, Ўрадарё, Чирчиқ дарёси, Писком дарёси, Угом дарёси, Зарафшон дарёси, Қумдарё, Тўполондарё, Норин дарёси, Жиннидарё, Сангзор дарёси, Қозоқдарё кабилар; 2) сув омборлари номлари: Каттақўрғон сув омбори, Пачкамар сув омбори, Чимқўрғон сув омбори, Чорвоқ сув омбори, Каркидон сув омбори сингарилар; 3) канал номлари: Катта Фарғона канали, Жанубий Мирзачўл канали, Аму-Бухоро канали, Аму-Занг канали, Лоғон канали, Дарғом канали, Пай канали, Шимолий Фарғона канали ва бошқалар; 4) сой номлари: Анбарсой, Даҳанасой, Арнасой, Етимсой, Оқсой, Ўриклисой, Яккаарчасой, Косонсой, Ғовасой, Чодаксой, Исфайрамсой, Жарсой, Шўралисой, Жириндисой, Тароқсой, Ғуринсой, Шоввасой, Оқтепасой, Қиялисой; 5) кўл номлари: Денгизкўл, Тўдакўл, Оқчакўл, Чуқуркўл, Хўржинкўл, Ойнакўл, Ойдинкўл, Ойкўл, Сарсонкўл, Тулпоркўл, Айғиркўл, Байиркўл, Ботқоқкўл, Мохонкўл; 6) булоқ номлари: Қўтирбулоқ, Қайнарбулоқ, Қашқабулоқ, Ойдинбулоқ, Бешбулоқ, Бошбулоқ, Жомбулоқ, Ёнабулоқ, Жайловбулоқ, Ғовбулоқ, Кандабулоқ, Қоризбулоқ, Карсонбулоқ, Ойнабулоқ, Мойбулоқ, Новбулоқ, Ўрбулоқ, Ўйбулоқ, Тошбулоқ, Оқарбулоқ; 7) ариқ номлари: Мирзаарик, Қумарик, Даштарик, Нурсухарик, Хонарик, Оқарик, Қораарик, Селарик, Жарарик, Захарик, Бувайдаарик, Бошарик, Зангарик, Ёвонарик, Бўзарик, Ваҳимарик, Боғарик, Бешарик,

Дамарик, Коризарик, Кўлобарик, Мойарик, Қозоқарик; 8) кудук номлари: Эшонқудук, Оёққудук, Тошқудук, Қизилқудук, Юзқудук, Қорақудук, Лойқудук, Новақудук, Қарикудук, Туяқудук, Отқудук, Узунқудук, Ширинқудук, Толқудук, Шўрқудук, Жарқудук, Болқудук, Бошқудук, Дорқудук, Қизқудук; 9) ҳовуз номлари: Тошҳовуз, Бўрҳовуз, Узунҳовуз, Молҳовуз, Султонҳовуз, Пиримҳовуз, Маллаҳовуз, Зикирҳовуз, Каттаҳовуз; 10) зовур номлари: Кўкзовур, Қораёғзовур, Четзовур, Шўрзовур; 11) тўғон ва қувур номлари: Қумтўғон, Бешқувур, Тошқувур, Тўртқувур ва бошқалар.

Гидронимлар турли хил маъноларни ифодалайди. Баъзи гидронимларнинг маъноси, келиб чиқиши ҳаммага тушунарли бўлиб, ортиқча изоҳни талаб қилмайди. Қумарик, Тошарик, Ширинқудук, Шўрарик, Аччиққўл, Оқсув, Қорасув, Сариксув, Қўшарик, Учбулоқ сингарилар шундай номлар жумласига киради. Булардан Қумарик, Тошарик гидронимлари ернинг устки қисмида қум ва тошнинг кўплигига, ариқнинг шундай жойдан оқиб ўтганлигига кўра номланган бўлса, Ширинқудук, Шўрарик, Аччиққўл атамалари сувнинг маза-таъмига нисбатан ном олган. Қўшарик, Учбулоқ гидронимлари эса объектнинг миқдор хусусияти билан боғлиқ ҳолда вужудга келган.

Гидронимлар орасида яна шундайлари учрайдики, уларнинг маънолари англашилиб, сезилиб турмайди. Бундай номлар кўпинча ўзга тил материалларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг маъноси махсус этимологик тадқиқотлар ёрдамида очиб берилади. Зарафшон, Сурхондарё, Арашонбулоқ, Сангзор гидронимларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Зарафшон дарёсининг номи тожикча зар–тилла, афшон–сочувчи сўзларидан ташкил топган бўлиб, "тилла сочувчи" маъносини билдиради. Дарҳақиқат, тарихий манбаларда Зарафшон дарёси оқизиб келган қумлардан бир неча асрлар давомида олтин ажратиб олинганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилади. Сурхондарё гидронимининг биринчи қисмидаги сурх сўзи ҳам тожикча ҳисобланади ва қизил, қизғиш (ранг) маъносини ифодалайди. Бинобарин, Сурхондарёнинг маъноси "қизил сув, қизғиш тупроқли сув, дарё" демакдир. Арашонбулоқ номининг дастлабки компонентидagi арашон сўзи санскритча бўлиб, "шифобахш, илиқ" тушунчасини ифода қилади. Демак, Арашонбулоқ "шифобахш булоқ", "иссиқ булоқ" маъносини билдиради. Сангзор гидроними тожикча санг –тош ҳамда ўрин-жой маъносини билдирувчи -зор қўшимчасининг бирикувидан таркиб топган; "тошли ер, тошлоқ" маъносига эга.

Гидронимларнинг номланиши ўзига хосдир. Уларнинг аталишига ҳар хил омиллар асос, сабаб бўлади. Буларни қуйида бирма-бир

кўриб ўтамыз.

1. Уруғ, қабила, қавм, халқ, тоифа номлари билан аталган гидронимлар. Булар этногидронимлар деб юритилади. Бу хил номлар сув объектларининг маълум бир этник гуруҳга тегишли эканлигини, уларга алоқадорлигини билдиради: Қипчоқариқ, Ғалчасой, Уйғурсой, Қозоқариқ, Қирғизариқ, Наймансой (Фарғона водийсида), Арабсой, Балхариқ, Баҳринариқ, Қотағоншоҳ (шоҳ-кичик ариқ, ариқ тармоғи маъносида), Туркманшоҳ, Чашмиқипчоқ, Чашмикенагас, Чашмиараб (чашма-булоқ маъносида), Ойиннишоҳ, Уйшуншоҳ, Батошариқ, Балхиқудуқ, Нўғайшоҳ, Очамайшоҳ, Товинкўл, Авғонариқ, Пўлатиариқ, Манғитариқ, Найманариқ, Ўзбекариқ, Туркманариқ (Жанубий Ўзбекистонда), Найманкўл, Қиёткўл, Уязкўл (Мирзачўлда), Манғитарна, Немискўл, Корейсёп, Уйғурёп, Ёвмутёп, Қирғизёп (Хоразм воҳасида) ва бошқалар.
2. Шахс исмлари билан боғлиқ ҳолда ном олган гидронимлар. Бундай номлар антропогидронимлар дейилади. Ушбу гидронимлар ариқ, булоқ, қудуқни қазишда бош-қош бўлган, унга раҳбарлик қилган ёки маблағ сарфлаган кишиларнинг номлари билан аталган: Саидалиариқ, Халилариқ, Ботирариқ, Халилкўл, Зокирбулоқ, Мавлонбулоқ, Жабборсой, Омонариқ, Мусоариқ, Маллаҳовуз (Фарғона водийсида), Азимжонариқ, Бегматариқ, Жамолариқ, Бозорариқ, Ниёзариқ, Холиқариқ, Очилариқ, Тоирариқ, Ҳайитшоҳ, Мўминариқ, Муродариқ, Бурҳонариқ (Жанубий Ўзбекистонда), Ҳамдам канали (Тошкент вилояти), Изимбекқудуқ(Томди) қабилар.
3. Ўсимлик номлари билан юритилувчи гидронимлар – фитогидро-нимлар. Мазкур гуруҳдаги гидронимлар объектдаги ўсимликлар дунёсининг муҳим томонларини ўзида акс эттиради. Булар мевали ва мевасиз дарахт номлари ҳамда ўт номлари билан аталади. Мисоллар: Жийдасой, Ёнғоқсой, Пистабулоқ, Олчабулоқ, Олмасой, Ўриклисой, Жийдалиқудуқ, Толбулоқ, Толариқ, Теракбулоқ, Қайрағочариқ, Ҳилолқўл, Қўғалиқўл, Йўнғичқариқ, Қиёқбулоқ, Гулҳовуз, Ирғайбулоқ сингарилар.
4. Ҳайвон ва жониворлар номи асосида вужудга келган гидронимлар (зоогидронимлар). Бу турдаги жой номларининг яратилишида уй ҳайвонлари, ёввойи ҳайвонлар, қуш ва паррандалар, сувда яшовчи жониворлар номлари асос бўлади: Чўчқасой, Тулпоркўл, Тўнғизкўл, Бўриётоқ, Қашқалдоқкўл, Балиқликўл, Чумчуқкўл, Илонликўл, Чўртанликўл, Лаққалиқўл, Бақаҳовуз, Лайлаккўл, Хўрозкўл, Моҳиёнқўл (моҳ – балиқ) ва

бошқалар.

5. Сувнинг маза-таъми, истеъмол қилишга яроқли ёки яроқсизлигига нисбатан ном олган гидронимлар. Бу хил гидронимлар таркиби "ширин", "чучук", "тотли", "бол", "аччиқ", "шўр" сўзлари ёрдами билан ифода қилинади: Шириндарё, Ширинқудуқ, Ширинбулоқ, Шакарбулоқ, Болқудуқ, Чучукбулоқ, Чучиқудуқ, Тотлибулоқ, Аччиқдарё, Аччиққудуқ, Аччиқкўл, Аччиқсой, Шўрсой, Шўрқудуқ, Шўрзовур, Шўрсув кабилар.

6. Сувнинг ранг хусусиятига қараб номланган гидронимлар. Бундай гидронимлар таркибида оқ, қора, кўк, қизил, сариқ, яшил сўзлари иштирок этади: Оқсув, Оқдарё, Оқсой, Оқариқ, Оқкўл, Оқбулоқ, Қорасув, Қорадарё, Қорабулоқ, Қорасой, Қораўзак, Қоракўл, Қораариқ, Кўқдарё, Кўксув, Кўксой, Кўкбулоқ, Қизилдарё, Қизилсув, Қизилсой, Қизилўзак, Қизилқудуқ, Сариксув, Яшилкўл сингарилар.

Гидронимлар таркибида қўлланган оқ, қора сўзлари турли маъно хусусиятларига эга. Бу хусусият В.В.Бартольд, В.Л.Вяткин, Н.Г.Маллицкий, А.Н.Кононов, Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, Т.Нафасовларнинг илмий тадқиқотларида қайд этиб ўтилган. Уларнинг ёзишича, доимо оқиб турадиган, тоғдан, музликлардан келадиган қор сувлари билан тўйинадиган, ўз табиий ўзанида оқадиган, ёзда қуримайдиган, ранги оқ тусда бўлган, ичишга яроқли сув – дарё Оқсув, Оқдарё деб номланган. Тоғ этакларида, водийларда ер ости сизот сувларидан тўйинадиган, секин оққанлиги учун тиниқ қорамтир тусда, табиий ўзанида оқмайдиган, канал қазиб оқизилган сув эса Қорасув ёхуд Қорадарё номлари билан юритилган. Кўксув, Кўқдарё гидронимлари ҳақида шуни айтиш мумкинки, бу хил гидрообъектларнинг кўлами чуқур, сувининг оқиш суръати сокин, ранги шишадек кўм-кўк, ғоят тиниқ ва тоза бўлади.

7. Гидрообъектнинг сон-санови, миқдори асосида ном олган гидронимлар: Иккиариқ, Қўшқудуқ, Қўшариқ, Қўшкўл, Қўшчашма, Қўшнова, Етимариқ, Етимсой, Етимкўл, Етимшоҳ, Етимқудуқ (етим-якка, битта маъносида), Учқудуқ, Учолиш, Учариқ, Бешкўл, Бешариқ, Бешчашма, Бешбулоқ, Еттиқудуқ, Мингбулоқ ва бошқалар.

8. Сувнинг оқиш хусусияти, оқимидаги йўналишига кўра номланган гидронимлар: Тезариқ, Тезобариқ, Югурикариқ, Нишобариқ, Жуйрукшоҳ, Дамариқ, Дамсой, Дамкўл, Дамжўй, Дамшоҳ, Димканал, Тескариариқ, Оқарбулоқ, Чаппариқ, Чаппасув, Эгрисув, Эгрикўл, Шўхсой, Шўхбулоқ сингарилар.

Шунингдек, республикамызда Қайнарбулоқ, Кўркўл, Кўркўдук, Кўрбулоқ, Кўрчашма гидронимлари учрайдики, буларда ҳам сув объектнинг табиатини кўрсатишга маълум даражада ишора бор. Бинобарин, Қайнарбулоқ – "суви қайнаб, отилиб турадиган булоқ" деган маънони билдиради. Суви чиқмай қолган ёки бир қисми кўмилиб кетган кўл, кўдук, булоқлар Кўркўл, Кўркўдук, Кўрбулоқ номлари билан юритилади.

9. Гидрообъектнинг жойлашган ўрнига, ҳажм-ўлчовига, шакл ва тузилишига нисбатан ном олган гидронимлар: Юқорисой, Баландариқ, Баландшоҳ, Ўртаариқ, Ўртабулоқ, Орасой, Пастариқ, Четсув, Чеккакўл, Четзовур, Пасткисой, Каттадарё, Кичикдарё, Кенгсой, Торариқ, Каттаариқ, Кичикариқ, Узунариқ, Узункўдук, Майдаариқ, Ейикўл, Чуқуркўл, Қийшиқбулоқ кабилар.
10. Аҳоли яшаш масканлари номлари – ойконимлар билан аталган гидронимлар. Буларни ойкогидронимлар деб аташ маъқулдир. Дарҳақиқат, ўлкамыздаги талай гидронимлар ойконимлар – шаҳар, туман, қишлоқ номлари асосида вужудга келган. Мисоллар: Ғузордарё, Шерободдарё, Шаҳрихонсой, Шоҳимардонсой, Марғилонсой, Андижонсой, Қўқонсой, Намангансой, Бачқирариқ, Нурсухариқ каби. Бу ерда яна шуни қайд этиш лозимки, қишлоқ номлари асосида ариқ, сой номларининг яратилиши республикамызнинг Фарғона водийси ҳудудида, айниқса, кўп учрайди. Чунончи, Чодаксой, Ғовасой, Поччаотасой, Турксой, Деҳқонтўдасой, Оқтепасой, Қиялисой, Шилдирсой, Қорақўрпасой, Оққўрғонариқ, Бувайдаариқ, Серакариқ, Навкатариқ, Қудашариқ, Хўжақишлоқариқ, Собиржонариқ гидронимлари ўша ҳудудда жойлашган Чодак, Ғова, Поччаота, Турк, Деҳқонтўда, Оқтепа, Қияли, Шилдир, Қорақўрпа, Оққўрғон, Бувайда, Серак, Навкат, Қудаш, Хўжақишлоқ, Собиржон қишлоқларининг номларидан вужудга келган.

Таъкидлаш лозимки, гидронимларнинг ясалишда индикаторлар фаол иштирок этади. Улар номнинг иккинчи қисмида қатнашиб, гидрообъектнинг турини ифодалайди. Гидронимик индикаторларга дарё (Сурхондарё, Қашқадарё, Лангардарё, Қумдарё, Қозоқдарё), кўл (Шайтонкўл, Найзақўл, Дамкўл, Шамсикўл, Дарвозакўл), булоқ (Ширмонбулоқ, Қизбулоқ, Тошбулоқ, Қорабулоқ, Пистабулоқ, Зирабулоқ, Мўрибулоқ, Иссиқбулоқ, Қумбулоқ), сой (Олтинсой, Шўралисой, Янгисой, Жарсой, Тентаксой, Қизилсой, Толлисой), ариқ (Янгиариқ, Хўжаариқ, Сувлиариқ, Торариқ, Хонариқ,

Пистаариқ, Чекариқ), сув (Оқсув, Қорасув, Бўзсув, Мойлисув, Қашқасув, Лойсув, Шўрсув), ҳовуз (Гулҳовуз, Қораҳовуз, Тошҳовуз, Қўшҳовуз, Тозаҳовуз, Очиқҳовуз, Лабиҳовуз, Болоҳовуз), қудуқ (Шўркудуқ, Жайронқудуқ, Коризқудуқ, Ўпқонқудуқ, Мирзақудуқ, Калтақудуқ), зовур (Илонзовур, Ўпирзовур, Захзовур, Димзовур), кечув (Еттикечув, Қоракечув, Қизилкечув, Кенгкечув, Тошкечув, Откечув), тўғон (Тоштўғон, Қўштўғон, Қумтўғон), шоҳ (Нўғайшоҳ, Очамайшоҳ, Етимшоҳ, Дамшоҳ), олиш (Учолиш, Бешолиш), қулоқ (Баҳринқулоқ, Бошқулоқ) сингарилар киради.

Шундай қилиб, республикамизда сув билан боғлиқ бўлган атоқли отлар ниҳоятда кўп ва хилма-хилдир. Уларнинг пайдо бўлиши бир қатор объектив сабаблар ва омилларга боғлиқдир.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Гидроним нима? Гидронимия ва гидронимика атамаларига изоҳ беринг.
2. Потамонимларга қандай сув иншоотларининг номлари киради?
3. Лимнонимлар деганда нимани тушунасиш?
4. Гидронимлар билан аталган қандай туман номларини биласиз?
5. Республикамиздаги дарё номлари билан юритилган вилоят номларига мисоллар келтиринг.
6. Гидронимларнинг номланиши, аталиш хусусиятлари ҳақида нималарни биласиз?
7. Гидронимлар таркибида қўлланган оқ, қора лексемалари қандай маъноларни билдиради?
8. Ўзингиз яшаб турган ҳудуддан гидронимларга мисоллар келтиринг.
9. Гидронимик индикатор нима?
10. Этногидронимлар билан антропогидронимларнинг фарқи нимада?
11. Фитогидроним ва зоогидронимлар тўғрисида сўзланг?
12. Ойкогидронимлар деб нимага айтилади? Фикрингизни мисоллар асосида исботланг.
13. Гидроойконимлар нима? Буларга мисоллар келтиринг.
14. Гидронимларнинг қайси бир турлари қадимий? Шулар ҳақида сўзланг.

АДАБИЁТЛАР

1. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1988.
2. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. Тошкент, 1985.
3. Ономастика Ўзбекистана. Ташкент, 1989.
4. Қораев С. Географик номлар маъноси. Тошкент, 1978.
5. ҲасановҲ. Ер тили. Тошкент, 1977.
6. Жабборов Х. Ўзбек тилининг суғориш лексикаси. НДА, Тошкент, 1996.
7. Бегалиев Н. Самарқанд вилояти гидронимлари. НДА, Самарқанд, 1994.
8. Мингбоев Н. Мирзачўл гидронимлари. Ўзбек тили ва адабиёти, 1987, 2-сон, 50-54-бетлар.
9. Охунов Н. К изучению гидронимов Ферганской долины. Ономастика Ўзбекистана. Ташкент, 1987, стр. 7-8.
10. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. Тошкент, 1989.

ОРОНИМЛАР

Таянч тушунчалар: ороним – ер сатҳидан баландда турувчи тоғлар, тепалар, қирлар, даралар ва шу каби орографик объектларнинг номлари; оронимика –топонимиканинг оронимларни ўрганадиган махсус бир бўлими; оронимия – оронимлар мажмуи; спелеоним – оронимнинг бир тури, ғор, унгур номлари; ороойконимлар – оронимлар билан аталган аҳоли масканлари номи.

РЕЖА:

1. *Оронимлар ҳақида умумий маълумот.*
2. *Оронимлар турлари.*
3. *Оронимларнинг номланиши.*
4. *Оронимик индикаторлар.*

Ороним атамаси юнонча орос – тоғ, онима – ном сўзларидан ташкил топган бўлиб, тоғлар, тепалар, қирлар, довонлар ва шу сингари объектларнинг номларини ифода қилади. Оронимлар топонимларнинг алоҳида бир туридир. Булар ўзига хос хусусиятлари билан топонимларнинг бошқа турлари, чунончи, ойконимлар, гидронимлардан фарқланади.

Оронимлар ўз таркибига қуйидаги объект номларини

бирлаштиради: 1) тоғ номларини: Оқтоғ, Қоратоғ, Лангартоғ, Қатронтоғ, Асқартоғ, Боботоғ, Белтоғ, Сувсизтоғ, Қўнғиртоғ, Олтинтоғ, Қизтоғ, Қубатов, Мурунтоғ, Етимтоғ, Олатоғ, Қўталтоғ, Супатоғ, Шертоғ; 2) тепа номларини: Белтепа, Тоштепа, Ялпоқтепа, Чоштепа, Ғортепа, Қўштепа, Қоровултепа, Қўтонтепа, Бешиктепа, Кампиртепа, Бағиртепа, Айғиртепа, Асқартепа, Ёртепа, Етимтепа, Зангтепа, Киндиктепа, Наврўзтепа, Лоппитепа, Посбонтепа, Кўлтепа, Қаритепа, Қашқатепе, Бобиртепа; 3) қир номларини: Узунқир, Бўйинқир, Бўлакқир, Дарвозақир, Асқарқир, Қорақир, Оққир; 4) чўққи номларини: Тумшукчўққи, Оқчўққи, Қорачўққи, Бургутчўққи, Асқарчўққи, Етимчўққи; 5) дара номларини: Мергандара, Гўрдара, Поёндара, Жизакдара, Оқдара, Мағолдара, Кўрдара, Саксондара, Саридара, Чилдара, Чўяндара, Ғўримдара, Ҳайрондара, Ғўрдара, Беркдара, Тузлокдара, Чоҳакдара, Терсдара, Бешдара, Дараитут, Пўстиндара; 6) доvon ва бел номларини: Оқдовон, Қамчиқ доvони, Олабел, Қумбел, Оқбел, Қорабел, Қашқабел, Каттабел, Тутакбел, Қизилбел, Совурбел, Тупроқбел; 7) қоя номларини: Қизилқоя, Ғажирқоя, Қатқоя, Ҳасанқоя, Оққоя, Қўшқатқоя, Қорагилқоя; 8) қия номларини: Айриқия, Сариққия, Қорақия, Қизилқия, Оққия, Ёмонқия, Лочинқия; 9) камар номларини: Каттакамар, Қоракамар, Қўшкамар, Еркамар, Откамар, Девкамар, Ажинакамар, Сарикамар, Чийкамар, Заркамар; 10) тош номларини: Полвонтош, Сандиқтош, Сандаптош, Одамтош, Айвонтош, Айритош, Қизтош, Туятош, Қўрғонтош, Супратош, Дастортош, Дўғиртош, Ёмонтош, Жувозтош, Келитош, Қўтиртош, Керагаттош, Чўмтош, Утовтош; 11) дўнг номларини: Қорадўнг, Бойдўнг, Бўздўнг; 12) зов номларини: Каттазов, Қизилзов, Кўкзов кабилар.

Бундан ташқари, республикамизнинг жанубий вилоятлари ҳудудларида газа, танги, ўр, кам, сирт, ғўрим, учма, тахта, ховар, думалоқ, қовоқ, тумшук, чамбар, ширам, суйри, айри, буйноқ, депсан, қопчиғай, ёна, қайир, қўл, чағал, даҳана сингари индикаторлар орқали ясалган оронимлар ҳам учрайди. Номшунос олим, профессор Т.Нафасовнинг ёзишича, газа – тоғ этаклари ва нотекис адирларда қирсимон чўзиқ баландликларнинг ошиб ўтадиган йўли бўлган қисми; танги – тор дара, сиқик жой, икки ён томонидаги қирсимон тизмаси бир-бирига яқин, зич бўлган жой; ўр – юқори, тоғга кўтарилиш ери, баланд жой; кам – камар; сирт – кичик тепа; ғўрим – тоғ чўққиси, умуман баландликдан қуйига нураб тушган тошлар уюми; учма – қоя, тик ён бағирлик; тахта – тоғ бағри, тепаларнинг ёнбоши ёки уст қисмида бирон томонга чўзилган текислик; ховар – адирли жойлар ва тоғ этакларидаги текис майдон; думалоқ – айлана шаклидаги баландлик, қўлда ясалган тепалик;

қовоқ – бұртиб чиққан чўзиқ баландлик; тумшуқ – тоғ ёки йирик баландликларнинг бұртиб чиққан дўнг қисми; чамбар – баландлик, қир; ширам – тоғ бағридан қуйи томон давом этган чўзиқ баландлик, узун қир, тизма; суйри – конуссимон баландлик; айри – ўрқачсимон кичик тепалари бўлган баландлик; бўйноқ – баландлик; тоғ тизмаларининг тор, ингичка, сиқик жойи; икки баландликни туташтирган оралик; депсан – тоғ этакларининг энг қуйи қисми ёки текислик жойларида учровчи уст томони ясси бўлган баландлик; қопчиғай – икки томони тик тизма (қир, қоя, чўққи) бўлиб, узунасига чўзиқ, тагида сув оқадиган ўзани бўлган дара; ёна – қир, адирларнинг ён бағри; қўл – тоғдан қуйи томон ажралиб чиққан тизма, чўзиқ баландлик, қир; чағал – тоғ бағрида юзаси майда тош билан қопланган жой; даҳана – тор дара, даранинг танг жойи маъноларини ифода қилади.

Қуйида мазкур индикаторлар асосида вужудга келган, улар ёрдамида ҳосил қилинган оронимларга мисоллар келтирамиз: Очгаза, Яйлоқгаза, Оқгаза, Тўқгаза, Қорагаза, Шергаза, Бойиргаза, Қоратанги, Оқтанги; Шодмонўр, Қашқайр; Хидиркам, Дарвозакам, Сарсонкам; Каттасирт, Кичиксирт, Ичаксирт, Қорасирт, Беллассирт; Қорағўрим, Каттағўрим, Кичикғўрим, Сарикғўрим; Ғўримдара, Ғўримтепа; Молучма, Қўшучма, Бурунучма; Каттатахта, Бештахта; Каттаховар, Кичикховар; Оқдумалоқ, Қорадумалоқ, Кўкдумалоқ; Жомқовоқ, Кичикқовоқ; Айланатумшуқ, Ўртатумшуқ, Юқоритумшуқ, Қизилтумшуқ, Кичиктумшуқ, Мергантумшуқ, Оқтумшуқ, Тумшуқтоғ, Тумшуқчўққи; Каттачамбар, Кичикчамбар; Муллаширам, Бўлакширам, Қизилширам, Узунширам; Қорасуйри, Оқайри, Қораайри; Туябўйноқ, Оқбўйноқ, Кўкбўйноқ; Каттадепсан, Кичикдепсан; Оққопчиғай, Қўшқопчиғай, Кўрқопчиғай, Қопчиғайболо; Оққўл, Бешқўл; Оқчағал; Оқдаҳана, Бўридаҳана ва бошқалар.

Оронимлар қўйидаги хусусиятларга кўра ном олган:

1) объектнинг ранг белгисига кўра: Оқтоғ, Қоратоғ, Оқбош, Олабел, Олатов, Оқнура, Оқтепа, Қоратепа, Қорабел, Қорақир, Оқдара, Қорақия, Қизилтепа, Қоратанги, Сариктепа кабилар. Оронимияда оқ сўзи–баланд, юксак, катта, улкан; қора сўзи–паст, қуйи; баландлик кўлами кичик маъноларини билдиради: Оқтоғ – баланд, юксак тоғ, қор билан қопланган тоғ; Қоратоғ – паст тоғ; Оқтепа – баландроқ тепа, Қоратепа–пастроқ тепа; Оқдовон – катта ошув, баланд доvon; Оққир–катта ва баланд қир; Оққоя – энг баланд қоя; Қорагаза - паст газга, кичик газга; Қорақир – юксаклиги пастроқ қир кабилар.

2) объектнинг ҳажми, ўлчовига кўра: Каттаховар, Каттадепсан, Каттатахта, Каттасирт, Каттағўрим, Кичикховар, Кичикдепсан,

Узунқир, Узунмўла, Торқопчиғай, Ялпоқтепа сингарилар.

3) киши исмлари билан аталган: Шодмонўр, Каримқир, Усмондара, Махмудтепа, Қорабойтепа, Ҳасанқоя, Жаббортепа кабилар.

4) этнонимлар асосида номланган: Баҳринтепа, Бағиштепа, Ҳайрондара, Дараихитой, Даражову, Дараитурк, Қурама тоғи, Мергандара, Моғолдара, Қалмоққир, Хуросонтепа ва бошқалар.

5) флора ва фаунага боғлиқ ҳолда ном олган: Олволидара, Дараитут, Бургутчўққи, Ғажирқоя, Паландара, Оққамиштепа, Ғаровтепа, Чийкамар, Қоплонқир, Лочинқия, Откамар, Писталитоғ, Пиёзлитоғ кабилар.

6) орообъектнинг микдорий белгиси асосида номланган: Учтепа, Бештепа, Қўштепа, Мингтепа, Етимтепа, Қўшкамар сингарилар.

7) ўхшатиш тамойили асосида юзага келган оронимлар: Қўйтош, Сандиқтош, Сандаптош, Одамтош, Айвонтош, Такатош, Отёлиқум, Эгартоғ, Дўмбиратоғ, Саллаличоп, Тухумтепа, Супатоғ, Ноғоратепа, Туясингир, Туябўйноқ, Туятош, Ичаксирт, Дурбинтепа, Бешиктепа, Киндиктепа, Эгарбелитоғ кабилар.

8) объектда рўй берган маълум воқеа-ҳодиса асосида номланган оронимлар: Такайиқилди, Айиқучди, Туркманучди, Отучган, Қизучган, Нодиручган, Яхшибойучган, Саодатучган. Булар қир ва чўққи номларидир.

Таъкидлаш лозимки, оронимларнинг баъзилари бугунги кунда ойконимларга кўчган, улар аҳоли масканлари номлари сифатида ишлатилади. Буларни ороойконимлар деб аташ мумкин. Буларга Оқтепа, Қоратепа, Қизилтепа, Қумтепа, Учтепа, Бештепа, Тоштепа, Қамиштепа, Ялпоқтепа, Юмалоқтепа, Ясситепа, Йўфонтепа, Тўқайтепа, Жартепа сингари қишлоқ номларини мисол қилиб келтириш мумкин.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Оронимлар деб нимага айтилади? Уларга қандай объект номлари киради?
2. Ороним, оронимия, оронимика атамаларига изоҳ беринг.
3. Оронимларнинг номланиши ҳақида сўзланг.
4. Ўзингиз яшаётган ҳудуддан оронимларга мисоллар келтиринг.
5. Оронимик индикаторлар ҳақида маълумот беринг.
6. Ороойконим нима? Оронимларнинг ойконимларга кўчиши қай ҳолатда юз беради? Шулар хусусида билганларингизни гапиринг.

АДАБИЁТЛАР

1. Қораев С. Географик номлар маъноси. Тошкент, 1978.
2. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1988.
3. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. Тошкент, 1985.
4. Ономастика Ўзбекистана. Ташкент, 1987.
5. Ономастика Ўзбекистана. Ташкент, 1989.

ТОПОНИМЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Таянч тушунчалар: содда топонимлар – бир сўз билан ифодаланган жой номлари; қўшма топонимлар – икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ясалган жой номлари; ономастик конверсия – ономастика доирасига кирувчи этноним, антропонимлардан ясалган топонимлар; аффиксация усули – сўз ясовчи қўшимчалар воситасида ясалган топонимлар; синтактик - лексик усул – сўз бирикмалари асосида юзага келган қўшма топонимлар.

РЕЖА:

1. *Топонимларнинг ономастик конверсия усули билан ясалиши.*
2. *Аффиксация усули воситасида ясалган топонимлар.*
3. *Топонимларнинг синтактик - лексик усул билан ясалиши.*
4. *Қўшма топонимларнинг ясалишида индикаторларнинг роли.*

Жой номларининг ясалиши моҳият эътибори билан сўз ясалишдан жиддий фарқ қилмаса-да, лекин ўзига хос айрим белгиларига эга. Топонимлар асосан ономастик конверсия, аффиксация ҳамда синтактик-лексик усуллар билан ясалади.

Ономастик конверсия усули топонимлар ясалишида алоҳида ўрин тутди. Ономастик конверсияни икки турга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) ички конверсия, 2) ташқи конверсия. Ономастика доирасига кирувчи этноним, антропонимлардан топонимлар ясалса, ички ясалиш дейилади. Ташқи конверсияда топонимлар

ономастик тизимдан ташқарида бўлган отлардан ясалади.

Топонимларнинг ички конверсия усули билан ясаши кўп учрайди. Булар қуйидаги кўринишга эга: 1) этнонимларнинг топонимлашуви; 2) антропонимларнинг топонимлашуви.

Этнонимларнинг бирон бир қўшимча элемент қабул қилмасдан тўғридан-тўғри жой номига кўчиши (топонимлашуви) ўрганилаётган ҳудудда анча сермахсулдир. Дарҳақиқат, этнонимларнинг топонимлашувини тубандагича кўрсатмоқ мумкин:

- 1) туб этнонимларнинг топонимлашуви: жалойир – Жалойир, дўрмон – Дўрмон, қирқ – Қирқ, сарой – Сарой, яшиқ – Яшиқ, қаҳат – Қаҳат, телов – Телов кабилар.
- 2) ясама этнонимларнинг топонимлашуви: овчи – Овчи, балиқчи–Балиқчи, қушчи–Қушчи, қўчқорчи–Қўчқорчи, туячи–Туячи, болғали–Болғали, такали–Такали, тоғлиқ–Тоғлиқ сингари.
- 3) қўшма этнонимларнинг топонимлашуви: қорабўйин–Қорабўйин, бешбола– Бешбола, еттиқашқа – Еттиқашқа, бешэчки – Бешэчки, қорақўйли–Қорақўйли, қоракалтак–Қоракалтак, бешқовоқ–Бешқовоқ, оқбуйра–Оқбўйра, бешкал–Бешкал, оқэчки–Оқэчки, оқтўнли–Оқтўнли, оқтумор–Оқтумор, қорақўрпа–Қорақўрпа ва бошқалар.

Топонимларнинг маълум бир қисми антропонимларнинг конверсия усули билан жой номига кўчиши асосида юзага келган. Уларнинг турлари қуйидагича:

- 1) содда антропонимларнинг топонимлашуви: Собиржон (киши исми) – Собиржон (қишлоқ номи), Сулаймон (шахс оти) – Сулаймон (қишлоқ номи), Салим (киши исми) –Салим (қишлоқ номи) кабилар.
- 2) "киши исми+лақаб" кўринишидаги қўшма антропонимларнинг топонимлашуви: Каримдемона, Ҳасанқора, Муродқўса, Ҳасанқовоқ, Холдемона, Солимахсум сингарилар.
- 3) "шахс исми+мансаб номи" кўринишидаги антропонимларнинг топонимлашуви: Холматдодхо, Холдемонбек, Ашурқози, Мансурамин, Ашурқулмерган, Қурбонмерган, Алимерган, Шералимингбоши, Ҳамдамоталиқ, Ниёзботир ва бошқалар.
- 4) "шахс исми+этник ном" кўринишидаги антропонимларнинг топонимлашуви: Қурбонқашқар, Қосимавғон, Олимбалиқчи кабилар.

Ўлкамизда ташқи конверсия усули билан ясалган топонимлар ҳам мавжуддир. Булар қуйидаги кўринишларга эга:

- 1) ўсимлик номларининг топонимлашуви: чинор– Чинор, сада–

Сада, чилон—Чилон, қайрағоч—Қайрағоч кабилар.

2) жуғрофий атамаларнинг топонимлашуви: булоқ—Булоқ, чашма—Чашма, камар—Камар, тўқай—Тўқай, қалъа—Қалъа, равот—Равот, майдон—Майдон сингарилар.

3) мансаб, амал номларининг топонимлашуви: додҳо—Додҳо, баковул—Баковул, понсод—Понсод, оталиқ—Оталиқ, дастурхончи—Дастурхончи, тўқсоба—Тўқсоба, ғазначи—Ғазначи ва бошқалар.

4) касб - ҳунар номларининг топонимлашуви: милтиқчи—Милтиқчи, ўқчи—Ўқчи, темирчи—Темирчи, қоғозгар—Қоғозгар, носгар—Носгар, сандиқчи—Сандиқчи, оҳакчи—Оҳакчи, пичоқчи—Пичоқчи, пиёзчи—Пиёзчи, кигизчи—Кигизчи сингарилар.

Республикамиз жой номлари тизимида аффиксация усули билан ясалган топонимлар алоҳида ўринни ташкил этади. Буни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1)-зор қўшимчали топонимлар. Ушбу аффикс билан шаклланган топонимлар сўз ўзагидан англашилган предметнинг кўп бўлган жойини ифода қилади: Юлғунзор, Қуроқзор, Олмазор, Теракзор, Узумзор, Шафтолизор, Бодомзор, Тутзор, Жийдазор, Толзор, Ғайнолизор, Себзор (тожикча себ-олма), Олвализор (тожикча олва-олча), Регзор (тожикча рег-қум), Каварзор, Сангзор (тожикча санг-тош), Қумзор ва бошқалар.

2) -лоқ қўшимчали топонимлар. Ўрин-жой маъносини ифодаловчи бу қўшимча отларга қўшилиб, ундан англашилган предмет, нарсани ўрнини, унинг мўллигини билдирадиган топонимлар ҳосил қилади: Тошлоқ, Қумлоқ, Санглоқ (санг-тош, санглоқ-тошли жой).

3) -истон қўшимчали топонимлар. -Истон қўшимчаси асосдан англашилган нарсани, предметни кўп бўлган жойни билдирадиган жой номлари ясайди. Бу қўшимча билан ясалган топонимларнинг асос қисми тожикча сўзлардан ташкил топган: Найистон (най-қамиш), Сангистон (санг-тош), Хористон (хор-тикан), Регистон (рег-қум), Боғистон, Шўристон (шўр тупроқли жой) сингари.

4)-лик, -лиқ қўшимчали топонимлар: Жийдалиқ, Ёнғоқлик, Дегрезлик, Мисгарлик, Заргарлик, Чармгарлик, Совунгарлик, Тераклик, Қудуқлик, Бўстонлик, Чимбойлик ва бошқалар.

5)-чилик қўшимчали топонимлар: Тароқчилик, Кетмончилик, Жиякчилик, Кўнчилик, Қошиқчилик, Эгарчилик, Кигизчилик, Пичоқчилик, Бўрчилик кабилар.

6)-ли қўшимчали топонимлар. Бу аффикс билан шаклланган топонимларнинг маълум бир қисми ўсимлик ва дарахт номларини билдирадиган сўзлардан ташкил топган бўлиб, бирон ўсимлик ёки

дарахтнинг ўша ерда кенг тарқалганлигини англатади: Ғўмайли, Пистали, Ёнғоқли, Олчали, Бурганли, Толли, Тутли, Узумли, Анжирли, Ўрикли, Тиконли, Ажирикли ва бошқалар.

Республикамиздаги топонимларнинг катта бир қисми синтактик-лексик усул воситасида ясалган. Синтактик-лексик усул билан сўз ясалиши сўз бирикмасининг сўз (лексема)га айланиши демакдир. Бунда тил тараққиёти жараёнида маълум турдаги сўз бирикмаси ягона лексик маъно касб этиб, синтактик бирликдан лексик бирликка айланади – қўшма сўз юзага келади (А.Ҳожиев. Ўзбек тили сўз ясалиши. Тошкент, 1989, 30-бет). Масалан, Янгиқўрғон, Қоратепа, Сариксув, Шўртепа, Оқжар каби топонимлар қўшма сўзлардир. Сўз ясалишининг бу усули лексикализация усули деб ҳам юритилади (Н.Маматов. Ўзбек тилида қўшма сўзлар, Тошкент, 1982, 142-бет). Сўз бирикмаларининг лексикализация воситасида қўшма топонимга айланишини қуйидаги турларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Сифатловчили (ёки битишув муносабатидаги) сўз бирикмаларининг қўшма топонимга айланиши: шўр сув > Шўрсув, катта қўрғон > Каттакўрғон, янги ер > Янгиер, қора сув > Қорасув, оқ тепа > Оқтепа сингарилар.

2. Қаратқичли (ёки мослашув муносабатидаги) сўз бирикмаларининг қўшма топонимга айланиши. Бундай қўшма номлар қаратқичли сўз бирикмаларининг соддалашуви (ихчамлашуви) натижасида пайдо бўлади. Қаратқичли бирикмалар таркибидаги қўшимчаларнинг тушиб қолиши ҳодисаси икки кўринишга эга:

1) қаратқич ва эгалик қўшимчаларининг тушиб қолиши.

Бунда аввал қаратқич (-нинг), сўнг эгалик (-и) қўшимчаси тушади: Дўсматнинг чеки > Дўсмат чеки > Дўсматчек, Олимнинг тўқайи > Олим тўқайи > Олимтўқай, Умарбекнинг гузари > Умарбек гузари > Умарбекгузар каби. Ариқёқа, Кўлёқа, Мирзаорол, Жабборсой, Бегимжонтепа, Мирзаравот, Ҳасанқўрғонча, Жалолқудуқ топонимлари ҳам юқоридаги гуруҳга мансубдир.

2) қаратқич қўшимчасининг тушиб қолиши. Мазкур кўринишдаги топонимларда қаратқич белгиси -нинг тушади, лекин III шахс эгалик қўшимчаси сақланади: Ариқнинг боши > Ариқбоши, Кўлнинг бўйи > Кўлбўйи, Ўрданинг таги > Ўрдатаги. Бундай қўшма жой номларининг иккинчи қисмида бош, бўй, лаб, таг, оғиз сўзлари қатнашади: Булоқбоши, Тегирмонбоши, Тўғонбоши, Бозорбоши, Сойбўйи, Ариқбўйи, Кўлбўйи, Каналбўйи, Сойлаби, Кўллаби, Чинортаги, Тепатаги, Кўчаоғзи, Дарвозаоғзи кабилар.

3) тўлдирувчилик (ёки бошқарув муносабатидаги) сўз бирикмаларининг қўшма топонимга айланиши. Бунда сўз бирикмалари қўшма сўзга айланганда деаффиксация, яъни -ни қўшимчасининг тушиши ҳодисаси кузатилади: Олтинни топган > Олтинтопган, Тиллони топган>Тиллотопган. Тошкесар, Паттакесар, Газқазган, Бедабосган, Тангатоппи,Отқамар, Отювар топонимлари ҳам бунга мисол бўла олади.

Яна шуни айтиш ўринлики, тилимизда гап шаклидаги синтактик бирликларнинг қўшма топонимга айланиши ҳодисаси ҳам мавжуддир. Дарҳақиқат, қўшма жой номларининг маълум бир қисми содда йиғиқ гапларнинг бир сўзга айланиши натижасида вужудга келган. Сойкелди, Қумбосди, Серқақирилди, Туяқисилди, Тақайқилди, Хўжаўлди, Мирўлди, Айиқучди, Илонўтди, Одамўлди, Келинучди, Қорёғди, Кампирўлди, Чопонкуйди топонимлари шундай номлар жумласидандир.

Қўшма топонимлар морфологик материалга кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. От+от қолипидаги қўшма топонимлар. Бундай номларнинг биринчи қисми антропоним, этноним, фитоним, зоонимлардан ҳамда касб-ҳунар номлари, рельефни билдирувчи сўзлардан ташкил топади: Ғаниқишлоқ, Ҳайитқишлоқ, Ҳасанқўрғонча, Жабборсой, Комилчўли, Ризомаҳалла, Қипчоққўрғон, Қипчоқариқ, Қирғизқишлоқ, Тожиқовул, Арабмозор, Авғонбоғ, Қашқаргузар, Жийдақишлоқ, Теракмозор, Анжирбоғ, Тутариқ, Толқишлоқ, Зарғалдоқкўл, Чумчуқжар, Лайлаккўл, Дўлтақамар, Кийиктоғ, Темирчимаҳалла, Заргарқалъа, Баззозовул, Жарқишлоқ, Дўнқишлоқ, Тепақўрғон, Тўқайтепа ва бошқалар.
2. Сифат+от қолипидаги қўшма топонимлар. Бу гуруҳ топонимларни қуйидаги турларга бўлиб ўрганиш мумкин:
 - 1) ранг-тус билдирувчи сифатлар билан отнинг бирикувидан ясалган қўшма топонимлар: Оқтепа, Оқжар, Оққўрғон, Оқкўл, Қорақум, Қорақўл, Қорабулоқ, Қорасой, Кўкорол, Кўксув, Кўктепа, Кўқдарё, Қизилтепа, Қизилжар, Қизилравот, Қизилтош, Сариқсув, Сариқтепа, Сариқучма қабилар.
 - 2) кўлам билдирувчи сифатлар билан отнинг бирикувидан ясалган қўшма топонимлар: Каттақўрғон, Каттақишлоқ, Каттасой, Каттагузар, Кичикқўрғонча, Кичикдарё, Кичикмаҳалла, Баландқишлоқ, Баландравот, Пастқишлоқ, Пастгузар, Юқориқишлоқ, Юқориовул, Ўртатўқай, Ўртақишлоқ, Қуйиқишлоқ, Қуйигузар, Қуйибоғ, Узунбулоқ, Узунқудуқ, Узунтепа, Калтакўл, Калтасой, Чуқурқишлоқ, Чуқуровул, Чуқурсой, Кенгсой, Кенгкўл, Кенгжилға, Торжилға, Торқопчиғай, Торариқ, Йўғонтепа,

Ялпоқтапа, Ясситепа, Юмалоқтапа, Думалоқкўл, Эгриқўтон кабилар.

3)маза-таъм билдирувчи сифатлар билан отнинг бирикувидан ясалган қўшма топонимлар: Шўрсув, Шўрқудуқ, Шўркўл, Шўрсой, Аччиқкўл, Аччиқсой, Аччиққудуқ, Ширинбулоқ, Ширинқудуқ, Чучукбулоқ, Чучукқудуқ сингарилар.

4)ҳид, ҳарорат билдирувчи сифатлар билан отнинг бирикувидан ясалган қўшма топонимлар: Сассиқкўл, Сассиқсой, Сассиққовуз, Иссиқбулоқ, Илиқбулоқ, Совуқбулоқ кабилар.

5)умумий баҳо билдирувчи сифатлар билан отнинг бирикувидан ясалган қўшма топонимлар: Янгиқишлоқ, Янгиқўрғон, Янгиариқ, Янгичек, Янгиовул, Эскиқишлоқ, Эскиқўрғон, Эскианҳор, Эскимаҳалла, Кўҳнақишлоқ, Кўҳнабозор, Кўҳнадарё, Ёмонжар, Ёмонсой, Ёмонтош, Ёмонқоя ва бошқалар.

6)ҳолат, хусусият билдирувчи сифатлар билан отнинг бирикувидан тузилган қўшма топонимлар: Қуруқсой, Қуруққайрағоч, Куйиктут, Бузуққўрғон, Ётиқтут, Шўхбулоқ, Тентаксой, Шўхсой, Йўрғабулоқ кабилар.

3. Сон+от қолипидаги қўшма топонимлар. Ушбу қолипда ясалган жой номларининг биринчи қисмлари уч, тўрт, беш, олти, етти, қирқ, минг сингари сўзлар билан ифода қилинган: Учтепа, Учқудуқ, Учариқ, Учқўрғон, Учкўприк, Учсой, Тўрттол, Тўртқудуқ, Тўрткўча, Бешариқ, Бешқўрғон, Бештепа, Бешолиш, Бешёғоч, Бешовул, Олтиариқ, Олтитош, Олтиовул, Олтиқовуз, Еттиқўрғонча, Еттিকেчув, Еттиқудуқ, Еттисой, Қирқкетмон, Қирққўрик, Қирққовуз, Мингбулоқ, Мингтут, Мингжар, Мингқўрик, Мингтепа, Мингчинор сингарилар.

4.Нумератив сўз+от қолипидаги қўшма топонимлар. Бундай топонимларнинг биринчи қисмида якка , ёлғиз, қўш, тўп, қатор, гала сўзлари қатнашади: Яккатут, Яккабоғ, Яккабулоқ, Яккатол, Яккатом, Ёлғизбоғ, Ёлғизбулоқ, Ёлғизтол, Қўштепа, Қўшкўприк, Қўшқўрғон, Қўшариқ, Қўшчинор, Қўшбулоқ, Қўшкечик, Қўшработ, Қўшқишлоқ, Тўптол, Тўпқайрағоч, Тўпсада, Тўпқўрғон, Тўпёнғоқ, Қатортут, Қатортол, Қаторбоғ, Галатут, Галақудуқ, Галатепа, Галакапа, Тўдакўл, Тўдабоғ, Тўдамайдон ва бошқалар.

5. От+феъл қолипидаги қўшма топонимлар. Бу қолипдаги қўшма номлар феъл шаклларининг қўлланишига кўра қуйидаги кўринишларга эга бўлади:

1) от билан -ди қўшимчасини олган ўтган замон феълининг бирикувидан тузилади: Қумбосди, Сойкелди, Тангатопади, Келинбосди, Кўлбосди, Лойбосди, Туяқисилди, Такайиқилди, Туркманучди, Қозонбузди, Мирўлди, Хўжаўлди ва

бошқалар.

- 2) от билан -ган (-кан, -қан) қўшимчали сифатдошнинг бирикувидан тузилади: Қўйботган, Сувбузган, Қумбосган, Қизкетган, Қизучган, Такасакраган, Қозонкетган, Яхшибойучган, Бедабосган кабилар.
- 3) от билан -р, -ар қўшимчали сифатдошнинг бирикувидан тузилади: Туятортар, Паттакесар, Отчопар, Отқамар, Сувчиқар, Пахтақайнар, Сойкечар, Ертешар сингарилар.
- 4) от ва -мас шаклли бўлишсиз сифатдошнинг бирикувидан тузилади: Гадойтопмас, Биясиғмас, Шамолтиймас, Бўриқўрмас, Сувчиқмас, Отчиқмас, Чивинқўнмас ва бошқалар.

6. Феъл+от қолипидаги қўшма топонимлар: Қайнарбулоқ, Оқарбулоқ, Қайнарсой, Оқарсув, Қолгандарё, Кесканёр, Куйганёр, Қолгансой, Куйгантепа, Уйгантош, Куйганжар сингарилар.

Ўзбекистон топонимиясида уч сўзнинг бирикувидан ясалган қўшма топонимлар ҳам учрайди. Бундай номлар морфологик материалга кўра қуйидаги кўринишларга эга:

- 1)от+от+от: Шаҳрихонсой, Мойбулоқсой, Поччаотасой, Дарвозақирсой, Жарқўрғонсой, Фишттепасой, Ҳовузбулоқсой, Толқудуққум, Омонқўтонсой, Тошқўприксой, Хўжапистабува, Мамаюсуфчек, Мирзаолимчек кабилар;
- 2)сифат+от+от: Оққўрғонариқ, Оқтепасой, Қоракўрпасой, Оқтошсой, Қизилолмасой, Кўксаройсой, Оқжарсой, Қоракўлдарё, Қорасувдарё, Оқчопсой, Янгиқўрғонариқ, Қорақизсой, Оқсаройгузар, Оқтепадашт, Қораёғзовур сингарилар;
- 3)сон+от+от: Олтиариқчек, Еттиқудуқсой, Тўртқўлтепа, Бешолишсой, Қирққизтепа, Учқизтепа, Учқизота, Мингжилғасой, Бешарчасой, Бешкапасой;
- 4)нумератив+от+от: Қўштепасарой, Яккабулоқсой, Қўшработсой, Яккаарчасой, Яккатутариқ, Галахирмонжой, Яккабоғдарё;
- 5)от+феъл+от: Қўйқирилганқалъа, Қумбосганқалъа, Қўзиқирилганжар, Тошкесгансой, Аликетганқўл, Онаўлгансой, Ўрискетганқўл, Човдирёрганўзан ва бошқалар.

Шуни қайд этиш лозимки, қўшма топонимлар ясашида ҳамма сўзлар ҳам фаол иштирок этавермайди. Баъзи сўзлар бир ёки икки топоним таркибида қатнашган бўлса, айримлари жуда кўплаб жой номларининг ҳосил бўлишида қатнашади. Бошқача қилиб айтганда, битта сўз бир неча қўшма топонимларнинг юзага келиши учун асос бўлади, ўша номнинг тўлиқ шаклланиши учун хизмат қилади.

Жуғрофий номлар таркибида қўлланувчи бу хил лексемалар топонимик индикаторлар деб юритилади. Топонимик индикаторлар топонимнинг қайси объект номи эканини аниқлаб келиши, қўшма топонимнинг иккинчи қисмида қатнашиши, топонимик сўз ясаш тизимида кўп қўлланиши билан характерланади. Дарҳақиқат, бундай сўзлар қўшма жой номлари ясалишида сўз ясовчи формант вазифасини ўтайди.

Топонимик индикаторлар воситасида шаклланган қўшма топонимларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Ойконимик индикаторлар орқали ясалган қўшма топонимлар. Бу хил жой номлари таркибида қишлоқ (Янгиқишлоқ, Жарқишлоқ, Хўжақишлоқ, Ҳайитқишлоқ, Шўрқишлоқ), овул (Тумановул, Бешовул, Қозоқовул, Қирғизовул, Тўхтаовул), маҳалла (Соймаҳалла, Қуммаҳалла, Жармаҳалла, Чекмаҳалла, Хўжамаҳалла), гузар (Эшонгузар, Тошкентлигузар, Исфарагузар, Сумалакгузар, Қаймоқлигузар), қўрғон (Янгиқўрғон, Тўрақўрғон, Оққўрғон, Қозоққўрғон, Пўлатқўрғон, Хўжақўрғон), қўрғонча (Юсуфқўрғонча, Ҳасанқўрғонча, Қиялиқўрғонча, Арабқўрғонча, Қирғизқўрғонча), кўча (Чуқуркўча, Узункўча, Толкўча, Боғкўча, Пасткўча, Айланмакўча, Тўдакўча) индикаторлари қатнашади.

2. Гидронимик индикаторлар ёрдамида ясалган қўшма топонимлар. Ушбу турдаги қўшма жой номларининг иккинчи компонентида тубандаги индикаторлар иштирок этади: дарё (Сирдарё, Қорадарё, Қолгандарё), кўл (Аччиқкўл, Шайтонкўл, Ойдинкўл, Дамкўл, Қўғаликкўл, Шамсиккўл, Оқкўл, Қораккўл), булоқ (Ойдинбулоқ, Қайнарбулоқ, Ширмонбулоқ, Кандабулоқ, Кўкбулоқ, Оқбулоқ, Совуқбулоқ, Мингбулоқ), сой (Мойлисой, Наймансой, Уйғурсой, Жабборсой, Косонсой, Ғовасой, Чодаксой, Даҳанасой), ариқ (Янгиариқ, Қипчоқариқ, Тошариқ, Дамариқ, Сувлиариқ, Бачқирариқ), сув (Оқсув, Қорасув, Шўрсув, Сариксув), ҳовуз (Гулҳовуз, Узунҳовуз, Тошҳовуз, Бўрҳовуз), қудуқ (Жалолқудуқ, Ширинқудуқ, Жуманқудуқ, Оққудуқ), зовур (Шўрзовур, Илонзовур, Кўкзовур), кечув, кечик (Тошкечув, Откечув, Бойкечик, Қўшкечик), олиш (Учолиш, Бешолиш) ва бошқалар.

3. Оронимик индикаторлар билан ясалган қўшма топонимлар. Буларга тепа (Арзиктепа, Чангалтепа, Қўрғонтепа, Қизилтепа, Қоровултепа, Қўштепа, Қумтепа, Одамтепа, Юмалоқтепа, Шўртепа, Узунтепа, Жартепа), тош (Тешиктош, Қизилтош, Оқтош, Кўктош, Полвонтош), қум (Бошқум, Бўриқум, Сарсонқум, Дарвозақум), қир (Оққир, Қорақир), жар (Ўртажар, Айланмажар, Жомонжар), чўққи (Оқчўққи, Қорачўққи) индикаторлари билан шаклланган жой номлари киради.

4 Агроонимик индикаторлар орқали юзага келган қўшма топонимлар.

Мазкур кўринишдаги топонимларнинг иккинчи қисмида тубандаги индикаторлар иштирок этади: 1) дала сўзи: Шўрдала, Қумдала, Қашқардала, Сурпадала, Пастдала, Узундала, Шопўлатдала; 2) ер сўзи: Чекер, Оқер, Янгиер, Пастер, Қувлаер, Томошаер; 3) чек сўзи: Шўрчек, Ўртачек, Эскичек, Қувлачек, Юқоричек, Янгичек, Пасткичек; 4) тўқай сўзи: Олимтўқай, Қосимтўқай, Шокиртўқай, Тўранғитўқай, Пасттўқай; 5) шох сўзи: Катташох, Ўрташох, Қорашох, Кичикшох; 6) вахим сўзи: Шўрвахим, Узунвахим, Калтавахим, Паствахим, Чўзақвахим; 7) марза сўзи: Райҳонмарза, Қуммарза, Шўрмарза, Ҳилолмарза, Заҳмарза; 8) кўриқ сўзи: Баландкўриқ, Тошкўриқ, Каттакўриқ, Пасткўриқ ва шунинг сингарилар.

5. Драмонимик индикаторлар воситасида ясалган қўшма топонимлар. Бу хил топонимларга йўл индикатори орқали вужудга келган жой номларини киритиш мумкин: Равотйўли, Жийдайўли, Ўртайўл, Ахчайўли, Чекийўли, Каттайўл кабилар.

Булардан ташқари, ўрганилаётган ҳудудда мачит, мазор, бозор, кўприк, боғ индикаторлари орқали ясалган қўшма топонимлар ҳам бирмунча учрайди. Оқмачит, Ғиштлимачит, Сирлимачит, Қуммазор, Шаҳидмазор, Толмазор, Ҳўжамозор, Арабмазор, Жийдамазор, Ёрмазор, Оқмазор; Ёғбозори, Ходебозори, Товуқбозор; Тошкўприк, Қўшкўприк, Бойтакўприк, Ғишткўприк, Баландкўприк, Учкўприк, Лўликўприк; Авғонбоғ, Урганжибоғ, Ўрозбоғ, Янгибоғ, Жийдалибоғ сингарилар шулар жумласига киради.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Топонимлар қандай усуллар билан ясалади?
2. Топонимларнинг ономастик конверсия усули билан ясалиши деганда нимани тушунаси?
3. Қўшма топонимлар морфологик материалига кўра қандай қолип (модел) ларга бўлиб ўрганилади?
4. Ўзингиз яшаётган ҳудуддан қўшма топонимларга мисоллар келтиринг.
5. Уч сўздан ясалган қўшма топонимлар ҳақида сўзланг.
6. Топонимик индикатор нима? Улар қандай турларга бўлинади?
7. Топонимик индикаторлар воситасида шаклланган қўшма топонимларга мисолар айтинг.

АДАБИЁТЛАР

1. Дўсимов З. Шимолий Хоразм топонимларининг ясалиши. Ўзбек

- тили ва адабиёти, 1969, 5-сон.
2. Латипов Ж. Қўшма топонимларнинг ясаши. Ўзбек тили ва адабиёти, 1975, 2-сон.
 3. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. Тошкент, 1985.
 4. Охунов Н. Атоқли отларнинг композиция усули билан ясаши. С. мактаби, 1986, 11 -сон.
 5. Охунов Н. Қўшма атоқли отлар. С. мактаби, 1988, 2-сон.
 6. Охунов Н. Жой номларининг синтактик-лексик усул билан ясаши. Тил ва адабиёт таълими. 1997, 5-6-сонлар.
 7. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаши. Тошкент, 1989.
 8. Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. Тошкент, 1985.

ТОПОНИМЛАР ИМЛОСИ

Таянч тушунчалар: имло тамойиллари; фонетик тамойил; морфологик тамойил; имловий вариантлик.

РЕЖА:

1. *Топонимларнинг фонетик тамойил асосида ёзилиши.*
2. *Жой номларининг морфологик тамойил асосида ёзилиши.*
3. *Топонимлар имлосида вариантлик.*
4. *Қўшма топонимлар имлоси.*
5. *Қўшма жой номларининг ёзилишидаги баъзи бир камчиликлар, чалкашликлар ва уни бартараф этиш йўллари.*
6. *Хулоса.*

Имло– нутқ маданиятининг муҳим масалаларидан биридир. Сўзларни адабий тил меъёрларига асосан тўғри ёзиш–саводхонлик маданийликнинг асосий белгиларидандир. Имло қоидалари муайян тамойиллар асосида ишлаб чиқилади. Бунда фонетик, морфологик, тарихий - анъанавий, фарқлаш, этимологик тамойилларга асосланади. Жой номларининг ёзилишида ҳам мана шу тамойилларга амал қилинади. Биз қуйида жой номларининг ёзилиши хусусида фикр - мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Таъкидлаш жоизки, республикамиз ҳудудидаги топонимларнинг маълум бир қисми фонетик тамойил асосида ёзиб келинади. Бунинг боиси бор, албатта. Ўзбек тили–кўп шева тил. Шунинг учун топонимларда маълум бир ҳудуднинг диалектал хусусиятлари ўз аксини топади. Номларда шевага хос товуш ўзгаришлари, қисқаришга, ихчамликка интилиш сингари ҳодисалар кўп

учрайди. Булар жой номларининг кўпчилигини фонетик тамойил асосида ёзилишини тақозо этади.

Фонетик тамойилга кўра жуғрофий номлар оғзаки нутқда қандай талаффуз қилинса, шундай ёзилади. Бунга мисол тариқасида Бешариқ туманидаги Совуртепа топонимини келтириб ўтиш мумкин. Мазкур атама тарихий манбаларда, хусусан XIX аср Қўқон хонлиги архиви ҳужжатларида Собиртепа шаклида қайд этилган. Ном киши исмларидан бири Собир антропонимига тепа сўзини қўшиш орқали ясалган. Кейинчалик ушбу топоним товуш ўзгаришлари – «б» товушининг «в» га, «и» фонемасининг «у» га ўтиши натижасида «Совуртепа» га айланиб кетган ва бу шакл имлога ҳам шундай ҳолатда кўчган. Фарғона вилоятидаги Бувайда туманининг номи ҳам фонетик тамойил асосида ёзилган. Бувайда Биби Убайда сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шаклидир. Бунда аввал ўхшаш бўғинлардан бири (би+би=би), кейин ёнма - ён келган тор унли (и+у) лардан «и» унлиси тушиб қолган ва интервокал ҳолатда «б» фонемаси «в» товушига ўтган. Натижада Биби Убайда > Бувайда кўринишига келиб қолган. Имло учун номнинг талаффузи асос қилиб олинган.

Айтилиши ёки эшитилишига қараб ёзиладиган жой номларига яна Қўқон шаҳридаги Бойтакўприк, Афғонбоғ, Ғозиёғлиқ, Данғара туманидаги Бойбуча, Аравон, Учкўприк туманидаги Чўмбағиш, Поп туманидаги Бессари, Риштон туманидаги Уйрат, Бағдод туманидаги Чувананчи, Олтинкўл туманидаги Офтобачек, Охунбобоев туманидаги Қайилма, Ўзбекистон туманидаги Жомонжар, Тўқсава, Бешариқ туманидаги Чорвоқтўранғи, Марғилон шаҳридаги Машат, Самарқанд вилоятидаги Жуз, Жетиурув, Қашқадарё вилоятидаги Сиёб, Пайшанби, Шанби, Десурх, Дешкон, Бузравот, Аччиқудуқ, Аччидарё, Чуччибулоқ, Сурхондарё вилоятидаги Дебодом, Деболо топонимлари мисол бўла олади. Мазкур топонимлар келиб чиқишига кўра дастлаб Бойбўтакўприк, Афғонбоғ, Ғозоёқли, Бойбувича, Арабон, Чўнгбағиш, Бешсари, Уйрот, Чубаланчи, Офтобачичек, Қайирма, Ёмонжар, Тўқсоба, Чорбоғтўранғи, Машад, Юз, Еттиуруғ, Сиёҳоб, Пайшанба, Шанба, Деҳисурх, Деҳишайхон, Бузругравот, Аччиққудуқ, Аччиқдарё, Чучукбулоқ, Чучукқудуқ, Қорақушчи, Деҳибодом, Деҳиболо кўринишларида шаклланган. Кейинчалик бора - бора оғзаки нутқда турли фонетик ўзгаришларга учраб юқоридаги ҳолатларда айтиладиган бўлиб кетган. Мана шу талаффуз уларнинг ёзилиши учун асос вазифасини ўтаган.

Демак, юқоридагилардан англашиладигани, жой номлари фонетик тамойил асосида ёзилганда, уларнинг талаффуз хусусиятлари

назар-эътиборга олинади. Бунда топонимларнинг талаффузи билан ёзувида маълум даражада умумийлик сақланади.

Топонимларнинг ёзилишида морфологик тамойил муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Жой номларининг салмоқли қисми мана шу асосда ёзилади. Бу тамойилга кўра топонимлар айтилишига мос равишда эмас, балки аслига мувофиқ ёзилади. Чунончи, Фурқат туманидаги Қушчи қишлоғининг номи оғзаки нутқда Қуччи деб айтилади. Сўз таркибидаги «ч» товушининг ўзидан олдинги «ш» товушига таъсир этиб, уни ўзига айнан ўхшатиб олиши номнинг шундай талаффуз қилинишига олиб келган. Аммо мазкур топоним гарчи Қуччи шаклида айтилса - да, аслига кўра Қушчи кўринишида ёзила беради. Наманган шаҳридаги Сардоба топоними ерли аҳоли нутқида рд>дд, б>в тарзида товуш ўзгаришига учраб Саддова деб талаффуз этилади. Лекин имлода унинг Сардоба ҳолати сақланади. Қўқон шаҳридаги Дегрезлик гузарининг номи жонли сўзлашувда Дерезли тарзида айтилади, бироқ морфологик тамойилга асосан Дегрезлик ёзилади.

Шунингдек, Избоскан туманидаги Даминбойчек топоними—Дамбойчек, Пахтаобод туманидаги Тўпобжувоз топоними — Тўпажувоз, Тўрақўрғон туманидаги Ёндама топоними—Яндама, Учкўприк туманидаги Турғоқ топоними — Турвоқ, Бешариқ туманидаги Шоберди топоними — Шоварди, Фурқат туманидаги Шотўра топоними — Шотира, Шунқор топоними — Шумқор, Данғара туманидаги Бойбўта топоними—Бойта, Ўзбекистон туманидаги Ашуркулмерган топоними—Ашқулмерган, Жалолқудуқ туманидаги Шаҳрихончек топоними—Шархончек, Андижон туманидаги Ёйилма топоними — Яйилма, Янгиқўрғон туманидаги Сутлибулоқ топоними — Суттибулоқ, Поп туманидаги Жарқўтон топоними — Жарқўтан, Риштон туманидаги Қашқарён топоними — Қошқайрон, Тўрақўрғон туманидаги Хўжанд топоними — Хўжант, Бувайда туманидаги Понсод топоними — Понсот каби талаффуз қилинса ҳам, ёзувда морфологик тамойил асосида аслига мувофиқ ёзилади.

Ўрни келганда шуни айтиш зарурки, жуда кўплаб жой номлари газета ва журнал саҳифаларида, расмий ҳужжатларда асосан тўғри ёзиб келинмоқда. Аммо шунга қарамасдан бу борада баъзи камчиликлар ҳам мавжуд. Чунончи, айрим жой номлари йўл кўрсаткичларида, кўча ва бекатлардаги ёзувларда, автобус пештоқидаги лавҳаларда ҳар хил тарзда ёзиб келинмоқдаки, бу билан ёзма нутқ маданиятига эришиб бўлмайди. Бекобод топонимининг Беговот, Беговат, Жалойир топонимининг Жалаер, Жалоер, Жалайил, Қорабағиш топонимининг Қорабоғиш, Қорабоғич шаклида ёзиб келинаётганлиги фикримизнинг далили бўла олади.

Маълумки, тилимиздаги баъзи сўзлар имло жиҳатидан икки хил шаклда ёзилади: баробар-баравар, гадо-гадо, набира-невара, подшо-подшоҳ каби. Орфографик вариантлик жой номларига ҳам хосдир. Топонимларнинг имло вариантлари кўпинча ном таркибида рўй берган товуш ўзгаришлари натижасида юзага келади. Дарҳақиқат, номлардаги вариантлик айтиб бир топонимнинг ҳудудлараро икки хил шаклда ёзилишини тақозо этади. Вариантлардан бирининг ёзилишига номнинг асл келиб чиқиш ҳолати (морфологик тамойил) асос бўлса, иккинчисига унинг маҳаллий аҳоли нутқидаги талаффузи (фонетик тамойил) эътиборга олинади. Бунга араб этноними асосида юзага келган Арабон топонимининг ёзилиши яққол мисол бўла олади. Мазкур топонимнинг Вобкент, Қизилтепа, Шаҳрисабз туманлари ҳудудига алоқадор бўлганлари – Арабон тарзида, Данғара тумани ўрамага қарашлиси эса Аравон шаклида ёзилади.

Икки хил шаклда ёзилдиган жой номларига яна тубандагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: Работ (Бойсун, Сайхунобод туманлари) –Равот (Андижон, Мархамат, Косонсой, Уйчи, Шаҳрихон, Иштихон, Фориш туманлари), Қорабўйин (Бешариқ, Шаҳрихон, Чироқчи, Бойсун, Шаҳрисабз туманлари) – Қорамўйин (Жомбой, Пастдарғом туманлари), Чорбоғ (Нарпай, Фориш, Олот, Бойсун, Учкўприк, Тўрақўрғон туманлари) – Чорвоқ (Асака, Бўстонлиқ, Шаҳрисабз, Хатирчи туманлари), Чубаланчи (Янгибозор тумани) – Чуваланчи (Бағдод тумани), Юз (Қува тумани) –Жуз (Чироқчи тумани), Дуоба (Чуст тумани) – Дуғоба (Зомин, Олтинсой, Бойсун туманлари), Ёмонжар (Қува тумани) – Жомонжар (Ўзбекистон тумани), Арлот (Касби, Китоб, Иштихон, Нурота туманлари) – Олот (Бухоро вилояти), Арғун (Навоий, Денов туманлари) – Арғин (Асака, Қибрай, Ўрта Чирчиқ туманлари), Ёв (Учкўприк тумани) – Жов (Бувайда тумани), Афғонбоғ (Ғузор тумани) – Авғонбоғ (Қўқон шаҳри), Ём (Зомин тумани) – Жом (Самарқанд вилояти) ва бошқалар.

Ўрни келганда яна шуни таъкидлаш лозимки, қўшма топонимларнинг ёзилишида ҳам қатор чалкашликларга йўл қўйилаётганлигига гувоҳ бўламиз. Маълумки, қўшма топонимлар икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг бирикувидан ташкил топади, бир тушунча билдиради, бир бош урғу билан айтилади: Жийдақишлоқ, Янгиариқ, Оқсой, Оқтепа, Қўшкўприк, Қоратоғ, Қозоқовул, Шоҳимардонсой, Қоракўрпасой, Деҳқонтўдасой сингари. Қўшма жой номларининг қисмлари қўшиб ёхуд ажратиб ёзилади. Амалдаги қоидаларда иккинчи қисми турдош отлар (дарё, сой, ариқ, қўрғон, қишлоқ, тепа, овул, кўприк, гузар каби сўзлар)дан тузилган қўшма

топонимларнинг қисмлари ўзаро бир-бирига қўшиб ёзилиши уқтирилади: Сирдарё, Оқдарё, Қувасой, Даҳанасой, Бешариқ, Учариқ, Янгиқўрғон, Тўрақўрғон, Жийдақишлоқ, Гулқишлоқ, Оқтепа, Қоратепа, Бешовул, Тумановул, Тошкўприк, Фишткўприк, Сумалакгузар, Исфарагузар каби.

Лекин матбуот нашрларининг баъзиларида бу қоидага етарли аҳамият берилмаяпти. Юқоридаги қолипда тузилган топонимларнинг айримларини Янги қўрғон, Янги қишлоқ, Қум қишлоқ, Ғалла орол, Оқ булоқ, Али овул, Тўй тепа, Тўқай тепа, Хирмон тепа, Қоровул бозор, Чош тепа, Бўри жар, Катта қишлоқ, Чуқур қишлоқ, Қайрағоч овул тарзида ёзилганлиги бунга мисол бўла олади. Ҳолбуки қайд этилган жой номларининг қисмлари қўшиб ёзилиши керак эди.

Шуниси қизиқки, газета ва журналларда қўшма жой номлари айрим ҳолатларда чизиқча билан ажратилиб ёзилмоқда. Арпа-поя, Қора-қамиш, Гуруч-ариқ, Куйган-ёр, Беш-қайрағоч топонимларининг шу зайлда ёзилганлиги фикримиз далилидир. Бу имло қоидаларига мутлақо зиддир. Юқорида қайд этилганидек мазкур номларнинг таркибий қисмлари ўзаро қўшиб ёзилиши даркор.

Бундан ташқари, қўшма ўрин-жой номларининг баъзан Лаби Ҳовуз, Ўрта Овул, Қизил Тепа, Қўтир Булоқ, Қизил Қия, Такиён Тепа, Қиз Мозор тарзида ёзилаётганлиги ҳам кўзга ташланмоқда. Қоидага кўра мазкур номларни Лабиҳовуз, Ўртаовул, Қизилтепа, Қўтирбулоқ, Қизилқия, Такиёнтепа, Қизмозор тарзида қисмларини қўшиб ёзиш мақсадга мувофиқдир.

Имломизда сифат ва атоқли оддан тузилган жой номларининг ажратиб ёзилиши қоидалаштирилган. Бу қоидага биноан Эски Ғазалкент, Эски Қовунчи, Эски Яйпан, Катта Қўштепа, Кичик Қўштепа, Юқори Шаҳрихон, Юқори Новкент, Пастки Новкент топонимларининг қисмлари ажратиб ёзилади, иккинчи узви эса бош ҳарф билан рақам этилади. Аммо матбуот саҳифаларида гоҳ-гоҳида шундай қолипда тузилган жой номларининг қўшиб ёзилиш ҳолатига ҳам дуч келмоқдамиз. Ўрташаҳрихон, Эскиҳаққулбод, Қуйибўзсув, Каттатошбулоқ, Эскитошкент, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ топонимларининг мазкур кўринишда ёзилганлиги бунинг исботидир.

Юқорида айтилганлардан англашиладики, қўшма топонимларнинг ёзилишида баъзи бир камчиликлар, нуқсонлар мавжуд. Бундай ҳолатларга, албатта, барҳам бериш даркор деб ўйлаймиз.

Хуллас, топонимларнинг ёзилишини маълум қолипга солиш, мавжуд чалкашликларни бартараф қилиш учун уларнинг имловий меъёрларини белгилаш ва шулар асосида жой номларининг имло

луғатини яратиш ниҳоятда зарурдир. Бу тилшунослигимиз олдида турган муҳим вазифалардандир.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Топонимлар қандай тамойиллар асосида ёзилади?
2. Фонетик тамойил асосида ёзилган жой номларига мисоллар келтиринг.
3. Морфологик тамойил нима? Бу тамойил асосида ёзилган топонимларга ўз ҳудудингиздан мисоллар топинг.
4. Вақтли матбуотда қўшма топонимлар қандай ёзилмоқда? Бу хусусда ўз фикрларингизни баён қилинг.
5. Топонимлар имлосидаги вариантлик ҳақида сўзланг.

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар имлоси. Тошкент, 1962.
2. Дўсимов З. Маҳаллий жой номларининг ёзилиши. Мухбир, 1975, 6-сон, 29-30-бетлар.
3. Нафасов Т. Жой номларига имловий маданият зарурми? Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммолари. Тошкент, 1990, 25-27-бетлар.
4. Охунов Н. Жой номлари–маданият кўзгуси. Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммолари. Тошкент, 1990, 41-42-бетлар.
5. Охунов Н. Қўшма жуғрофий номлар имлоси. Нутқ маданияти масалалари. Тошкент, 1993, 79-82-бетлар.
6. Охунов Н. Имло тамойиллари ва жой номларининг ёзилиши. Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Нутқ маданияти муаммолари (Республика конференцияси материаллари). Термиз, 2004, 150-152-бетлар.

ИСТИҚЛОЛ ВА ТОПОНИМИЯ

Таянч тушунчалар: топонимия – жой номлари мажмуи; неотопонимлар – янги жой номлари; тарихий топонимлар – халқ томонидан яратилган қадимий жой номлари.

РЕЖА:

1. *Истиқлол ўлкасининг топонимик сиёсати.*

2. *Мустақиллик ва тарихий жой номларининг тикланиши.*

3. *Янги номлар — замонамиз кўрки.*

Жой номлари турли даврларда ижодкор халқимиз томонидан яратилган бебаҳо хазина, маданий меросимизнинг узвий бир бўлагидир. Ота-боболаримиз бирор бир жойга бежиз ва бесабаб ном бермаганлар. Ном қўйишдек нозик масалага алоҳида эътибор билан қараганлар. Шу билан бирга ўз ақл-заковатларининг маҳсули бўлмиш жой номларини эъзозлаганлар, кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, келгуси авлодлар учун мерос қилиб қолдирганлар. Аммо таассуфлар бўлсинки, шўролар даврида мана шу ноёб меросга умуман эътиборсизлик билан қаралди, миллий руҳни акс эттирувчи юзлаб, минглаб халқона номлар нутилишга маҳқум этилди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, жой номларига муносабат тубдан ўзгарди. Топонимия масалаларига давлат миқёсида аҳамият берила бошланди. Мамлакатимизнинг барча вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузурида топонимия комиссиялари тузилди. Комиссиялар номларни тартибга солиш, тарихий топонимларни тиклаш, янги номлар яратиш каби масалалар бўйича бир қатор ишларни амалга оширдилар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон давлати ўз топонимик сиёсатини аниқ белгилаб олди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 майда "Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида"ги махсус қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тузилди. 1996 йил 30 августда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги Қонуни қабул этилди. Ҳукуматнинг қайд этилган ушбу тарихий ҳужжатлари асосида жойларда кўп амалий ишлар қилинишига эришилди.

Таъкидлаш лозимки, истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ республикамиздаги бир қанча туманлар, шаҳарларнинг тарихий, қадимий номлари тикланди. Фарғона вилоятининг Киров тумани – Бешариқ, Ленинград тумани – Учкўприк, Фрунзе тумани – Данғара тумани деб, Андижон вилоятининг Москва тумани – Шаҳрихон, Ленин тумани – Асака, Комсомолобод тумани – Улуғнор тумани деб, Тошкент вилоятидаги Коммунистик тумани – Юқори Чирчиқ, Ғалаба тумани – Қуйи Чирчиқ, Калинин тумани – Зангиота,

Оржоникидзе тумани – Қибрай тумани деб, Сурхондарё вилоятидаги Гагарин тумани – Музрабод, Ленин йўли тумани – Қизирик тумани деб, Бухоро вилоятидаги Свердлов тумани – Жондор, Қашқадарё вилоятидаги Ульянов тумани–Касби тумани деб азалий номлари билан аталадиган бўлди. Андижон вилоятидаги Советобод шаҳрининг Хонобод, Ильичевск шаҳрининг Қорасув, Ленинск шаҳрининг Асака, Самарқанд вилоятидаги Красногвардейск шаҳрининг Булунғур деган тарихий номлари яна ўзларига қайтарилди.

Миллий истиқлол йиллари давомида республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Қарши сингари шаҳарларида эски тузум мафкураси билан боғлиқ бўлган, мустамлака даври ғояларини тарғиб қилувчи, ҳеч қандай миллий маъно, хусусият касб этмайдиган номлар билан аталиб келинган юзлаб кўчалар, маҳаллалар, гузарлар номлари фуқароларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилди.

Тошкент шаҳрининг ўзида Яланғоч, Қашқар, Қушбеги, Қўқондарвоза, Беларик, Тирсақобод, Лангар, Баландмасжид, Қорёғди, Қизилқўрғон, Сузукота, Оқлон, Шивли, Новза, Шаҳидонтепа, Обиназир, Хирмонтепа, Чоштепа, Мингўрик, Пичоқчилик, Қошиқчилик, Эгарчи, Гулбозор, Мирзо Юсуф, Исломота, Гуручарик каби; Қарши шаҳрида Беглар, Чақар, Кулол, Чармгар, Қарлуқхона, Отчопар, Хумдон, Шириншоҳ, Қовчингузар, Гужумли, Қайрағочли, Мадрасагузар сингари жуда кўплаб топонимлар қайта тикланди.

Қўқон шаҳри бўйича қайта тикланган топонимларни маъносига кўра бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: 1) аҳолининг қадимий миллий таркибини акс эттирувчи топонимлар: Қипчоқарик, Юзлар, Шайхон, Бегвачча, Авғонбоғ; 2) халқнинг иқтисодий турмуш тарзи – шуғулланувчи касби-кори, савдо-сотиғи, хўжалик фаолиятига алоқадор номлар: Жиякчилик, Мисгарлик, Пўстиндўз, Чиннисоз, Элакбоф, Қоғозгар, Сўзанадўз, Парпашабоф, Эгарчилик, Тароқчилик; 3) кишиларнинг исм-шарифлари, мансаб-амал номлари билан ифодаланган топонимлар: Халифа Сафо, Валихон тўра, Бобобек, Давронбек, Уста Бозор, Миртоҳир, Муҳаммад Раззоқ девонбеги, Шерали мингбоши; 4) жойнинг табиий фазилатларини, ўрнашган жойини, ўсимликлар дунёсини, ер юзасининг шаклларини, тузилишини ифода қилувчи номлар: Тошлоқ, Тўғонбоши, Булоқбоши, Тегирмонбоши, Ўрдатаги, Азизтепа, Боғибаланд, Боғинав, Кўкгумбаз, Жийдалибоғ, Теракзор, Ўрикзор, Чаҳорбоғ, Шалдирамоқ, Эскиқўрғон кабилар.

Истиқлол йилларида республикамиз шаҳар ва туманлари марказларидаги кўчаларнинг кўпчилигига миллий руҳ бағишлаш мақсадида янги номлар берилди. Уларнинг айримлари Шарқнинг

буюк алломалари – Аҳмад Фарғоний, Замахшарий, Маҳмуд Қошғарий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Исмоил Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Хўжа Аҳрор, Али Қушчи; она-юрт учун жонини фидо қилган буюк саркардалар – Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур номлари билан атала бошланди.

Бундан ташқари, янги номлар – неотопонимлар орасида истиқлол кишиларининг озод ва гулгун турмушини, бахтли ҳаётини, орзу-истакларини, интилишларини ифодаловчи топонимлар ҳам алоҳида ўрин тутди. Истиқбол, Элобод, Гулобод, Иқбол, Наврўз, Янгиҳаёт, Навнихол, Зиёкор, Мустақиллик, Фидойилар, Боғидил, Гулбахор, Бўстон, Навбахор, Ёшларобод, Дўстларобод деб аталувчи кўча ва маҳаллалар буларга ёрқин мисолдир.

Хуллас, жой номлари – Ватанимиз кўрки, юртимиз жамолидир. Уларда истиқлол даврининг нафаси сезилиб туради.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Истиқлол ўлкасининг топонимик сиёсати деганда нимани тушунасиз?
2. Жой номлари ҳақидаги ҳукумат қарорлари тўғрисида сўзланг.
3. Истиқлол йилларида қайси туман, шаҳарлар номи ўзгартирилди?
4. Ўз ҳудудингиздан янги номлар – неотопонимларга мисоллар келтиринг.
5. Янги номларнинг қандай аҳамияти бор?
6. Тарихий топонимларнинг тикланиши масаласига қандай муносабатдасиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Бегматов Э. Жой номлари – маънавият кўзгуси. Тошкент, 1998.
2. Бегматов Э. Истиқлол ўлкасининг топонимик сиёсати. Ўзбек тили ва адабиёти, 1997, 3-сон, 3-9-бетлар; 4-сон, 7-9-бетлар.
3. Нафасов Т. Ўзбек номномаси. Қарши, 1993.
4. Қораев С. Тошкент топонимлари. Тошкент, 1991.
5. Охунов Н. Тарихий жой номлари – муқаддас. Гулистон, 1996, 3-сон, 58-60-бетлар.
6. Охунов Н. Жой номлари – юртимиз жамоли. Соғлом авлод учун, 2001, 4-сон, 47-48-бетлар.
7. Охунов Н. Истиқлол ва жой номлари. Қўқон садоси, 2001, 14 июнь, 2-бет.

ЖОЙ НОМЛАРИ ВА ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИ

РЕЖА:

1. 5-синфда топонимларни ўрганиш.
2. 6-синфда жой номларини ўргатиш йўллари.
3. Жой номларини ўрганишда тарқатма материаллардан фойдаланиш.
4. Топонимларни ўргатишда ўқитишнинг тест усулидан фойдаланиш.

Жой номлари тилимиз луғат таркибида салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди. Топонимларни болаларга янги педагогик технология асосида изчил ўргатиб боришда она тили фани бой имкониятларга эгадир. Бу V синфда «Сўз ясовчи қўшимчалар», «Қўшма сўзлар», VI синфда «Сўз ясовчи қўшимчалар, туб ва ясама сўзлар», «Атоқли ва турдош отлар», «Атоқли отлар, уларнинг турлари ва имлоси», «Ўрин-жой номлари (топонимлар) ва уларнинг имлоси» сингари мавзуларни ўтишда амалга оширилади.

Ўқувчиларнинг сўз бойлигини жой номлари ҳисобига орттиришда, фикрлаш қобилиятини ривожлантиришда, нутқини ўстиришда муаммоли саволлар алоҳида аҳамият касб этади. VI синфда «Ўрин-жой номлари (топонимлар) ва уларнинг имлоси» мавзуси ўрганилар экан, болаларга «Сиз қандай географик номларни биласиз?», «Топонимларга қандай ўрин-жойларнинг номлари киради?», «Жой номларининг маъносини биласизми?», «Сиз яшаётган кўча (маҳалла ёки гузар) нега шундай аталган?», «Атрофингиздаги қишлоқлар қандай ном билан юритилади?», «Сиз яшаб турган жойда қандай сув ҳавзалари (сой, булоқ, ариқ, ҳовузлар) бор? Уларнинг номланиши ҳақида нималарни биласиз?» сингари саволлар бериб, бу саволларга оғзаки ёки ёзма жавоб олишни уюштириш мумкин.

V синфда ўқитувчи «Қўшма сўзлар» мавзуси юзасидан машғулот олиб борганда қўшма топонимларни сўз бирикмаси асосида вужудга келганлигани тушунтириш учун кўчма тахтага ёзилган қуйидаги гаплардан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Нурсух – катта қишлоқ, у бир неча маҳаллалардан ташкил топган. Каттақишлоқ кўм-кўк водийнинг марказидан анча узоқда (И.Раҳим).
2. Қишлоғимиздаги ариқдан доимо оқ сув оқади. Қашқадарёнинг йирик ирмоқларидан бири – Оқсув дарёсидир.
3. Кечқурун кўл бўйи дам олувчилар билан гавжум бўлади. Қишлоғимиз маҳаллаларидан бири Кўлбўйи деб аталади.
4. Сўлим Фарғонанинг мунис бағрида олти ариқдан сув ичган қишлоқ бор. Қолди Олтиариқ – ота қишлоғим, она шаҳрим Тошкент олди бағрига (Э.Воҳидов).

Ўқитувчи мазкур гапларни ўқувчиларга бирин-кетин ўқитади. Улар диққатини ажратиб кўрсатилган катта қишлоқ, оқ сув, кўл бўйи, олти ариқ сўз бирикмалари билан Каттақишлоқ, Оқсув, Кўлбўйи, Олтиариқ қўшма номларига қаратади. Улар ўртасида қандай фарқ борлигини сўрайди, бу билан машғулота муаммоли вазиятни вужудга келтиради. Болалар фикрлаб, мушоҳада юритган ҳолда сўз бирикмалари пауза (тўхтама) билан айтилиб, кичик ҳарфлар билан ёзилишини, қўшма номлар эса бир бош урғу билан талаффуз қилиниб, қисмлари қўшиб ёзилишини таъкидлайдилар. Сўз бирикмалари орасида синтактик алоқа бўлиши, улар қўшма сўзга айлангач, бу хусусият йўқолишини изоҳлайдилар.

Жой номларини янги педагогик технология асосида ўргатишда тарқатма материаллар билан ишлашнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бунда кўзда тутилаётган мавзу бўйича ўқувчиларнинг билимларини аниқлаш, нутқ малакаларини текшириш, ўз фикрларини далиллар асосида баён қила олиш кўникмалари даражасини аниқлаш имкони яратилади. Болаларга қўшма топонимларнинг ясалишини тушунтиришда тубандаги мазмундаги карточкалардан фойдаланилса, яхши натижа беради.

1-карточка

Иккинчи қисми дарё, кўл, сой, ариқ, булоқ сўзларидан иборат қўшма жой номларига мисоллар келтиринг, ёзилишини тушунтиринг.

2-карточка

Қўшма сўздан иборат 10 та жой номини топинг, улар қайси туркумдаги сўзлардан таркиб топганлигини аниқланг, имлосини изоҳланг.

3-карточка

Тубандаги қўшма атоқли отларнинг қисмлари нима учун қўшиб ёки ажратиб ёзилганлигини изоҳланг: Ўртақишлоқ, Ўрта Чирчиқ,

Кўхна Урганч, Янгиқишлоқ, Дўнгқўрғон, Катта Амиробод, Кичик Амиробод, Қуйибоғ, Қоратепа.

4-карточка

Таркибида қишлоқ, овул, қўрғон, тепа сўзлари мавжуд жой номларига мисоллар топинг ва дафтарингизга ёзинг.

5-карточка

От + от, сифат + от, сон + от қолипида ясалган жой номларига мисоллар келтиринг, уларнинг ёзилиши қоидасини тушунтиринг.

6-карточка

Жийдакапа, Оқсой, Султонқишлоқ, Паттакесар, Еттисой, Кўкдала, Тангатопди, Бештепа, Юқорибоғ, Олтинтопган, Жармаҳалла номларининг қайси туркумдаги сўзлардан ясалганлигини аниқланг.

7-карточка

Сўзларнинг ёзилишига қараб маъносини айтинг. Бош ва кичик ҳарфлар, қўшиб ёки ажратиб ёзилиш сабабларини тушунтиринг: янги ариқ – Янгиариқ, катта қўрғон – Каттақўрғон, ариқ боши – Ариқбоши, янги қишлоқ – Янгиқишлоқ, кўк сув – Кўксув, сой бўйи – Соибўйи.

8-карточка

Тагига чизилган сўзларнинг қайси бири сўз бирикмаси, қайсиси қўшма сўз эканлигини аниқланг. Маъноси ва ёзилишини изоҳланг.

1. Янги йўл қурилди. Янгийўл тумани йиллик режани бажарди.
2. Кўм-кўк ўтлар ариқ бўйини қоплаб олган эди. Биз Ариқбуйи маҳалласида яшаймиз.

9-карточка

Топонимларнинг қуйидаги турларига – дала, ер, тўқай, дашт, яйлов номларига мисоллар топинг ва дафтарингизга ёзинг.

10-карточка

-зор, -лоқ, -истон қўшимчалари ёрдамида ясалган қандай топонимларни биласиз? Уларга мисоллар келтиринг.

11-карточка

Биринчи қисми белги билдирувчи сўзлардан, иккинчи қисми эса атоқли отлардан ташкил топган жой номларига мисоллар топинг.

12-карточка

Ўзингиз яшайдиган қишлоқ таркибига кирувчи маҳалла ва кўчаларнинг номларини ёзинг ва изоҳланг.

13-карточка

География дарсларидан олган билимларингиз асосида топонимларнинг қуйидаги турларига – дарё, денгиз, саҳро, чўл, ўрмон номларига мисоллар ёзинг.

14-карточка

Атрофингиздаги тепа, адир, чўққи, қир, дўнглик, қоя, дара номларини ёзинг. Агар билсангиз, маъносини изоҳланг.

15-карточка

Биринчи қисми миқдор билдирувчи сўзлар билан ифодаланган қўшма топонимларга мисоллар келтиринг. Булар нега шундай аталганлигини тушунтиринг.

16-карточка

Сизга маълум бўлган тоғ номлари иштирокида учта гап тузинг.

17-карточка

Гапларни кўчиринг. Қўшма топонимларнинг тагига чизинг, уларнинг қандай туркумдаги сўзлардан ясалганлигини изоҳланг.

1. Оқдарё ва Қорадарё Хатирчи қишлоғида бирлашади.
2. Арчасой тоғ доводидан бошланади.
3. Учкўприк – Фарғона вилоятининг сўлим гўшаларидан биридир.

18-карточка

Нумератив сўз билан отнинг бирикувидан тузилган қўшма топонимларга мисоллар топинг.

19-карточка

Ҳар хил сув объектларини ифодаловчи атоқли отлар номини ёзинг.

1. Сой номлари:
2. Ариқ номлари:
3. Булоқ номлари:
4. Кўл номлари:

20-карточка

Ўқиган бадий асарларингизда қўлланилган жой номларига мисоллар келтиринг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

21-карточка

Қуйида берилган топонимлардан ясама сифат билан отнинг бирикувидан ясалган қўшма жой номларини ажратиб,

дафтарингизга ёзинг: Ёишткўприк, Оқтепа, Мингтут, Сувлиариқ, Бештепа, Ўриклисой, Қатортол, Илонликўл, Сувсизтоғ, Қўшкўприк, Ёиштлимачит, Тахтакўприк, Балиқликўл, Қизилқум, Мойлисой, Қашқалдоққўл, Сирлимачит, Чинорлимачит, Қоратепа.

Бу хил тарқатма материаллар назарий билимларни мустаҳкамлашда, амалий ишларни қизиқарли ташкил этишда, вақтни тежашда жуда асқотади.

Жой номларини болаларга, талабаларга ҳар томонлама пухта ўргатишда ўқитишдаги тест усулининг аҳамияти ҳам бениҳоя каттадир. Тест усули ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнини тезлатиш, зеҳнини ўткирлаштириш имконини беради. Тест саволларига жавоб топиш болалар ва талабалар фаоллигини оширади, уларнинг оғзаки нутқини ўстиради, тафаккурини ривожлантиради. VI синфда «Ўрин-жой номлари (топонимлар) ва уларнинг имлоси», «Атоқли отлар, уларнинг турлари ва имлоси», академик лицейларда «Номшунослик», педагогика коллежлари ва педагогика институтларида «Атоқли отлар ва уларнинг турлари» мавзуларини ўтиш жараёнида қуйидаги мазмундаги тестлардан ўрни билан фойдаланиш мумкин:

1. Қайси жавобдаги жой номлари қўшиб ёзилади?

А. Беш ариқ, Ўрта Чирчиқ, Қора қамиш, Якка тут, Оқ қўрғон.

Б. Юнус обод, Янги қўрғон, Марказий Осиё, Шўр сув, Жар ариқ.

В. Қайнар булоқ, Ойдин кўл, Ёишт кўприк, Янги йўл, Меҳнат обод.

Г. Қўш тепа, Катта Кенагас, Халқ обод, Кўҳна Урганч, Олти ариқ.

Д. Минг тут, Юқори Чирчиқ, Қолган дарё, Қўқон сой, Карим девона.

2. Қўқон шаҳридаги касб-хунар номлари билан аталган кўча, маҳалла номлари қайси жавобда тўғри келтирилган?

А. Оҳангарон, Мисгарон, Дўппидўз, Ширмонпаз, Сақичмон.

Б. Кигизчилик, Ўқчи, Носгар, Гилямбоф, Оҳакчи.

В. Дегрезлик, Бахмалбоф, Мисгарлик, Тароқчилик, Жиякчилик.

Г. Сандиқчи, Милтиқчи, Сомсапаз, Кулолон, Чиннигарон.

Д. Кўнчилик, Бўзчи, Тавоқчи, Йигчимаҳалла, Карнайчи.

3. Республикамизда дарё номлари билан аталган вилоят номларига қайси жавобларда тўғри мисоллар қайд

қилинган?

- А. Амударё, Кўкдарё, Сирдарё, Оқдарё.
- Б. Қашқадарё, Сирдарё, Қорадарё, Қумдарё.
- В. Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё.
- Г. Сурхондарё, Ғузордарё, Қозоқдарё, Амударё.
- Д. Чирчиқ дарёси, Қизилдарё, Қолгандарё, Сирдарё.

4. Ўрин-жой оти ясовчи қўшимчалар орқали ясалган топонимлар қайси қаторда берилган?

- А. Дегрезлик, Ширмонпаз, Юлғунзор, Жиякчилик, Ғўмайли, Милтиқчи, Тошлоқ, Кўнчилик.
- Б. Сандиқчи, Носгар, Олмалиқ, Толзор, Тақачи, Қошиқчилик, Пистали, Юзлар.
- В. Олмазор, Бодомзор, Тошлоқ, Қумлоқ, Найистон, Бойистон, Боғистон, Регистон, Сангзор, Гулистон.
- Г. Амиробод, Кўмирчи, Тутзор, Ёнғоқлик, Анжирли, Санглоқ, Эгарчилик, Хўжалар.
- Д. Минглар, Сирғали, Шалдирамоқ, Қўрғонча, Чиннигарон, Учма, Дўрмонча, Қушчи.

5. Таркибида феъл туркумига хос сўз қатнашган, яъни «от + феъл», «феъл + от» қолипида ясалган қўшма топонимлар қаторини аниқланг.

- А. Қумбосди, Олтинтопган, Серқақирилди, Қолгандарё, Отчиқмас, Қайнарбулоқ, Куйганёр, Туятортар, Гадейтопмас.
- Б. Куйгантепа, Қуёнқочди, Бешариқ, Учтепа, Толқатор, Улоқчопган, Жийдақишлоқ, Сувчиқмас.
- В. Илонўтди, Қорамозор, Оқтош, Қизкетган, Ғаниқишлоқ, Бешовул, Толқудуқ, Ширмонбулоқ.
- Г. Қўйботган, Мингтепа, Такасакраган, Қўшқайрағоч, Султонқишлоқ, Самарқанддарвоза, Исфарагузар, Мошмаҳалла.
- Д. Туяқисилди, Тўдамайдон, Арнасой, Тангаторди, Айиқучди, Галақудуқ, Сувбузган, Тошариқ.

6. Киши исми билан топонимик индикаторнинг бирикувидан тузилган қўшма жой номлари қайси қаторда тўғри қайд қилинган?

- А. Зангиота, Каримдемона, Исломқишлоқ, Ҳасанқора, Ҳайитқишлоқ, Собиртепа, Йигитпирим, Ҳамраобод.
- Б. Комилчўли, Юсуфқўрғонча, Султонқишлоқ, Умарбекгузар, Мирзаорол, Олимтўқай, Жалолқудуқ, Жабборсой, Ризомаҳалла.
- В. Ҳуррамобод, Авазчўл, Бойбўта, Солимахсум, Валипирим, Ҳасанқўрғонча, Бостонбува, Қулбобо, Шераличек.
- Г. Ўрозбоғ, Алимайдон, Эшматовул, Ҳабиббува, Ҳожибек,

Ҳошимдашт, Холматдодҳо, Қурбоноталиқ, Алимерган.
Д. Дўсимтепа, Шокиртўқай, Каримбобо, Имомота,
Ҳасанмерган, Қурбонқашқар, Тешабойгузар, Дониёршайх.

7. Ҳажм-шакл билдирувчи сифатлар билан отнинг бирикувидан ясалган қўшма топонимлар қаторини белгиланг?

А. Каттақишлоқ, Оққўл, Янгиқишлоқ, Пастқўриқ, Чуқурқўл, Кўкорол, Юсуфқўрғонча, Шўртепа.

Б. Баландқишлоқ, Юқорибоғ, Кичикқурғонча, Узунқудуқ, Торариқ, Шўрбулоқ, Аччиққўл, Пасттўқай.

В. Юқориовул, Каттагузар, Ўртабулоқ, Узунҳовуз, Ясситепа, Шўрқудуқ, Совуқбулоқ, Янгиқўрғон.

Г. Каттақўрғон, Кичикдарё, Чуқурсой, Кенгсой, Торжилға, Узунқудуқ, Калтаминор, Юмалоқтепа, Йўфонтепа, Эгрисув, Думалоққўл,

Д. Қуйимозор, Ўртаовул, Ингичкаариқ, Шўрбулоқ, Эгриқўтон, Ширинбулоқ, Каттабоғ, Баландгузар.

Шундай қилиб, она тили дарсларида жой номларини янги педагогик технология асосида ўргатиш ўқувчи ва талабаларнинг кузатиш, таққослаш, умумлаштириш каби ақлий фаолиятини такомиллаштиради, мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради, оғзаки нутқини ўстиришга самарали таъсир қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Нафасов Т. Мактабда географик номларни ўрганиш. Она тили ўқитишнинг айрим назарий ва амалий масалалари. Қарши, 1983, 10-21-бетлар.
2. Охунов Н., Усмонова С. Жой номларини янги педагогик технология асосида ўргатиш. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга тадбиқ этишнинг назарий ва амалий масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Қўқон, 2002, 146-148-бетлар.
3. Охунов Н. Жой номларини ўргатиш орқали миллий истиқлол ғоясини сингдириш. "Ўзбек тили" доимий анжумани еттинчи йиғини материаллари. Тошкент, 2003, 55-56-бетлар.
4. Охунов Н. Жой номлари – тилимиз луғат бойлиги. Тил ва адабиёт таълими, 1995, 3-4 сон, 20-23-бетлар.
5. Охунов Н. Жой номларининг грамматик тузилиши ва ясалиши. Қўқон, 2004, 31-40-бетлар.
6. Охунов Н. Жой номларини ўргатиш орқали ўқувчилар ижодий тафаккурини ўстириш. "Ўзбек тили" доимий анжумани олтинчи йиғини материаллари. Тошкент, 2001, 67-68-бетлар.

МУНДАРИЖА

1. Топонимика – жой номларини ўрганувчи соҳа. Топонимиканинг бошқа фанлар билан муносабати	4
2. Ўзбекистон топонимиясининг ўрганилиш тарихи....	10
3. Топонимлар таснифи.....	24
4. Этнотопонимлар	29
5. Антропотопонимлар	35
6. Фитотопоним, зоотопоним ва геотопонимлар. ...	43
7. Кишиларнинг меҳнат фаолиятини акс эттирувчи топонимлар....	47
8. Топонимияда ўз ва ўзлашган қатлам	52
9. Гидронимлар.....	56
10. Оронимлар	63
11. Топонимларнинг ясалиши	67
12. Топонимлар имлоси	76
13. Истиқлол ва топонимия	81
14. Жой номлари ва она тили таълими	85

80,1,78,3,76,5,74,7,72,9,70,11,68,13,66,15,64,17,62,19,60,21,58,23,56,
25,54,27,52,29,50,31,48,33,46,35,44,37,42,39

40,41,38,43, 36,45,34,47, 32,49,30,51, 28,53,26,55, 24,57,22,59,
20,61,18,63, 16,65,14,67, 12,69,10,71, 8, 73,6,75, 4, 77, 2, 79